



Е. ИСОҚОВ

лишер
НАВОЙНИНГ
имк лирикаси

„ФАН“

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЁҚУБЖОН ИСОҚОВ

АЛИШЕР НАВОЙЙНИНГ
ИЛК ЛИРИКАСИ

Масъул мұхаррир
филология фанлари доктори, профессор
ҲАМИД СУЛАЙМОН

*Хамид Сулеймон
жарнамасындағы мұхтарлар тақтасы
13. VIII. 65*

УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ 1965

Маңкур монографияда улуг жұтафакири шоир Алишер Навоийнің илк лирикасы көңг ва ҳар томонлама тағлив қылышады, шунингдек, шоир илк лирикасининг зөвлөүсінің күрсатылады.

Монография ўрта мактабларының тил ва адабиёт үқитувчилари, олий ўқыу юртлари филология факультеттеринің студентлари, аспирантлар ҳамда Навоий ижодига қизиққан барча китобхонларга мүлжалланады.

КИРИШ

Навоий ижодий мёросининг каттагина қісмени унинг лирикаси ташкил этади. Навоий ижодида салмоқли ўрин тутган унинг лирик асарлари сўнгги даврларда маҳсус текшириш обьекти сифатида чуқур ўрганила бошланди. Бу борада совет навоийшунослиги эришган биринчи ва жиддий мұваффақиятлардан бири филология фанлари кандидати М. Шайхзоданинг «Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида» деган илмий ишидир¹.

М. Шайхзода мазкур ишида «Фароибус-сигар» девонини асос қылпіб олған бўлса-да, умуман, Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида фикр юритади ва шоирнинг лирик қаҳрамонига хос барча хусусиятларни бутун мураккаблиги билан очиб беришга мұваффақ бўлади. Умуман, М. Шайхзоданинг мазкур асари Навоий лирикасини марксистик методология асосида текшириш ишининг дастлабки йирик маҳсули бўлиб, бу соҳада кейинги даврларда амалга оширилган катта ҳажмдаги ишларнинг сермазмун дебочасидир.

Навоий лирикасини маҳсус текшириш ишлари сўнгги даврларда янада кенг томир ёя бошлади. Ўзбек адабиётшунослари ана шу соҳада бир қатор жиддий ишларни амалга оширидиларки, бу ишлар навоийшунослик фанига яиги ва қимматли ҳисса бўлиб қўшилди.

Навоий лирикасини ўрганиш соҳасидаги ишлар икки йўналишда олиб борилди: биринчи йўл текстологик характерда бўлиб, Навоий лирикасини текстологик жиҳатдан текшириш за унинг якунларини ўз ичига олади. Филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймонов томонидан амалга оширилган «Хазоинул-маоний»нинг академик нашри, шу автор томонидан тайёрланган «Хазоинул-маоний»нинг илмий-танқидий тексти ва Навоий лирикаси олиб борган текстологик тадқиқотлари

¹ М. Шайхзода, Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида («Фароибус-сигар» бўйича). «Улуг ўзбек шоири» тўплами, Тошкент, УзФАН, 1948, 131—158-бетлар.

натижаларини ўз ичига олган докторлик диссертацияси² Навоий лирикасини текстологик текшириш соҳасида қўлга киритилган дастлабки жиддий ютуқдир.

Навоий лирикасини текширишнинг иккинчи йўли эса назарий характердадир. Бу соҳала академик Ойбек³ ва фи. олог'я фанлари кандидатлари М. Шайхзода⁴ ҳамда А. Ҳайитметов⁵ томонидан сўнгги даврда эълоғ қилинган илмий асарлар, айниқса, дикқатга сазовордир. Мазкур асарлар Навоий лирикасини ўрганиш соҳасида қилинган дастлабки маҳсус ишлар бўлиши билангина эмас, шунингдек, ўзининг илмий салмоғи бўлан ҳам қимматлидир. Бироқ мазкур ишларга хос умумий хусусият шундан иборатки, уларда умуман Навоий лирикаси ҳақида фикр юритилади. Навоий лирикасининг етук даври олиб текширилади. Шоир ижодининг эволюциясини текшириш, унинг балогат босқичига кўтарилигунга қадар босиб ўтгай мураккаб ижодий йўлини кузатиш, шоир ижодининг ҳар бир этапини маҳсус текшириш, унинг специфик хусусиятларини аниқлаш, ана шу босқичлар орасидаги умумий боғланишни ўрганишни тақозо қиласди. Бу эса шоир ижодини унинг динамикасида текшириш, шу билан бирга, автор дунёқарашиларнинг ўсиши, ўзгариши ва шаклланишини ҳам аниқлашга имкон беради.

Сўнгги даврларга қадар Навоий лирикасининг (умуман ижодининг ҳам) айрим бир даври маҳсус ўрганилмай келинганлиги ҳам объектив сабабларга эгадир. Бу сабаб шундан иборатки, Навоий шеърларининг лоақал умумий хронологияси ҳам мавжуд эмас эди. Бусиз эса шоир ижодини даврлаштириш ҳам мумкин эмас. Айрим илмий ишларда Навоий илк ижодининг ҳажми ва чегараси масаласида фақат баъзи биро тахминий фикрлар учрайди. Улардан айримлари, Навоийнинг ўз фикрларига асосланиб, «Фароibus-сигар» ва «Наводирушшабоб» девонидаги шеърларни шоирнинг илк ижодига нисбат берадилар⁶. Фақат марҳум профессор Бертельсгина қисқа, лекин ҳақиқатга мос келадиган фикрни баён қиласди. У, Навоий 24 ёшлик чоқларида кўчирилган ва ёш шоирнинг тўрт юздан

² Х. Сулейман. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Дис. на соискание учёной степени док-ра фил. наук, Ташкент, 1961.

³ Ойбек, Навоий ғазалиёти. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, № 2, 5.

⁴ М. Шайхзода, Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуслари ҳақида («Фароibus-сигар» девони асосида). «Ўзбек адабиёти масалалари» тўплами, Тошкент, Уззадабийнашр, 1959, 238—254-бетлар.

⁵ А. Ҳайитметов, Навоий лирикаси, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961.

A. Sarafiddinov, Əliser Navoij, Toşkent, 1939, 17-bet.

ортىқ шеърини ўз ичига олган қўлләзма девон⁷ хусусида сўзлаб, шундай ёзади: «Бу девон Навоий йигирма тўрт ёшлик чоқда кўчирилган ва шундай қилиб, бу Навоийнинг қайси ғазаллари унинг дастлабкип ижодига мансуб эканлигини аниқ тиклашга имкон беради»⁸. Проф. Бертельснинг бу фикри X. Сулаймоновнинг илмий тадқиқотлари натижасида тасдиқланди. X. Сулаймонов, Навоий лирикасининг Совет Иттилоғин ва жаҳон фондларида сақланаётган жуда кўп нодир қўлләзмаларини синчилаб ўрганиш натижасида, навоийшуноситкда биринчи марта Навоий лирикасини илмий асосда даврлантирили ва Навоий шеърларининг хронологиясини аниқлади. Бу эса Навоий лирикасининг турли этапларини алоҳида ҳолда олиб текшириш имкониятини яратди.

Биз навоийшуносликнинг ана шу сўнгги ютуқлари заминида Навоийнинг илк лирикасини маҳсус ўрганишга киришдик.

Ўз текширишларимиз учун Навоийнинг илк девони (Ленинград, Салников-Шчедрин иомидаги Давлат ҳалқ кутубхонаси, қўлләзма № 564)ни асос қўилиб олдик. Мазкур девон Навоий 24 ёнда эканлигига (1465—66) Навоий ижодининг муҳлислари томонидан тузишган бўлиб, Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган ва Навоийнинг илк ижодига мансуб туркӣ (ўзбекча) шеърларининг асосий қисмини ўзида қамраб олган. Бу нусха Навоий асарларининг бизга қадар етиб келган қўлләзмалари ичнагина эмас, шу билан бирга, машхур хаттот Султон Али томонидан кўчирилиб, жаҳон фондларида сақланаётган қўлләзмаларнинг ҳам энг қадимиёсидир. Унда шоирнинг 391 газали, 41 рубойиси, 1 муҳаммаси ва 1 мустазоди мавжуд. Хатти — ўйрик настаълиқ. Нуқталарнинг қўйилишида ягона принцип йўқ. Шеърлар алифбо тартибида икки устунда ёзилган ва олтин суви берилган жадвал ичига олинган. Хурсоннинг ипак қоғози. Саҳифаларнинг ҳошияси турли рангдаги гуллар билан нақшланган. Текст ёзилган қисмларга ҳар хил ранг берилгац. Ҳар саҳифада 10, 11 байт жойлашган.

Боши:

الاها پادشاها كردىكارا سنكا آچوغ نهان و آشكارا

Охири:

كيم حشردا مست او لاي خراب اي ساقى
تا انكلاماي ايتسلار عزاب اي ساقى

⁷ Бу қўлләзма Ленинградда, С-Шчедрин иомидаги Давлат ҳалқ кутубхонасида сақланмоқда. Инв. № 564.

⁸ Е. Э. Бертельс, Навои, М.—Л., 1948, стр. 109—110.

Колофон (тариҳ):

حرره العبد سلطان على المشهدى فى شهور سنه سبعين
ثمانائه فى أيام الشيب

Маълумки, Навоий ўз ижодини форс тилида башлаған ва дастлабки пайтларда форс тилида кўпроқ машқ қилган. Шунинг учун ҳам биз, асосан, Навоийнинг туркий шеърлари устида илмий текшириш олиб борсак-да, Навоийнинг традицияга муносабати каби масалаларни ҳал этишда унинг форсий тилдаги шеърларига ҳам мурожаат қилиш зарур деб ҳисобладик ва шундай йўл тутдик.

Ҳар бир шоир ижодини у яшаган тарихий шаронтдан ажратиб олиб ўрганиш мумкин эмас. Чунки ҳар қандай санъат ва адабиёт асари маълум бир даврнинг маҳсули бўлиб, унда ўша тарихий шароитнинг таъсири, излари у ёки бу даражада акс этади. Шунинг учун ҳам Навоийнинг илк шеърлари ҳақида фикр юритган вақтда бу шеърларнинг турли жойларда ва турлича шароитларда ёзилганлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Навоийнинг илк шеърлари, асосан, 2 та шаҳарда: Ҳирот ва Машҳадда ёзилган. Навоий 1456 йилда Абулқосим Бобир хизматига киради. Бу вақтда унинг (Навоийнинг) «назмлари Хурсонда шуҳрат тутиб эрди»⁹.

Навоий 1456—57 йилларда Абулқосим Бобир билтан бирга Машҳадга боради. А. Бобир вафотидан кейин ҳам у, ўқишинн давом эттириш мақсадида, Машҳадда қолади. Навоий Машҳадда ёлгизликда моддий жиҳатдан қийинчилик билан кун кечиради. Ўз ватани, яқин кишиларидан узоқда моддий ва маънавий жиҳатдан қийналган шоирнинг кайфияти, кечинмалари унинг шу даврдаги лирикасида ўз аксини топган.

Қўйидаги байт ёш шоирнинг бекаслика ғам-аламлар билан тўлиб-тошган қалбини анча тўғри ифодалайди:

Эл дарди ёрдин қам ўлур, менда ёр йўқ,
Кўнглумда юз туман ғаму бир ғамгусор йўқ¹⁰.

Навоий 1464 йилда Ҳиротга қайтиб келди. Бироқ унинг аҳволи бу ерда ҳам ўзгармади, балки янада оғирлашди. Подшоҳ Абу Сайд Навоийга яхши муносабатда бўлмади. Улар ўртасидаги муносабат кескинлаша борди. Бунинг сабаби шундаки, тож-тахт орзусида Абу Сайдга қарши кураш

⁹ А. Навоий, Ҳолоти Сайд Ҳасан Ардашер. «Ўзбек адабиёти», Тошкент, Уззадабийнашр, 1959, II том, 566-бет.

¹⁰ Қўлёзма № 564, 72a-варақ. (Бундан кейинги ўринларда қўлёзманнинг фақат инвентарь номери ва вараги кўрсатилади).

олиб бораётган Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг дўсти эди. Шунингдек, Навоийнинг тогалари Фарибий ва Қабулийлар Абу Саидга қарши кўтарилиган бадахшонийлар қўзғолонида қатнашган эдилар. Шу билан бирга, Абу Саиднинг золимлиги,adolatciziliги сабабли, Навоий унга нафрат билан қарап эди. Шунинг учун ҳам Навоий Ҳиротда фақат моддий жиҳатдангина сиқилиб қолмай, руҳий жиҳатдан ҳам ээзилган эди. У бу ерда маънавий жиҳатдан қўллаб-қўлтиқлайдиган ҳамфир дўстлар топа олмайди. Шаҳардаги бузукликлар,adolatciziliklarни кўриб азоб чекади. Бироқ у ҳақсизликлар қаршисида жим турга олмайди, золимларга қўл қовуштиришини истамайди. Бунинг устига унинг ўқиши, ижод қилиши учун мутлақо шароит бўлмайди. Шундан сўнг Навоий 1456 йилларда Самарқандга кетишга мажбур бўлади. У Сайд Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида ўзининг Самарқандга келиши сабабларини батафсил баён қиласиди¹¹.

Навоийнинг қўйидаги байти ҳам унинг ўша пайтлардаги холати, кайфиятига жуда мос тушадики, бу Самарқанд сафари олдидан ёзилган бўлса керак:

Кимки саркашроқ, ҳаводис ўқига кўпрак ҳадаф,
Ушбу ҳолатни қабақ аҳволидин қилғил ҳисоб¹².

Мана бу байтларда эса ёш шоир фаолиятининг мазмуни, ўёналиши аниқ акс этган бўлиб, буларда автор Абу Саидга киноя қиласидан бўлса ҳам ажаб эмас:

.. Қўй дуру феруза бахтинким, нужуми чархни
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.
Лаълдек бошим осулсун фарқзи хуноб ўлуб,
Лаъл тиккан салтанат тожиға бўлса рағбатим¹³.

Умуман, Навоий илк лирикасининг ғоявий мотивларини баҳолашда шоирнинг ана шу шеърлар ёзилган даврдаги шаҳроити, кайфиятини назарда тутмоқ керак.

Маълумки, ҳар бир ёзувчи ёки шоирнинг традицияга бўлган муносабати — традицияга қай даражада боғланганлиги, ундан фойдаланиш усуллари, оригиналликка интилиши ва бошқалар — унинг илк ижодида очиқроқ кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам, Навоийнинг илк лирикасини унинг ўз даври лирик традицияларига бўлган муносабати билан бўғли ҳолда олиб текшириш зарур. Навоий лирикасида традиция ва новаторлик масаласи навоийшуносликнинг энг муҳим актуал проблемаларидан биридир. Бирсқ бу соҳада, Ҳ. Зарин

¹¹ Қаранг: Алишер Навоий, Ҳазойинул-маоний, I том («Ғаройибус-сигар»), Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1959, 697-бет.

¹² 564, 216-в.

¹³ 564, 1066-в.

фов¹⁴, А. Ҳайитметов¹⁵ ва Н. М. Маллаевларнинг¹⁶ ишларини назарда тутмаганда, бирор маҳсус илмий тадқиқот иши ҳаңузгача йўқ. Ваҳолонки, ана шу масала маҳсус илмий текширишинги тақозо қиласди. А. Ҳайитметов ўз асарида Навоийижодидаги традициянинг роли масаласида, йўл-йўлакай бўлса-да, жиддий фикрлар баён қиласди. Ҳ. Зарифов эса Лутфий ва Навоийнинг ижодий муносабатларини атрофли¹⁷ чуқур таҳлил этади.

Н. Маллаев ўзбек газалчиликнинг тараққёсти ва унда Навоийнинг роли масаласини ёритишга ҳаракат қилиб, «Навоий газалларининг бир қатор хусусиятлари ҳақида тезислар тариқасида»¹⁷ мулоҳаза юритади. Бироқ бу ишлар, катта илмий аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, Навоий лирикасида традиция ва новаторлик масаласини атрофлича ҳал эта олмайди. Биз ҳам Навоийнинг илк лирикасини текшириш процессида ана шу масаланинг баъзи томонларини ёритишга ҳаракат қиласмиш.

Шуни ҳам айтиш кераккп, Навоийнинг илк лирикаси (барча шоирларда бўлганидек) шоир ижодининг кейинги этаплари билан тулашиб кетиб, улар билан ички боғланиш дадир. Шу нуқтаи назардан, Навоийнинг илк шеърларини уларнинг кейинги варианtlари ва умуман Навоий лирикасининг кейинги даврлари билан қиёсий ўрганиш, шоир ижодини ривожланиш процессида олиб текшириш, унинг услуби, дунёқарашидаги ўзгариш ва ривожланишини кузатишга имкон беради. Биз ҳам ушбу ишимизда, Навоий илк лирикасининг специфик хусусиятлари (илк лириканинг ғоявий йўналиши ҳамда поэтик хусусиятлари) ни очиб бериш билан бирга, унинг ўз даври лирик традицияларига муносабати ҳамда шоир услубидаги сўнгги ўзгариш ва ривожланишининг баъзи бир томонларини аниқлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ушбу ишни амалга оширишда бевосита раҳбарлик қилган филология фанлари доктори Ҳ. С. Сулаймоновга ҳамда иш юзасидан ўзларининг қимматли мулоҳазалари билан ёрдам кўрсатган филология фанлари докторлари Н. М. Маллаев, Ф. Абдураҳмонов, филология фанлари кандидатлари Р. Мажидий, С. Муталлибов, А. Иброҳимов ва А. Ҳайитметовларга чуқур миннатдорчилигимизни изҳор қиласмиш.

¹⁴ Ҳ. Зарифов, Лутфий ва Навоий. «Улуғ ўзбек шоири» (мақолалар тўплами), Тошкент, ЎзФАН, 1948, 159—197-бетлар.

¹⁵ А. Ҳайитметов, Навоий лирикаси, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961.

¹⁶ Н. Маллаев, Узбек адабиётида ғазал ва унинг ривожида Навоийнинг роли. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, № 3, 3—13-бетлар.

¹⁷ «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, № 3, 12-бет.

І БОБ

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ЎЗ ДАВРИ ЛИРИК ТРАДИЦИЯЛАРИГА МУНОСАБАТИ

Адабиёт майдонига кириб келаётган ҳар бир ёш талані үзига қадар яратилган, тўпланган адабий тажрибалардан маънавий озиқ олади, ўрганади; ана шу традициялар заминида камолга етади. Жаҳон адабиёти тарихида ўз миллий ва дунё адабиётининг кўп асрлн традицияларидан фойдаланмаган бирорта ҳам улуғ сўз санъаткорини учратиш мумкин эмас. В. Г. Белинский Пушкин ҳақидаги мақоласида шундай ёзган эди:

«Пушкиннинг музаси унинг салафлари ижодидан озиқланди ва вояга етди. Бундай дейиш ҳам етарли эмас: у (муза) салафлари ижодини ўзининг қонуний мероси сифатида сингширнб, уларни дунёга янги, янада юксак қўринишда қайтарди. Державин, Жуковский ва Батюшковларсиз Пушкин ҳам пайдо бўлмаган бўлур эди, Пушкин уларнинг шогирди эди, деб айтиш ва исботлаш мумкин. Аммо Пушкин ўз устозларидан бирор нарсани айнан ўзлаштирган ёки бирор нарсада улардан беҳад юқори эмас деб айтиб ҳам, исботлаб ҳам бўлмайди»¹.

Умуман, ҳар бир ёш қаламкаш үзига қадар тўпланган адабий традициялардан фойдаланади. Бироқ ҳаммаси ҳам бир хилда ва бир даражада эмас: бири адабий традициялар заминида тарбияланиб, ундан ижодий фойдаланиб, уни ривожлантириб, юқори босқичга олиб чиқса, бошқа бири ана шу традицияларнинг қули бўлиб қолади, уни давом эттира ва ривожлантира олмайди. Шунинг учун ҳам, адабиёт тарихида ҳар бир ёзувчининг ўрни унинг адабий традицияларга бўлган ижодий муносабати ва уни ўз даври талаблари асосида қай . даражада ривожлантира олганлиги билан белгиланади.

¹ Б. Г. Белинский, Собр. соч. в трех томах, т. III, М., ГИХЛ, 1948, стр. 334.

Традицияга муносабат масаласи у ёки бу ёзувчининг даври, дунёқараши ва синфий позицияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар бир ёзувчи ўз ижодининг турли босқичларида адабий традициялардан турлича фойдаланади ва унга турлича муносабатда бўлади. Айниқса, ёзувчи ижоди инг илк даврларида унинг адабий традицияларга бўлган муносабати (адабий традицияларга қай даражада боғланганлиги, оригиналликка интилиши) аниқроқ кўринади.

Шу жиҳатдан, биз Навоийнинг илк лирикасини текширар эканмиз, уни Навоийга қадар кўп асрли тажрибага эга бўлган Шарқ (форс-тожик ва ўзбек) адабиётининг бой традицияларидан узилган ҳолда олиб ўрганишимиз мумкин эмас. Навоийга қадар форс-тожик ва ўзбек ёзма адабиётида жуда бой тажриба тўпланган бўлиб, Навоий ўз ижодини ана шу заминда бошлади. Шуни айтиш керакки, ҳар бир ёш қаламкаш, адабий традицияларга маҳкам суюнган ҳолда, ўзига қадар ўтган улуғ сўз санъаткорларидан бир ёки бир нечасини ўзига устоз сифатида қабул қиласи, уларга эргашади, улар ижодидаги маълум томонларни ўзига сингдирали. Бу, албатта, ана шу ёш ижодкорнинг дунёқараши билан боғлиқ ҳодисадир. Чунки у ўз қарашлари ва интилишларига мос келадиган ҳамда ўз саволларига муносиб жавоб топа олган кишигагина эргашиши, ундан ибрат олиши мумкин. Шунингдек, ўтмишдаги буюк сўз санъаткорларининг ижоди ҳам хичма-хил руҳда ва бадиий савияда бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзидан кейин вужудга келадиган ижодкорлар учун ўз ижодининг маълум бир хусусияти билан таъсир этиши ва улarda ана шу томонга нисбатан қизиқиш уйғотиши мумкин. Шунинг учун ҳам, биз Навоийнинг лирикасидаги устозлари кимлар эканлиги, улар ижодидаги қайси томонлар Навоийнинг эътиборини ўзига тортганлиги ва Навоийнинг улар ижодига муносабатини аниқламоғимиз лозим.

Маълумки, ёш Навоий ўз ижодини аввало форс тилида бошлади. Бу демак у жуда ёшлигига даёқ форс-тожик адабиёти билан таниш бўлган, форс-тожик шеър тузилишининг қонун-қоидаларини ўзлаштирган. Табиийки, форс-тожик адабиётининг улуғ намояндайлари ижоди билан танишмай, улар традицияларини ўзлаштирулмай, ана шу тилда шеър ёзиш мумкин эмас. Бироқ кейинроқ Навоий ўзбек тилида ижод қиласи экан, форс-тожик адабиётидан олган билимларидан ташқари, бу соҳада бевосита ўзбек шеъриятиниг тажрибаларига суюнди. Хоразмийдан бошлаб Лутфийга қадар ўзбек ғазалчилиги соҳасида анча бой тажриба тўпланган бўлиб, бу соҳада эришилган ютуқлар Навоий учун ўзбек шеъриятини камолот босқичига кўтаришда асосий замин бўлди. Навоий, ана шу

традицияларга суюнган ҳолда, ўзбек тили ва шеъриятининг тараққиети учун курашди ва бу соҳада форс-тожик адабиётининг буюк намояндалари билан мусобақалашди.

Навоий форс-тожик ва ўзбек адабиётининг барча ютуқ ва тажрибаларини ана шу адабиётларнинг буюк вакиллари во-ситаси билан қабул қилди ва ўз фаолиятининг ривожида ана шу асосга суюнди. Навоий ўзининг форс-тожик адабиётидаги салафлари (лирикада) ҳақида бир қитъасида шундай ёзади:

Газалда уч киши тавридурул ул навъ,
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли:
Бири муъжиз бәёнлиқ соҳири ҳизд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.
Бири Исо мағаслиқ ринди Шероз,
Фано дайрида маству лоуболи.
Бири қудси асаарлик орифи Жом,
Ки Жоми Жамдурур синғон сафоли.
Навоий назмига бўксанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти ҳоли.
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш
Анго уч шўх маҳвашиниг жамоли².

Кўриниб турибдики Навоий форс-тожик адабиётининг уч буюк вакили — Хусрав Дехлавий, Ҳофиз ва Жомийларни ўзининг газалчиликдаги устози деб ҳисоблайди. Ўзининг ғазал соҳасидаги фаолиятида уларнинг таъсири борлигини эътироф этади. Шунингдек, бу қитъанинг муҳим аҳамияти яна шундаки, шоир ўз салафларининг номини тилга олар экан, улар ижодидаги ўзининг диққатини жалб қилган ва қизиқтирган энг муҳим ва характерли томонларни очиқ баён қиласди. Бошқача қилиб айтганда, автор ана шу уч буюк генийнинг ҳар бири ўз ижодининг қайси томонлари билан ўзи учун ибрат ва устоз бўлганлигига ишора қилиб ўтади. Навоийнинг бу каби сўзлари унинг традицияга муносабаги ва новаторлигини аниқлаш ва умуман шоир ижодининг етакчи хусусиятларини белгилашда жуда катта аҳамиятга эгидир. Чунки ҳар бир буюк ёзувчи бошқа ёзувчиларга ўзининг уни бошқалардан фарқ қилиб турадиган алоҳида ўзига хос томонлари билан таъсир этади. Юқоридаги қитъада ҳам ана шундай муносабатнинг излари яққол кўриниб турибди.

Биз Навоий ўзининг ғазалдаги устозлари сифатида форс-тожик адабиётида Хусрав Дехлавий, Ҳофиз ва Жомийларни эътироф этганлигини кўрдик. Энди улар ижодининг қайси томонлари Навоийга кўпроқ таъсир қилди ва бу таъсир вақтинча эдими ёки узлуксиз давом этдими, деган масала устида ба-тафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

² Алишер Навоий, Ҳазойинул-маоний, IV том («Фавоийидул-кн-бар», Тошкент, УзССР ФА нашриети, 1960, 731-бет).

Бизга бу соҳада Навоийнинг ўзи жуда катта имкониятлар яратади. Чунки у ўз салафларининг ижодий меросига бўлган қарашлари ва муносабатини ўзининг жуда кўп асарларида ихчам формада баён қилган. Биз ана шу фикрларни изчиллик билан текширсак, Ҳофиз, Ҳусрав Деҳлавий և Жомий ижодининг Навоий ижодига бўлган таъсири ва бу таъсири нинг энг муҳим томони нимада эканлигини аниқлашимиз мумкин.

Аввало, Навоийнинг ана шу соҳадаги фикрларини биз унинг лирик шеърлари таркибида учратамиз. Навоий «Бадоеул-бидоя» девонининг дебочасида шундай ёзади: «Аммо ашъор тадвин қилғонлардин баъзеким бақо мулкида фоний-дурлар ва баъзеким ҳоло фано дайрида боқий дурурлар. Аввалги зумрадин бовужуд дард бешасининг газанфари ва ишқ оташгоҳининг самандари, жавоҳир маънавийси — амир Ҳусрав Деҳлавий... ва фано майхонасининг ринди хирқа чоки ва бало паймонасининг масти бебоки, ишқу муҳаббат асрори аминларининг ҳамроzi — Ҳожа Ҳофиз Шерозий... Ва сўнги фурқадин қудс шабистонининг шамъи анвари ва унс гулистонининг андалиби суханвари, балоғат шаккар истонининг тўти ширин каломи — жаноб маҳдуми мавлоно Абдураҳмон Жомий... девонлари ирода бўлгай»³.

Кўриниб турибдики, автор ўз салафларидан ҳар бирининг маълум томонларини таъриф этиб, асосий эътиборини ана шу жиҳатларга қаратмоқда. Яъни Ҳусрав Деҳлавийда — ишқни куйлашдаги самимийлик ва қалбаги дард-аламларни ифодалашдаги жасорат, Ҳофизда — ринд табиатлилик, исёнкорлик, Жомийда эса руҳий поклик ва маънавий етуклик биринчи планда тасвирланган. Автор уларнинг ҳар бирини уларга хос ана шу хусусиятлар билан бир-биридан фарқлаган.

«Фароibus-сиғар»да «эй ҳофиз» радифли бир газал бўлиб, у қуидагича тугайди:

Магарки Ҳофизи Шерозсенки, бир соғар
Тутуб Навоийға қилдинг каромат, эй ҳофиз⁴.

«Бадоеул-васат» девонидаги 215-ғазал эса шундай тугайди:

Эй Навоий, сену Ҳусрав била Жомий таври,
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард или сўз⁵.

³ «Фавойидул-кибар», 763-бет («Бадоеул-бидоя»нинг дебочаси шу томга илова қилиб берилган).

⁴ «Фароibus-сиғар», 305-бет.

⁵ Алишср Навоий. Ҳазойинул маоний, III том («Бадойеул-васат»), Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960, 219-бет.

Муҳими шундаки, Навоий «Хазоинул-маоний»нинг тўрға-ла девонига ҳам 650 тадан ғазал киритган бўлиб, дастлабки учта девоннинг охирги (650) ғазалларини ўз салафларининг номини тилга олиш билан якунлайди. Ҳар бир девондаги ғазаллар хотимасида Ҳофиз, Хусрав ва Жомийлар номи тилга олиниши, албатта, тасодифий эмас. Бу ниҳоятда ўйлаб қилинган иш бўлиб, авторнинг ўз салафлари ижодига ва хотирасига катта ҳурмат билан қараганлигининг ёрқин ифодасидир. Бироқ ана шу ўринларда Навоий Хусрав, Ҳофиз ва Жомийларни фақат эслаб ўтмай, улар ижодининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади, ўзининг улар ижодига бўлан муносабатини ифода қиласиди:

Демангиз булбул Навоийни, самандар денгки, бор
Назми ичра шуълани Жомию сўзи Хусравий⁶.

Янаки цутқ илаю руҳ ила етурди анга,
Фуюз Орифи Жомию ринди Шерозий⁷.

Навоий фарду беҳуш ўлғонин деманг қачондиндур,
Ҳамондинким, ани маст этти ваҳдат жомидин Жомий⁸.

Бу байтларда ҳам, Хусрав — ишқининг оташин куйчиси, Ҳофиз Шерозий — ринд, Жомий — етук олим ва файласуф сифатида талқин этилади. Автор «Хазоинул-маоний»нинг дебочасида ҳам: «Бири ўз асарида ганжи маънавий Мир Хусрав Деҳлавий дерларким»⁹, — деб ёзади. Бу ердаги Хусрав Деҳлавийга нисбатан қўлланилган «ганжи маънавий» ибораси бундан бир қанча вақт илгари ёзилган «Бадойеул-бидоя» дебочасидаги «жавоҳир маънавийси» иборасининг айнан ўзи бўлиб, бу Навоийнинг ўз салафлари ижодига берган дастлабки баҳосининг ҳали ўзгармаганлигини кўрсатади.

Навоий ўзининг лирикадаги салафларини фақат лирик шеърларидагина эслаб қолмайди. Балки у ўзининг бошқа адабий-илмий асарларида ҳам бирор муносабат билан уларнинг номини келтириб ўтади.

Ана шундай ўринларда ҳам уларнинг номини тўғридан тўғри келтирмай, ўзининг уларга бўлган муносабатини билдиради. Улар ижодидаги ўзига хос оригинал томонларни кўрсатиб ўтади.

Албатта, унинг адабий-илмий асарлари «Хазоинул-маоний» тузилгандан анча кейин ёзилган. Шу жиҳатдан Ҳофиз,

⁶ «Фаройибус-сигар», 668-бет.

⁷ Алишер Навоий, Хазоинул-маоний, II том («Наводируш-шабоб»), Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 654-бет.

⁸ «Бадойеул-васат», 650-бет.

⁹ «Фаройибус-сигар», 11-бет.

Хусрав ва Жомий ҳақида ана шу асарларда айтилган фикрларни «Хазоинул-маоний»дан келтирилган фактлар билан қиёслаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу, Навоийнинг ўз салафларига (албатта, лирика соҳасида) нисбатан муносабати, улар ижодига берган баҳоси бир даражада турганлиги ёки ўзгариб борганлигини кузатиш ва аниқлеш ҳамда бу ҳақда ишончлироқ хуласага келиш имкониятини беради.

Навоий «Мұхокаматул-луғатайын» асарида ўзининг ёшлик ийллари ҳақида сүзлаб, шундай ёзади:

«...Ўқуриға давовиндин бу фақир мутголаасига кўп машғул бўлмагон девон оз эрмиш. Батахсис ишқ ва дард аҳлиниңг роҳбар ва пешрави Хусрав Деҳлавий девониким, ошиқлиқда дард ва ниёз ва сўз ва гудоз тариқин ул мунташир қилди ва онинг ишқи машъалидин бу партав олам тийра хокдониға ёйилди.

Яна ҳақиқат аҳлиниңг сархайл ва сарафрози хожа Ҳофиз Шерозий нуқат ва асроринки, анфоси руҳул-қудсдин нишон айтур ва руҳулло анфосидин асар еткуур.

Яна бу фақирининг пири ва устози, тариқат аҳлиниңг соҳиби иршоди, жамиъ аҳлуллонинг муқтадо ва шайхулислюми... Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг руҳпарвар латойифи ва руҳгустар заройификим, андин ҳар ғазал кал-ваҳйил-мунзал ва ҳар риссола кал-аҳодисин-набиий мурсал олийшон ва рафेय макондурким, алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдорроқ ва ҳирқатда лаъли оташиндин барқкирдорроқ. Ва иккаласи мазкур бўлғон ва азиз қаломи мұйжиз низомидин анда чошни ва насиб ва ўз ишқ ва камолоти ва ниҳояти ҳолоти мунга изофаки, ҳозо шайъуи ажиб»¹⁰.

Худди шу асарнинг бошқа жойида Хусрав Деҳлавий ҳақида «ишқ оташкадасининг шуъла ангезидур ва дард ғарифхонасининг ашкрези», Абдураҳмон Жомий ҳақида эса «камол авжининг меҳри ломиидур ва бўлғон азизлар ҳолатининг жамини»¹¹, деган таърифларни ишлатади.

Келтирилган мисоллардан Навоийнинг ўз салафларига берган дастлабки баҳоси асосан ўзгармай қолганлиги яққол кўриниб турибди. Фақат уларга айрим қўшимчаларгина киритилган, яъни Жомий ҳақида сўзлаганда ўзига устоз ва пир эканлигини қайд этади.

Навоий «Мажслисун-нафоис» асарида ҳам икки ерда Жомий ҳақида тўхтайди ва унинг фаолиятига анча юксак ва

¹⁰ А. Навоий, Танланган асарлар, III том, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 194-195-бетлар.

¹¹ Уша китоб, 200-бет.

атрофлича баҳо беради. Бу ердаги таъриф ҳам унинг аввалги фикрларига жуда мос ва ҳамоҳангидир.

Навоий «Мажолисун-нафоис»нинг кириш қисмida ўзига қадар тазкира ёзган кишилар ҳақида тўхталиб, шундай ёзади:

«Ул жумладин бирни Ҳазрати Махдумий Шайхул Исломий Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий...дур.

Улким бу тўқуз фалакни ақл этса хаёл,
Дарёйи улумиға топар қатра мисол.

То чашман табъ даҳр аро очти зулол,
Ҳайвон суйи бирла айлади моломол»¹².

Навоий шу асарнинг III мажлисини Абдураҳмон Жомий номи билан бошлаб, шундай ёзади: «... чун бу муҳтасарда мазкур бўлғон жамоатнинг раъс ва раиси ул зоти нафис ва бу рисолада мазкур бўлғон гуруҳнинг муқтадо ва пешвои ул гавҳари яктодур, ғуборак исмлари бу авроқда сабт бўлурдин ва ёзилмаса, дилпазир эрмас эрди, журъат бўлди»¹³.

Навоий бу асарида ҳам Жомийни гениал шоир, ўз даврининг етук файласуфи сифатида таърифлайди ва унинг исмини мазкур рисолани безатиб туриш учун келтирганлигиги ни таъкидлайди. У ўз салафлари ҳақида турли вақтларда ва турли асарларида баён қилган фикрларини энг сўнгги асари «Маҳбубул-қулуబ»да яна бир карра тасдиқ этади ва мустаҳкамлайди. Навоий «Маҳбубул-қулуబ»нинг шоирларга багишланган 16-фаслида ўзига қадар ўтган шоирларни, уларнинг ғоявий позициясига қараб, тўрт қисмга бўлади. Биринчى қисмга тасаввуф руҳида асарлар ёзган шоирлар-Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийларни киритади.

Навоий Саъдий, Ҳофиз ва Деҳлавийларни мистик шоирлардан фарқлаб, иккинчи қисмга киритади ва улар ҳақида шундай ёзади: «Яна бир жамоадурларким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилибдурлар ва қаломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андоғки, маоний аҳлининг нуктапардози Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ гуруҳнинг покбози ва покрави Амир Ҳусрав Деҳлавий... Маъниий адосиға лофиз Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад-ал-Ҳофиз»¹⁴.

Шуниси муҳимки, Навоий Жомийни ҳеч қайси группага киритмай, унинг ўзини алоҳида кўрсатади ва Жомий ижодининг мураккаблиги, унда дунёвий мотивлар билан тасаввуф қараш-

¹² Ўша китоб, 7—8-бетлар.

¹³ Ўша китоб, 63-бет.

¹⁴ Alişer Navoij, Maħbubul-qulub, Taškent, 1939, 28-bet.

ларининг чатишинб кетганилигига усталик билан ишора қиласади¹⁵.

Шунингдек, Навоий «Маҳбубул-қутуб»нинг «Ишқ зикрида» (11-қисм, 10-боб) деган бўлимида ҳам Хусрав, Ҳофиз ва Жомийлар ижоди устида маҳсус тўхталади¹⁶.

Навоийнинг ана шу фикрлари унинг бутун ижоди давомидла баён қилинган. Буларда Навоий ижодининг илк давридан тортиб энг сўнгги дақиқаларига қадар бўлган вақт ичидаги ўзининг лирика соҳасидаги салафлари ижодига бўлган муносабати ва баҳоси тўлиқ акс этган. Ана шу фикрлар бизга қўйидағи хуласаларни чиқариш имкониятини беради:

1. Навоий ўзининг лирика соҳасидаги (форс-тоҷик адабиётида) қонуний салафлари деб Хусрав Дехлавий, Ҳофиз ва Жомийларни ҳисоблайди. Бироқ бу, у бошқа шоирларни тан олмайди, улардан ҳеч нарса ўрганмаган дегани эмас. У кўп ўринларда Саъдий, Салмон, Камол Хўжандийларни ҳам ҳурмат билан тилга олиб, уларнинг шеъриятдаги қобилияти ва газалчиликни ривожлантиришда катта роль ўйнаганликларини ёътироф этади.

Масалан, Навоий соқийномаларидан бирида шундай ёзади:

... Саъдию, Хусраву, Салмону Камол,
Ким эди ҳар бири бешубҳа мисол...¹⁷

Бироқ Навоий форс-тоҷик адабиётида газалчиликни юқори босқичга олиб чиқсан, ғазалнинг мундарижа ва имкониятларини ҳар тарафлама кенгайтирган, бу соҳада энг унумли ижод қилган, шунингдек, ўзларининг оригинал услубларига эга бўлган буюк сўз санъаткорлари сифатида Хусрав Дехлавий, Ҳофиз ва Жомийларни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Бу шоирлар ижоди Навоийни ҳамма вақт ҳаяжонлантирган, унга ижобий таъсир қилган.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Навоийнинг Хусрав Дехлавий, Ҳофиз ва Жомийларни улуғлаши унга қадар ижод этган бошқа форс-тоҷик шоирлари ижодини, хизматини инкор этиш бўлмайди, чунки форс-тоҷик газалчилигини яратиш ва уни ривожлантиришда ана шу адабиётнинг барча вакиллари иштирок этган, озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшган. Айниқса, бу соҳада Шайх Саъдийнинг роли буюклир. Хусрав, Ҳофиз ва Жомийлар ўз ижодий фаолиятларини ана шу жуда катта ва бой заминга асосланибгина давом эттиришлари ва гуллатишлари мумкин эди. Ана шу замин бўлмаса, уларнинг ҳеч бири шу даражага кўтарила олмас эди.

¹⁵ Уша китоб, 28—29-бетлар.

¹⁶ Уша китоб, 47—48-бетлар.

¹⁷ «Фавойидул-қибар», 705-бет.

Демак, Навоий Хусрав, Ҳофиз ва Жомийлар ижоди воситасида бутун форс-тожик ғазалчилигининг тажріблалардан баҳраманд бўлди ва уни ўзлаштириб, аниа шулар сиймосида Рудакий, Саъдийлардан тортиб, шу адабий процессда иштирок этган барча шоирларни улуғлайди.

2. Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийларининг ҳар бирни Навоийга ўз ижодининг маълум ўзига хос томони билан таъсир этган. Маълумки, форс-тожик адабиёти тарихида Хусрав Деҳлавий ўз газалларининг солда ва нозик лиризми билан бошқалардан ажратиб турса, Ҳофиз ғазалларининг исенкор руҳи ва риидона қайғияти унинг риид лақабини олишига сабабчи бўлган; Жомий ижоди эса кўни хусусиятларга эга бўлгани ҳолда, ўзининг фалсафий чукурлиги ва етуклиги билан форс-тожик адабиёти тарихида ўзига хос юксак босқич ҳисобланади. Навоий Жомийини ишр сифатида таниб, ўзининг муриди ҳисоблаганилиги исбот этилган фактдир. Шунингдек, Навоий ўз устози ижодининг жуда мураккаб ва зиддиятли эканлигини яхши англагаш ва шунинг учун ҳам ўз асарларнда унга баҳо беришда эҳтиёткорлик билан ёндашган; Жомий ижодининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга интилган. Юқорида Навоийнинг ўз асарлардан келтирилган фактлардан маълум бўладикӣ, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийлар ижоди Навоийга аниа шу ўзига хос томонларни билан таъсир қилган.

Навоийнинг шу масалага доир фикрлари қай даражада барқарор эканлигини унинг «Хамса»си мисолида ҳам қўриши миз мумкин. Ҳофиз Навоийга фақат лирика соҳасида устоз бўлса, Хусрав Деҳлавий ва Жомийлар (Низомий билан бир қаторда) эпик жанр — «Хамса»чилик соҳасида ҳам Навоийнинг салафлари ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам Навоий «Хамса»га кирган достонларининг кириш қисмида Низомийдан сўнг, Хусрав ва Жомийларга ҳам мадҳиялар бағишилайди. Бу ерда ҳам Навоий, бошиқа асарларида кўрганимиз каби, Хусрав ва Жомийлар фаолиятига баҳо беришда улар ижодига хос муҳим индивидуал хусусиятларни таъкидлаб ўтади.

Навоий «Фарҳод ва Ширин»нинг кириш қисмида ўз салафлари ҳақида ганириб, Низомийдан кейин Хусрав ва Жомийлар ҳақида ёзади.

Хусрав Деҳлавий ҳақида:

Киши мундоқ бўла олмас гуҳаррез,
Магар ул ҳиндувизоди шакаррез.
На ҳинду, тўтийи ширин мақол ул,
На тўти, булбули шўрида ҳол ул.
Тушуб оламға тўтидек баёни,
Етиб гардунга булбулдек фигони...

Дема булбул, де они Қакнуси зор,
Топиб лаҳиниди ониңг Қакнус озор...
Тили дурпош, ўзи покиза гавҳар,
Хирожи мулк, йўқум, реза гавҳар.
Не гавҳар, балки илму фазл кони,
Дема конким, дегил кўхи маони¹⁸.

Жомий ҳақида:

Ики пил ўлса Ҳусрав ва Низомий,
Эрур юз пил чоғлиқ пили Жомий.
Муҳаббат жоми дурд ошоми улдур,
Ҳамоно зинданли Жомий улдур...
Ўзин худ бир жаҳони бекарси бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил.
Жаҳон ичра жаҳонким топди макнат,
Солиб иккни жаҳон аҳлига ҳайратъ
Замири лужжан заҳхори маъни,
Каломи гавҳари шаҳвори маъни.
Ўзи дарё, сўзи дурдек мұхайе,
Яна маънидин ул дур ичра дарё...
Навонийким, муриду бандасидур,
Иродат йўлида афқандасидур¹⁹.

Худди шу мазмундаги сатрларни биз бошқа достонларнинг муқаддимасида ҳам ўқишимиз мумкин.

Умуман, Навонийнинг Ҳусрав ва Жомийларининг фаолияти ҳақида «Ҳамса»да баён қилган фикрлари унинг бошқа асарларидаги баҳолари билан айнан мос келади. Демак, эпик жаңир соҳасида ҳам Ҳусрав Деҳлавийнинг оташин севгини куйлашдаги юксак маҳорати, ширин сўзлилиги, Жомийдаги маънавий баркамоллик, фалсафий рӯҳнинг кучлилиги Навонийнинг эътиборини қозонган.

Ҳусрав Деҳлавий, Ҳсфиз ва Жомий асарларидағи ана шундай хусусиятлар билан Навоний, энг аввало, уларнинг лирик шеърлари орқали танишган ва шулар воситасида қабул қилган, албатта. Бу эса ўз навбатида Навоний лирикасида ана шу руҳдаги шеърларнинг яратилишига катта таъсир этган.

Навоний лирикасининг вужудга келиши ва ривожида жуда катта ва асосий роль ўйнаган замини унга қадар тўпланган ўзбек поэзиясининг бой тажрибаларидир. Чунки Навонийга қадар туркий тилда анчагина асарлар яратилган бўлиб, ўзбек дунёвий лирикасининг кўзга кўринган вакиллари етишиб чиқкан эди. Навоний ўзбек тилида лирик шеърлар ёзишга киришар экан, ўэигача шу соҳада тўпланган тажрибаларга суюнди. Навоний лирикасининг илдизларин ана шу миллий заминда тарбия топиб, ўсиб чиқди ва ўз тараққиётида, ўзбек оғзаки ва

¹⁸ A. Navoi, Ҳамса (қисқартириб нашрга тайёрловчи С. Айнӣ)
Taşkent, 1940, 78-bet.

¹⁹ Уша китоб, 79—80-бетлар.

ёзма адабиётининг тажрибаларн билан бир қаторда, форс-тожик поэзиясининг ютуқларидан ҳам озиқланди, улардаги энг яхши традицияларни ўзида сингдириб, янги ва юқори босқиңга кўтарди.

Навоий ўзига қадар ўзбек тилида шеър ёзган шоирларни ҳурмат билан тилга олади, шунинг билан бирга, улар ижодига талабчанлик билан ёндашиб, холис баҳо беради. Уларнинг ўзбек тили ва шеъриятини ривожлантиришда ўйнаган ролини, ўрнини белгилашга ҳаракат қиласди.

Навоийнинг ўзбек шеъриятидаги салафлари кимлар эди ва улар Навоий ижодининг тараққиётида қандай роль ўйнаган?

Биз бу ҳақдаги дастлабки маълумотларни Навоийнинг ўз асарларидан оламиз. Навоий ўзининг бир қатор асарларида ўзига қадар ўзбек тилида шеър ёзган шоирларнинг номини тилга олиб ўтади ва йўл-йўлакай улар ижодига ўзининг муносабатини ҳам билдиради.

Биз ана шу фактларни синчилаб ўргансак, Навоийнинг ўзбек шеъриятидаги салафлари ва уларнинг ҳар бирин Навоий ижодига қай даражада таъсир қилганлигини аниқлашимиз мумкин.

Навоий «Бадоевул-бидоя»нинг дебочасида ёзади: «...Ва уйғур иборатининг фусаҳосидин ва турк алфозининг булағосидин мавлоно Саккокий ва мавлоно Лутфий раҳимаҳумаллоҳким, бирининг ширин абёти иштиҳори Туркистонда бефоят ва бирининг латиф ғазалиёти интншори Ироқ ва Хурсонда бениҳоятдурур ҳам девонлари мавжуд бўлгай»²⁰.

Бу дебочада фақат иккى кишининг номи тилга олинган. Бунинг сабаби шундаки, бу дебоча ёзилган вақтда (1470 йиллар) Хурсонда Лутфий ва Самарқандда Саккокийнинг номи шухрат қозонган эди.

Навоий «Фавойидул-кибар»га кирган соқийномаларидан бирида Атойининг номини ҳам анча ҳурмат билан эслайди. Ўзининг баъзи бир талантли замондошларини Атойи билан тенглаштиради.

... Ким агар бордилар андоқ асҳоб,
Яна жамъ ҳам эрурлар аҳбоб.
Биринси Мир Атойи янглиғ,
Бири дарвеш Фаноий янглиғ...²¹

Навоий «Мажолисун-нафоис»да туркий тилда шеър ёзган 30 дан ортиқ кишининг номини келтиради. Шулар ичida кўзга кўринарли ва ўз девони билан шухрат қозонганлар Саккокий ва Лутфийдир. Булар ижодига Навоий танқидий ёндашиб,

²⁰ «Фавойидул-кибар», 763-бет.

²¹ «Фавойидул-кибар», 719-бет.

ўзиннине холисона баҳосини беради. У Атойи ҳақида галириб, шуидай ёзади:

«... Түркігүй әрди. Үз замонида шеъри атрок аросида күп шұхрат тутти. Бу матлағаннинг дүркім:

Ул санамким, сув қирғозинда паритек үлгүрүр,
Гояти нозуклуғидин сув била ютса бўлур.

Қоғиясида айбинаси бср. Аммо мавлоно күп турконо айттур әрди. Қоғия ижтиётиға муқайяд әмас әрди...»²².

Кўрининг турибдикни, автор, Атойининг туркий тилда шеър ёзишинн аллоҳида бўрттириб кўрсатиш билан бирга, унинг ижодига хос бўлган типик камчиликни ҳам кўрсатиб ўтган.

Унинг ўз салафлари ижодига танқидий ёндашиб баҳо беришини Саккокийга бағишиланган ўриниларла ҳам кўришнимиз мумкин. «Мавлоно Саккокий — Мовароуннаҳрдинидур. Самарқанд аҳли анга күп мұထқидурлар ва бағоят таърифиң қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрконда муаррифларидин ҳар неча тафаҳҳус қилдикмек, аниңг натойижин табъидин бир нима англайин, таъриф қилғонларича нима зоҳир бўлмади. Барчадин қолса, сўзлари будурким, мавлоно Лутфийнинг барча яхши сўзи аниңгудур, ўғурлаб, ўз отиға қилибдур. Ул ерларда бу навъ ўҳашани йўқ мазасиз мукобаралар гоҳи воқеъ бўлур, бори баъзини таъриф қилнбеким ўқурлар бу матлаъни, анига иснод қилурлар:

Не нозу бу не шевадур, эй жоду кўзлук, шўхи шанг,
Кабки дарни товусда йўқ, албатта, бу рафтори нанг.

Қабри ҳам ул сари-ўқдур»²³.

Бу фактдан қўйидаги холосаларни чиқариш мумкин:

1. Навоий ёшлигидаги туркий шоирлар ижоди билан қициқкан, уларнинг асарларини қидириб топишга ва ўрганишга ҳаракат қилган.

2. Навоий Самарқандга боргуига қадар (1466—67 йиллар) Саккокий ижоди билан етарли даражада танишиш имкониятига эга бўлмаган.

3. Саккокий ижодини шу мавжуд ҳолатида Лутфийдан юқори қўйиш ва ҳатто у билан тенглаштиришга қатъни қарши чиққан ва Лутфий ҳақидаги турлича фикрларни «ўҳашани йўқ, мазасиз» деб рад қилган.

Бироқ бу, Навоий Саккокий ижодини тан олмайди деган гап әмас. У Саккокийга ўзининг туркий поэзиядаги салафларидан бири сифатида қараб, уни Атойилар билан ёнма-ён қўяди. Фақат, Саккокий ижоди билан етарли даражада танишмай, уни ўрганмай туриб, у ҳақда айтилиб келлинган турлича фикр-

²² А. Н а в о и й. Танланган асарлар, III том, 57-бет.

²³ Уша китоб. 58-бет.

ларни қоралайди ва ўзи ҳам унинг ижодига баҳо беришда бирон кескни фикр айтмайди.

Навоийгача яратылган ўзбек дунёвий лирикаснин ва ўзбек адабий тилини, айниқса, ўзбек адабиети тарихида қасида жанрини ривожлантиришда Саккокийнинг ҳам маълум ҳиссаси ва роли борлигн шак-шубҳасиздир. Шу маънода Навоий Саккокийнинг ижодий тажрибаларидан бевосита ўзбек дунёвий лирикаспининг умумий тажрибалари таркибида, ана шу оқимга қўшилган ҳисса сифатида фойдаланган.

Навоий баъзан шеърларида Саккокийнинг номини тилга олади, унга ўзининг лирикадаги салафи сифатида қарайди. Масалан, у «Наводируш-шабоб»га кирган ғазалларидан бирини шундай тугатади:

Навоий назм аро тийғи забонин уйла сурликим,
Пичоқ топмас уятдин ўзни ўлтурмакка Саккокий²⁴.

Бу ерда автор сўз ўйини қилган: «саккок» араб тилида «пичноқчи» демакдир. (Саккокий, Ҳайём каби, ўзининг тахаллусини ста-боболарининг касбн-хунарига нисбатан қўйган бўлса керак). Демак, бу байтдан «Навоийнинг тили шеърията» шу қадар ўткир бўлдикни, ҳатто Саккокий, ўзи пичноқчи бўлсада, ўзини ўлдиришга пичоқ топа олмай қолді» деган маъно келиб чиқади.

Бу ерда Саккокийнинг номи сўз ўйини қилиш учун олинган бўлса-да, ҳар ҳолда, Навоийнинг ўзини у билан мусобақада кўрсатиши Саккокийнинг маҳоратини маълум даражада тан олишини кўрсатади. Чунки форс-тожик ва ўзбек адабиетининг улуғ вакиллари ўз ижодлари билан фахрланиб, мақтанига вақтларида кўпинча ўзларини улуғ сўз санъаткорлари билан қиёс қиладиларки, бу фахрия усули дейилади.

Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида ҳам Саккокийнинг номини ўзига қадар ўтган туркий шоирларининг энг олдиди қайд этади.

Умуман, Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида туркий тилда ижод қилишининг ривожланишин, бунинг сабаблари ҳақида ёзар экан, ўзигача шу тилда ижод қилган шоирлардан Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний, Амирний ва Гадойиларни кўрсатиб, Лутфий ҳақида шундай ёзади:

«... форсий мазкур бўлғон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади бир мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур»²⁵.

²⁴ «Наводируш-шабоб», 588-бет.

²⁵ А. Навоий, Танланган асарлар, III том, 204—205-бетлар.

Навониі туркii шоиrlардан Лутфий ижодини юксак баҳолайдын, уни форс-тожик адабиеттiннiң забардаст вакиллари билан мусобақалаша оладыган бирдан-бир туркii шоиr деб ҳисоблайды.

Навонииннiң Лутфий ижоди билан қизықиши қайси даврлардан бошланғанligи ва Лутфий ижодиннiң қайси төсөнләри уни күйроқ үзiнгä жалб қылғанлыгини биз Навонииннiң ўз асарлары ва замондошлары асарларидаги күргина фактлар орқали аниқлашимиз мумкин.

Хондамир ўзиннiң «Макоримул-ахлоқ» асарнда Лутфий билан Навоий ўртасида Навонииннiң «Оразин ёпқоч» деб бошланувчи байти муносабати билан бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилишга киришар экан, «Олий ҳазратннiң (Навонииннiң — Е. И.) ёшларин эндигина тўлиб, нарсалар ҳақида фикрлар юргизаётган даврлариннiң бошланишида, бир кун Лутфийннiң олдиға борди»²⁶, — деб ёзади. Хондамир бу воқеаниннi аниқ вақтини айтмаган бўлса-да, ҳар ҳолда бу, бизнингча, 1456—57 йилларга қадар, Навонииннiң 14—15 ёшлик чоғларидаги бўлган бўлиши керак. Чунки, биринчидан, Лутфий умриннiң сўнгги даврларини асосан Ҳиротда ўтказган. Навони эса 1456—57—1464 йилларда Машҳадда турган. Лутфий билан, албатта, Машҳадда учрашмаган. Лутфий агар Машҳадда бўлиб, Навони у билан шу ерда учрашган бўлса, Хондамир ҳам-буни ёзарди. Чунки у ўз асарида күргина воқеаларннiң ўринини аниқ кўрсатган. Шунингдек, Навоий ҳам «Мажолисун-нафоис»да бу ҳақда бирор ишора қилган бўлур эди. Ҳар ҳолда, бу воқеаниннi Машҳадда бўлмаганлиги аниқ. Машҳаддан Ҳиротга келганда Навоий 25 ёшлардаги етук йигит бўлиб, ўз шеърлари билан шуҳрат қозонган, турмуш тажрибаси ортиб, дунёқараши маълум даражада шаклланган эди. 1465—66 йилларда тузилган илк девоннинг шеърлари шундаи фикр юритишга асос бўла олади.

Навони билан Лутфий ўртасидаги бу воқеа Пушкин билан Державин ўртасида унинг «Царское село хотиралари» шеърини ўқиб бериши вақтнда бўлиб ўтган воқеанин эслатади. Қизиғи шундаки, бу даврда Пушкин ҳам 15 ёшларда эди. Державин Пушкиннинг шеърини эшишиб, ҳаяжонланиб кетган ва уни иккинчи Державин деб атаган эди. Бу ҳодиса Лутфийннiң Навоий байтига берган баҳосига жуда ўхшаб кетади. Иккى халқнинг буюк миллий шоирлари ҳаётидаги бу умумийлик шуни кўрсатадикн, уларнинг ҳар иккаласнда ҳам ўз миллий тили ва адабиётини янги ва юқори босқиңгага олиб чиқиши учун зарур

²⁶ Xandəmīr, Məkarimul-əxlaq, Taşkent, 1941, 26-bet.

бўлган потенциал куч ба истеъдоднинг нишоналари жуда ёшлиқданоқ кўрина бошлаган.

Навоий ўзининг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» шомли аса-
рнда Абу Сайд даврида Машҳадда эканлигига Паҳлавон би-
лан дўстона муносабатда бўлганлигини баён қиласар экан, ўзи-
нинг бир байти муносабати билан Паҳлавон ва ўзи ўртасида
бўлиб ўтган бир воқеани ҳикоя қиласди ва ўзининг ўша вактда
Лутфий ижодига бўлган қараишларини ифодалайди:

«Паҳлавон илтифот юзидан маъхуд дастури билан эгнимни
тутар эрди, муқаддима бунёд қилдиким:

— Сени бу кун дерларким, туркча шеърни яхши айтурсен
ва туркча назм айтур элдин эшилтнбизки, бу сўзни мусаллам
тутарлар. Бизнинг бир саволимиз бор, жавоб бер,— деди.

— Билсам, жавоб берай. Сиз бори саволингизни айтинг.

Деди:

— Саволимиз будурки, туркигўй шуародин улча шеърлари
рўзгор саҳифасида сабтдур, қайси яхшироқ айтибдурлар ва
сенинг ақиданг анииг яхши айтмоқнга бор ва сен беганурсен?

Фақир дедим:

— Барча яхши айтибдурлар, мен беганурмен.

Паҳлавон деди:

— Сен такаллуф ва касри нафсни қўй, воқеъ юзидан сўз
айтки, борини беганурмен дерсен. Борча худ бирдек эмас, ал-
батта, тафовут бор. Фақир айттимким, мавлоно Лутфий ҳоло
мусалламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва маликул-каломи-
тур.

Деди:

— Нечук Сайд Насимиини демадинг?

Фақир дедим:

— Хотирга келмади ва бартақдир келмак — Сайд Наси-
мийнинг назми ўзга раиг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек
назм айтмайдур, балки ҳақиқат тарниғин адо қилинбдур ва бу
саволда сенинг гаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди...»²⁷

Бу факт күйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади:

1. Навоий Машҳаддалик даврининг бошларидаеқ, унинг
туркий шеъриятдаги талантни туркигўй шоирлар томонидан
эътироф этилган.

2. У ёшлиқ даврларида ҳам ўз салафлари ва замондошла-
ри ижодига уларнинг гоявий мазмунига қараб баҳо берган ва
шунгага қараб уларни бир-биридан фарқ қилган. Унинг асосий
эътибори дунёвий руҳдаги лирика тарафида бўлган.

3. Туркий шоирлар ичida Лутфийни биринчи ўринга қўй-

²⁷ «Узбек адабиёти», II том, Тошкент, Уззадабийнашр, 1959, 581-бет.

ган. Унинг маҳоратига юксак баҳо бериб, ўз даврининг «Маликул-каломи» деб атаган. Навоийнинг Лутфийга бергағ бу баҳоси унинг барча асарларида ўзгармайди. Масалан, ана шу баҳодан қарийб 30 йилдан ортиқроқ вақт ўтгач, «Мажолисун-нафон» асарида шундай ёзади:

«Мавлоно Лутфий ўз замонининг маликул-кағозми эрди, форсий ва туркйда назири йўқ эрди, аммо туркйда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони машҳурдур...²⁸

Шуни ҳам айтиш керакки, Навоий ўзига қадар ижод қилиб келган туркий шоирлардан бирортасининг ҳам шеърига назира ёки мухаммас boglamagani ҳолда, Лутфийнинг бешта fazalidan учтасига мухаммас боғлаган ва иккитасини мусадасга айлантирган.

Шу мухаммасларнинг биттасини у ёшлигидан ёзган бўлиб, илк девонга киритилган. Ана шу мухаммас қўйидагича туғайди:

Ҳар гадо эгнида бўлса эски тўн ё чоки жайб,
Билмай асли ияятни қўймок ғалатдур шакку раийб,
Эй Навоий, чун санга маълум эмасдур сирри ғайб,
Лутфими майхонада ошуфта кўрсанг, қўйма айб.
Ким бу мажниу ихтиёри зулфи қуллобинададур²⁹.

Унинг қолган икки мухаммаси Лутфийнинг қўйидаги маглаълар билан бошланган ғазалларига боғланган:

1. Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,
Халқа-ҳалқа руҳнинг сарманзилидур ҳар хами...³⁰
2. Кўктадур ҳар дам фигоним кўргали ул моҳин,
Даъвийи меҳрингга тонуқ тортадурмен оҳни...³¹

Навоий Лутфийнинг қўйидаги матлаъли ғазалларини мусадасга айлантирган:

1. Эй жамолинг лоязолу бебадал ҳуснунг жамил,
Ой юзунгур ахсани тақвим учун равшан далил...³²
2. Эй қаднинг тўбию жанинат хадди гулгун устина,
Қўрмади даврон сенингдек ой гардун устина³³.

Қўрпниб турибдики, бу ерда ҳам Навоий Лутфийнинг дунёвий руҳдаги ғазалларига катта эътибор берган.

Мухаммас боғлаш фақат формал ҳодиса эмас. Бирор шоир иккинчи бир шоирнинг фақат ўзига маъқул тушган, яъни руҳи ва формаси билан ўзини мафтун қилган шеърлариғагина мухаммас боғлаши мумкин. Шунингдек, Шарқ адабиёти-

²⁸ А. Навоий, Танланган асарлар, III том, 56-бет.

²⁹ 564, 138a-в

³⁰ «Гаройибус-сигар», 675—676-бетлар.

³¹ «Наводируш-шабоб», 661-бет.

³² «Бадойиул-васат», 663—664-бетлар.

³³ «Фавойидул-кибар», 665—666-бетлар.

даги бу усул устозлардан бадний маҳоратни ўрганишнинг бир формаси ҳамда ўзига хос йўлди. Демак Навоий туркӣ тилда шеър ёзган шонирлардан Лутфийни ўзининг қонуний устози деб ҳисоблаган. У Лутфий газалларини юксак санъат асарлари сифатида қадрлаган. Ўзбек газалчилигин янги юқори босқичга кўтаришда ўзига қадар шу соҳада тўпланган тажрибалар ва ютуқларни ана шу ютуқларнинг энг юқори чўққиси ҳисобланган Лутфий ижоди орқали ўзига қабул қилинган ва сингдирган. Ўзбек дунёвни лирикасини ривожлантитириб, уннинг имкониятларини кенгайтиришда Ҳофиз, X. Дехлавий ва Жомий асарлари билан бир қаторда, Атоийи, Саккокий ва айниқса Лутфий лирнкаси асосий замин бўлиб хизмат қилган.

Бироқ Навоий Лутфийни қанчалик ҳурмат қилмасин, уннинг маҳоратини қай даражада улугламасин, ўзининг шонирларга баҳо беришдаги объектив позициясидан заррача чекинмайди. Ўрни келганда Лутфий ижодидаги камчиликларни ҳам очиб ташлайди. У «Мажолисун-нафонс»нинг VIII мажлисида Ҳусайн Бойқаро томонидан Лутфийнинг бир байтига қилинган жавоб устида тўхталиб, шундай ёзади:

«Маликул-калом мавлоно Лутфийнинг машҳур матлази жавобидаким:

Эй қадинг тўсию жаннат ҳадди гулгун устина,
Кўрмади даврон сенингдек ой гардун устина

бу матлаъ воқеъ бўлубтурким:

Хаттининг тори тушубтур лаъли майгун устина,
Уйлаким, жон риштаси бир қатрай хун устина.

Басират аҳли қошида зоҳирдурким, тафовут не ҷоғлиқдур.
Невчунким, мавлоно юзини жаннагфа ташбиҳ қилибдур ва ани туби устига эътибор қилибдур ва бу бағоят йироқдур. Бовужуд бу икки мисран бир-бирига марбут эмас ва жавоби бо-вужуди гаробати маъни, иккала мисраъ бир-бирига мувофиқ ва алфози бир-бирининг муқобиласида лойиқ воқеъ бўлубтур»³⁴.

Навоий бу ерда Лутфий байтидаги ўхшатиш мантиқан ҳаётга зид эканлигини ҳаққоний кўрсатган.

Традицияга муносабат, ундан фойдаланиш ёзувчи ижодий фаолиятининг ҳамма этапларида бир хилда намоён бўлмайди. Балки ижодкорнинг дунёқараши ривожланиб, малакаси оша борган сайин, уннинг традицияга муносабати ҳам ўзгариб, тобора ижодий тус ола бошлайди.

Ҳар бир ёзувчининг традицияга бўлган муносабати (онг-

³⁴ А. Навоий, Танланган асарлар, III том, 137-бет.

ли муносабат эмас, балки традиция низдан борнш, унга эр-
гашиш маъносида). Яъни ўз фаолиятини ривожлантиришда
традициядан қай даражада озиқланиши ва ана шу тради-
циядан қай даражада фойдаланиш усуслари унинг илк ижо-
дига бошқа этапларга нисбатан очиқроқ ва тезроқ кўзга
ташланади.

Традицияга муносабат онгли ёки стихияли равишда амал-
га ошиши мумкин. Традицияга онгли равишда ёндашиб, унинг
тажрибаларидан ўринли фойдаланишнинг ўзи ёш ёзувчи ижо-
дини новаторликка олиб борувчи имкониятлардан биридир.
Чунки ана шу процессда ҳар бир ёш ижодкор ўз салафлари-
нинг тажрибалари билан танишиб чиқади, уларнинг ютуқ ва
камчиликлари ҳақида маълум тасаввур ҳосил қиласди, ўзига
қадар шу соҳада нима қилинган ва ўзи яшаб турган давр
яна нимани талаб қилмоқда, шунга қадар яратилган нарса-
ларнинг қайси бирлари ҳозирги давр талабларига жавоб бе-
ради-ю, қайси томонлари ўз аҳамиятини йўқотган, демак,
давр талабларига жавоб бериш учун яна нима қилиш керак-
лигини англаб етади. Ўз ижодини ана шу давр талабларига
бўйсундиришга интилади. Шу процессда ўзигача бўлган тра-
дицияларнинг ижобий томонларини ўз ижодига сингдириб,
давр талаблари асосида, уларни ривожлантириб, бойитиб бо-
ради. Шу йўсинда илгор традициялар заминида ўзининг
оригинал ижодини вояга етказади.

Бироқ бу ниҳоятда мураккаб процесс бўлнб, ҳар бир
ёзувчи фаолиятида, унинг дунёга қараши, маънавий тайёр-
гарлиги ва шахсий қобилиятнга bogliq ҳолда, турли дара-
жада амалга ошиши мумкин; бирда қисқа процессда, бош-
қа бирда жуда узоқ вақт давом этиши мумкин.

Ана шу мураккаб ижодий процессни муваффақиятли
амалга ошира олган ёзувчигина ўзининг оригинал ижодини
яратиши ва адабий процессда маълум роль ўйнаши мумкин.
Шундай ёзувчининг ижодигина (яратган асалари маъноси-
да) ўтмиш адабиёти билан келажак адабиётини бир-бирига
богловчи маълум босқич — ҳалқа бўлнб, адабиёт тарихида
ўзига муносиб ўрин олади.

Алишер Навоийнинг ўзига қадар вужудга келган бой адаб-
ий традицияларга муносабати ҳам унинг илк лирикасида
яққол кўзга ташланади.

Бироқ Навоий лирикасида традиция ва новаторлик маса-
ласи жуда муҳим ва мураккаб масала бўлиб, биз ўз олди-
мизга ана шу масалани тўлиқ ҳал қилиш вазифасини қўймай-
миз. Фақат Навоийнинг илк шеърларини кузатиш асосида
унинг илк ижоди процессида традицияга бўлган муносабати-
нинг айрим томонларинигина аниқлашимиз мумкин.

Навоийнинг илк лирикаси унинг ўн йилдан ортиқ давр ичидаги яратган лирик шеърларини ўз ичига олади. Бу шеърлар ўз мундарижаси ва бадиий қуввати жиҳатидан турли савияда бўлиб, шоирнинг илк шогирдлик давридан то 24—25 ёшларга қадар, яъни оригинал шоир сифатида шуҳрат топганига қадар бўлган даврдаги дунёқараши, маҳорати, традицияга муносабати ва новаторлигини ўзида акс эттиради. Албатта, Навоийнинг традицияга муносабати ёшлик давридан то 24—25 ёшгача бўлган ижоди процессида бир хилда бўлган эмас. Унинг дунёқараши шаклланиб, ўз оригинал услубига эга бўлиб борган сайин, традицияга ёндашиши ҳам бошқача мазмун ва формага эга бўла бошлаган. Бошқача қилиб айтганда, Навоийнинг 1454—55 йиллардаги традицияга муносабати билан олтмишинчи ва ундан кейинги йиллардаги муносабати бир хил эмас. Бироқ биз Навоийнинг ана шу йиллар ичидаги традицияга бўлган муносабатини бутун жонли динамикасида олиб текшира олмаймиз. Чунки Навоий ўз шеърларининг ёзилган йилини кўрсатган эмас, яъни Навоийнинг илк шеърлари 1465 йилга қадар яратилгани умуман аниқ бўлса-да, аммо ҳар бир шеърнинг ёзилган йили маълум эмас. Шунинг учун ҳам, биз Навоийнинг ўз асарларинда илк шеърлари ҳақида ўзи томонидан баён қилинган айрим фикрларига асосланиб, унинг традицияга муносабатини ривожланиш процессида олиб текширишга ҳаракат қиласмиз.

Навоий дастлаб ўз шеърларини форс тилида ёзганлиги учун ҳам, унинг дастлабки ижодига форс-тоҷик шоирларининг таъсири кўпроқ бўлган бўлиши табиий. Навоий ижодининг илк даврида унинг традицияга бўлган муносабати ҳақида энг қимматли маълумотни биз унинг ўз асарларидан топамиз. Навоий «Мұхокаматул-лугатайн»да илк ижодининг дастлабки этапи ҳақида сўзлаб, ана шу босқичнинг асосий хусусиятларини баён қиласди:

«Умрум гулшанининг тоза баҳорининг тароват чоги ва хаёт равзасининг наврас сабзаворининг назоҳати вақтиким, ўн беш ёштин қирқ ёшқадурки, инсон хайларининг табъи булбули ҳар гул жамолига шефта ва руҳи парвонаси ҳар шамъ ҳусніға фирефта бўлур, вақт бу авқотдур... Уқурига давовиндин бу фақир мутолаасига кўп машғул бўлмагон девоноз эркин... Барчасига кўп қатла ўтупмен, балки кўпин ёд ту тубмен ва қасойид ва ғазалиётларининг гариб ва латофатин биллибмен, балки гарирбоқ ва латифроқлариға татаббуъ доғи қилибмен»³⁵.

³⁵ Уша китоб, 194—195-бетлар.

Навонйнинг ўз салафлари шеърларига татаббуъси кўпроқ қайси тилдаги шеърларида содир бўлганлигини ҳам биё шу асар орқали биламиз. У ўзининг форсий тилдаги шеърлари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Яна форсий ғазалиёт девони Ҳожа Ҳофиз тавридаким, жамнъ сухан адолар ва назм тирорлар назарнда мустаҳсан ва матбуъдур, тартиб берибмаким, олти мингдан абёти агади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеърнга татаббуъ воқеъ бўлубтур. Ва баъзи ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Саъдий (қуддиса сирруҳу) факим, газал таври муҳтариидур. Ва баъзи Мир Ҳусравғаким, ишқ оташкадасининг шуъла ангезиндур ва дард гарибхонасининг ашкрези. Ва баъзи ҳазрати Махдум Нуранғаким, камол авжининг меҳри томинидур ва мазкур бўлғон азизлар ҳолатининг жаминики, бу девон ҳалойиқ орасида шойиъдур ва рўзгор аҳлининг табълари ул сари рожиъ ва анда кўп турлук дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқеъдурким, тафспили бу факирдин муносиб эрмас»³⁶.

Навонйнинг ўз сўзига кўра, унинг форс-тоҷик адабиётидаги салафларининг шеърларига татаббуъ қилиши, асосан, форс тиילדаги шеърларида воқеъ бўлган. Навонйнинг ўз оғзи билан айтган фикрларини унинг форсий девони ҳақиқатан ҳам тасдиқ этади. «Девони Фоний»га кирган шеърларнинг анчагина қисми Саъдий, Ҳусрав, Ҳофиз ва Жомийларнинг шеърларига татаббуъ бўлиб, шулар орасида энг кўни Ҳофизга қилинган татаббуъ жамн 349 та бўлиб, жумладан Саъдийга 23 та, Ҳофизга 243 та, Ҳ. Деҳтавийга 36 та ва Жомийга 47 тадир^{37—38}. Муҳими шундаки, автор ҳар бир шеърнинг устига кимга татаббуъ қилганлигини сарлавҳа тарзида ёзиб қўйган.

Татаббуъ (тақлид эмас) қилиш ҳар бир шоир ижодида содир бўладиган ҳодисадир. Бу ёш шоирлар ижоди учун кўпроқ характерли бўлиб, ёш талантнинг ижодий изланишини ўзида акс эттиради. Бу приём Шарқ адабиётида анча қенг тарқалган бўлиб, кўпгина улуғ санъаткорларнинг ижодий ўсишида маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилган. Бироқ бу ёзувчи ижодининг дастлабки даврида кўпроқ намоён бўлсада, ижодий процесснинг кейинги ва ҳатто камолот даврیدа ҳам қўлланиши мумкин. Ҳар бир ёзувчи бошқа бирор ёзувчининг ўзига маъқул тушган асаридан илҳомланниб, унга татаббуъ қилиши мумкин. Ҳатто кейинги татаббуъ дастлабки оригиналдан ҳам ўтиб тушиши, унга қараганда муваффақи-

³⁶ Уша китоб. 200-бет.

^{37—38} «Девони Фоний», Франция Национал библиотекаси, қўлёзма № 285.

ятли чиқиши мумкин. Щуниңдек, татаббуъ қилиш ҳар бир ёзувчи ижодида, унинг ғоявий позицияси, маҳоратига боғлиқ равища, турли шакл ва ҳар хил даражада амалга ошади. Татаббуъ Навоий тушунчасида оддий эргашиш эмас, балки анча кенг ва ижобий хусусиятларга эгадир. У күпгина асарларида ўз ижоди ёки бошқа ёзувчилар ижоди ҳақида фикр юриўганда, гап татаббуъ устига келиб тақалар экан, бу усулга бўлган ўз қарashi, муносабатини бевосита бўлмаса-да, билвосита ифода қиласди.

Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг кириш қисмида Низомий ва X. Деҳлавий асарлари («Ҳамса»лари) ҳақида сўзлаб келиб шундай ёзади:

Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас,
Сарбу гул ўтрусиға келтурди ҳас...³⁹

Автор бу байтда Низомий ва X. Деҳлавий асарига жуда кўп шоирлар татаббуъ қилганлиги, бироқ ҳеч ким уларнинг даражасида тура оладиган асар (бу ерда ҳали Жомий ҳақида гап бормайди) яратса олмаганлигини таъкидлаб ўтмоқда.

Худди шунга яқин бўлган фикрни «Мажолисун-нафонс» асарининг Лутфийга бағишланган саҳифаларида ҳам ўқнймиз⁴⁰.

Навоийнинг ана шу фикрларидан келиб чиқадиган хulosи шундан иборатки, татаббуъ оддий эргашиш эмас, балки бошқа бирор шоир асарига татаббуъ қилмоқчи бўлган ҳар бир шоир ўз асарини ўша шоирнинг асаридан ўта оладиган қилиб ижод қилиши, ҳеч бўлмаганда, ўша даражасида тура оладиган асар яратиши лозим.

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг хотимасида шундай ёзади:

... Алар ўтрусида мен ҳам чекнў тиг,
Чекарга сўз синонин қилгамен биғ.

Вале ҳақ лутфиға элтиб паноҳи,
Шаҳ иқболидин истаб тақълоҳи.

Деолғайменки, кўп айлаб тазарруъ,
Буларға айлай олғаймен татаббуъ...⁴¹

Кўриниб турибдики, автор ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонини ўз салафлари Низомий ва Хусрав асарларига

³⁹ А. Навоий. Ҳамса, Тошкент. ЎзССР ФА нашриёти. 1960, 30-бет.

⁴⁰ «... Охир умрида радиғ «офтоб» шеър айттиким, замон шуароси барча татаббуъ қиллилар — ҳеч қейси матлаъин онча айта олмадилар»...

مجالیس النفایس، علیشیر نوایی تашкент, 1961, 73-бет.

⁴¹ «Ҳамса», 335-бет.

(«Хусрав ва Ширин», «Ширин ва Хусрав») қилингган тәтаббүй деб ҳисоблайди. Ваҳолонки, Навоий шу достонининг кириш қисмида, Низомий ва Хусрав достонидан илҳомланғанлигини айтиш билан бир қагорда, улар асарларидағи асөсий камчилликларни күрсатып, ўз салафларини танқид қылғыб ҳам ўтади ва ана шулар йўл қўйган камчиликлардан хоши бўлган оригинал асар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигини таъкидлайди.

Шунингдек, Навоий «Хамса»нинг хотимасида ҳам ўз асари ҳақидаги баҳосини Низомий тилидан шундай баён қиласиди:

...Ажаб иш бу ишда санга берди даст,
Ки эл назмига берди назминг шинкаст.
Ки қилдинг сўз ичра татааббуъ манга.
Не истарда эттинг тазарруъ манга...⁴²

Хуллас, Навоий «Хамса»сини ўзининг салафлари (Низомий, Хусрав) асарларига қилингган татааббүй деб ҳисоблайди. Навоий «Хамса»си эса (улардаги образларнинг номини ҳамда айрим композицион хусусиятларни сақлаган ҳолда) Низомий ва Хусрав асарларидан илҳомланған ёзилған, гоявий-бадиий жиҳатдан тамомила оригинал юксак асардир.

Демак, Навоий ижодида (ва умуман ўзбек ва форс-тоҷик классик адабиётиди) татааббуъ оддий ва пассив эргашниш бўлмай, балки бир шонрининг иккинчи бир шонир асарининг гоявий-бадиий хусусиятларидан илҳомланғанб, унинг асаридаги баъзи бир восита тар (қоғия, радиф, вазн)ни сақлаб ва ундан фойдаланиб, худди шу соҳада у билан (ўзи илҳомланған асарнинг автори билан) ижодий мусобақалашиш усулидир.

Навоий ўзининг бутун ижодий фаолияти давомида бу усулга тез-тез мурожаат қилган ва бундан ўзининг юксак гоя ва мақсадларини ифодалашда усталик билан ижодий фойдаланған. «Хамса» фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Шунингдек, Навоининг форсий девонидан ҳам бу соҳага доир жуда кўп мисолларни учратамиз. Биз ана шу усул Навоий ижодининг дастлабки этапида қандай даражада бўлганлигини «Девони Фониий»даги 1—2 шеър мисолида кўришимиз мумкин.

Навоий Ҳофизнинг қўйидаги машҳур газалига татааббуъ қилган:

Агар он турки шерозӣ ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуюш баҳшам Самарқанду Бухороро.
Бидеҳ, соқий, май боқий, ки дар ҷаннат наҳоҳӣ ёфт,
Канори оғи Рукнободу гулгашти Мусаллоро.
Фиғон, кин лўлнёни шўхи ширинкори шаҳрошӯб,

⁴² «Хамса», 850-бет.

Чунон бурданد сабр аз дил, ки түркөн хоши Яғморо.
 Зий ишқен нотамоми мо чамоли ёр мұстағаныст,
 Ба обу, рангу, холу хат чи ҳочат рүй зеборо?
 Ман аз он ҳусни рұзағазын, ки Юсуф дошт, донистам
 Ки ишқ аз пардан исмат бурун орад Зулайхоро.
 Ҳадис аз мұтирибу май гүвү рози даҳр камтар чу.
 Ки кас нақшуду нақшояд ба ҳикмат ин мұамморо.
 Насиҳат гүш күн, чоно, ки аз чон дүсттәр дорапп.
 Җавонони саодатманда панди пири доиоро.

Навоийда:

Татаббүй Хўжа Ҳофиз

1. Гар он турки хитой ичш созад чоми сайдоро,
 Нахуст орад сүи мо турктозн қаглу яғморо.
2. Рухаш дар нозуки барбод лода сағдан гулро,
 Қадаш дар чобуки бар хок шонда сарви раъноро.
3. Баманғын бўси он лаб ду сад тираст аз он мучгон,
 Ки дар хотир тавонад роҳ додан ин таманиоро.
4. Баҳори оразашро тоза гулҳон ажаб биншкуфт,
 Худоро, муддан, монеъ машав як дам тамошоро.
5. Ману кўн мӯғону он мӯғбача, к-аз лаъли ҷонпарвар,
 Банукта карда зин дайри кўҳан берун Масиҳоро.
6. Чу дар кўни хароботаш баяқ согар иамегиранд,
 Бар оташ афканам беҳ ин либоси зуҳду тақворо.
7. Чу пўшонам з мардум к-оташи ишқу май равшан,
 Зи чоқи сийна зоҳир кард сирри маҳфин моро.
8. Бигу к-оранд Чоми чам з маҳзан, эй шаҳи динӣ,
 Ки бинмоям ба шоҳон бевафонҳои дунёро.
9. Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба Ҳофиз, шояд, эй Фонӣ,
 Намой чошни дарйўза зон изми чаҳоноро⁴³.

(Таржимаси: 1. Агарда у хитойлик турк гўзали май жомини сумурса, энг аввало, қатл ва яғмо (талон-торож) ҳужумини бизнинг томонга бошлайди.

2. Юзи наэокатда гулнинг япроқларини йўққа чиқаради, бўйи латофатда сарв ниҳолини тупроқ билан тенг қиласади.

⁴³ Ҳофизи Шерозӣ, Мунтакаби девон, нашр. Дав. Тоҷ., 1957, саҳифа 33—34.

⁴⁴ «Девони Фонӣ», Франция национал кутубхонаси, қўллесма № 285.

3. Лабларидин бўса олишни ман этиб, унинг кўзлари юзлаб киприк ўқларини ҳозирлаб турнибди, бу орзуни (бўса олишни) ким ҳам хаёлига келтира олади.

4. Юзининг баҳорида ажойиб тоза гуллар очилибди; худо учун, эй муддан, бир пас томоша қилингаша монелик қилма.

5. Менинг матлубим мүғлар ва ул мугбачанинг кўй дур. Чунки унинг жен берувчи лаъти лаби нозик ва маъноли сўзлари билан Исони бу эски дунёдан чиқарип юборди.

6. Майхона аҳли зуҳду тақво либосини бир коса майга алиштирмаса, ўтга ташлаганим яхшироқ.

7. Халқдан ҳар қанча яширесам ҳам, ишқ ўти билан майнинг шуъласи барча маҳфий сирларимни кўкрагимнинг чокидан юзага чиқарди — ошкор этди.

8. Эй дин шоҳи! Буюргин, ҳазинадан Жамшид жомини олиб келишини — мен у орқали подшоҳларга дунёнинг бева-фоликларини кўрсатай.

9. Фазалхонлик Ҳофизга мусаллам бўлди, эй Фоний, зора дунёни безаган ана шу шеърнитдан тиляшчилик қилиб баҳра олсанг).

Навоий бу ғазалида, асосан, Ҳофиз ғазалининг руҳини, унинг услубини сақлаган. Иккала ғазалнинг ҳам асосини лирик қаҳрамоннинг ишқ ва майга муносабати ташкил этади. Навоий ғазалининг матлаъ ва мақтали Ҳофизниги жуда яқин турса-да, бироқ ғазалнинг қолган қисми бутунлай мустақил ижод маҳсулидир. Фақат ўзининг гоявий йўналиши ва услуби билангина бу иккى газал бир-бирига яқин туради. Ҳатто, Навоий ғазали ижтимоий-сийёси мөҳияти жиҳатидан Ҳофизниги нисбатан ўтқирроқ чиққан (Навоий ғазалининг 8-байтига дикқат қилинг). Навоий, Ҳофиз ғазалининг вазни, услуби ва айрим образларидан ўз фикри ва ички кечинмаларини ифодалашда бир восита сифатида фойдаланган.

Навоий Жомийга ҳам кўпгина татаббуъ қилган. Ана шу-лардан бирни билан танишиб ўтамиш.

Жомийнинг ғазали:

Баҳамдиллоҳ, ки бозам дийда равshan шуд ба дидорат,
Гирифтам қути чон аз ҳуққан лаъли шакарборат.
Ғубор олуда меонио чарх ин орзу дорад,
К-аз оби чашмаи хуршид шуяд гарди рухсорат.
Кулоҳи дилларн каш неҳ, саманди ноз чавлон дех,
Ки бошад ҳиммати некон зи чашми бад нигаҳдорат.
Каманди чаъд ҳам дар ҳам гар инсон афкани, бинам
Ҳама гарданкашони мулкро охир тирифторат.
Чй ҳочат пособон гирди дару боми ту гардидаи,
Чу рӯзе равшанат аз шуълан оҳам шаби торат.
Агар чун офтобам нест раҳ дар равзанат, ин бас,
Ки рӯзе соявор аз то дарафкан зерн деворат.

Чу мурғони ҳазондида ҳамуш буд аз сухан Чомий,
Вале дар гүфтгү овард бўй гулзорат⁴⁵.

(Таржимаси: Баҳамдиллоҳки, сенинг дийдорингни кўриб, кўзларим яна ёришди; шакар каби ширин қип-қизил лабларингдан жонга озиқ олдим.

Чанг тўён билан келасан ва фалакнинг бирдан бир орзуси — чехрангдаги чангларни қуёш чашмасининг суви билан ювиб тозаламоқдир.

Дилбарлик дўпписини чеккага қўндириб, нозу истиғно отида жавлон ур; сенинг яхшиларнинг ҳиммати ёмон кўздан астрасин.

Агарда ҳалқа-ҳалқа зулфинг тузофини ташлагудек бўлсанг, мамлакатнинг барча озод кишиларини сенинг бандингда кўришимиз шубҳасиз.

Менинг оҳим шуъласидан тун кундуздек ёп-ёруғ бўлган бир пайтда қоровулнинг сенинг ҳовлинг атрофида посбонлик килишининг нима ҳожати бор!

Агар қуёш каби бўлганимда ҳам, туйнугингдан мўралаш учун менга йўл йўқ экан, кундуз куни деворинг остида соя каби ёстаниб ётсан ҳам етарли.

Жомий сўзда ўлган қушлар каби хомуш эди, бироқ гулзоринг иси уни яна тилга кирилди).

Навоий ғазали:

Татаббуъ Махдум [Чомий]

Зиҳй аз тоби май тул-гул шигуфта боғи руҳсорат,
Зи ҳар гул хор-хоре дар дили ушшоқи беморат.
Бадон руҳсору қомат гар намойи чилва дар гулшан,
Қиёмат уфтад аз қомат, оғат аз рафторат.
Бадоми зулф ҳар сўй донаи холат, ачаб набвад,
Агар мурғони боғи қудсро сози гирифторат.
Бадонсон ҳусну истиғнои хўбӣ гар нигаҳдори,
Ҳақи ёрӣ, умидам ин, ки бошад ҳақ нигаҳдорат.
Маро шуд ишқу май қисмат, туро зуҳду риё, эй шайх,
Ба кори ман маро бигзору ту ҳам рав пан корат.
Барун аз даврат, эй гардун, муҳакқар кулбае дорам,
Ки меборад губори дарду кам аз тоқи заркорат.
Дарам бикшой, пири дайр, к-инак омадам сархуш,
Ба узри тавбайо тақви ба гардан баста зуниорат.
Гадон ишқро андак тафаққур гар куни имрӯз,
Бувад, эй подшоҳи ҳусн, фардо ачз бисёрат.
Ту, эй Фонӣ, ки дар сар ҳар чи будат, раҳни май карди,
Учб набвад, ки сар мони кунун, чун нест дасторат⁴⁶.

⁴⁵ Қлият Ҷами Тошкент, 1325, 127-бет.

⁴⁶ «Девони Фонӣ», Франция Национал библиотекаси, қўллөёма № 285.

(Таржимаси: Майнинг таъсиридан юзниг богида гуллар очилди, ҳар бир гулдан бетоб ошиқтаринг қалбнга ҳисобсиз тикандар санчилиди.

Ана шу юз ва қомат билан агарда гулшанда жильтва айласанг, қоматингдан қиёмат бўлиб, юришингдан офат қўзғалади.

Зулфинг тузоги ва холларинг допаси билан поклик қашларини ўзингга асир этсанг, ажаб эмас.

Шу қадар латиф истиғно билан агар менга назар ташласанг, дўстлик ҳақи, умидим шуки, худо ўзи сенга ҳимоячи бўлсин. Менинг қисматим ишқ ва май бўлди, сенга эса зуҳду риёс, эй шайх, менинг қилмишим учун мени кечир, сен ҳам ўз ишингдан қолма.

Эй фалак, сенинг даврингдан ташқарида бир хароба кулбам борки, сенинг заркорлик гунбазингдан доимо дарду ғам чангига ёғилиб туради.

Эй дайр пири, бир нафас эшигингни очгил, қилган тавба ва тоатларим узри учун сенинг олдингга мана энди маст ҳолда бўйнимга зуннорингни осиб келдим.

Эй ҳусн шоҳи, ишқ гадосига бугун бир оз меҳрибонлик кўргузсанг, эртага бунинг эвазига жуда кўп мукофот олғунг.

Эй Фоний, бошингда борини май учун гаровга қўйдинг, энди бошингни ҳам қўйсанг, риёкорлик бўлмайди, чунки бошингда салланг йўқ).

Бу иккала газал ўртаснда умумийлик бўлиши билан бирга, баъзи тафовутлар ҳам мавжуд. Булар ўртасида умумийлик қуидагича:

Биринчидан, ҳар иккала ғазал ҳам бир вазнга, бир хил услугуга эга; уларнинг қоғни системаси ҳам, асосан, бир хил. Иккинчидан, иккала ғазалда ҳам асосий эътибор маъшуқанинг гўзаллигини тасвирлашга қаратилган.

Навоий ғазали ўзининг қуидаги жиҳатлари билан Жомийникидан фарқ қиласи: биринчидан, ўз структураси билан: Жомийнинг ғазали — 7 байт, Навоийники эса — 9 байт. Иккинчидан, Жомий ғазалида гафта фақат ёрнинг гўзаллиги ва ошиқнинг ички кечинмалари ҳақида боради, лирик қаҳрамон фақат ёргагина мурожаат қиласи; Навоий ишқ темасига боғлиқ ҳолда, лирик чекиниш сифатида, май темасига ҳам мурожаат қиласи. Навоийнинг лирик қаҳрамони фақат ёргагина эмас, шунинг билан бирга, шайхга (1 байт), дайр пирига (VII байт), гардун — фалакка (VIII байт) ҳам мурожаат қиласи; шайхнинг зуҳду риёсига май ва ишқни қарама-қарши қўяди, майхона бошлиғи (дайр пири)га ўз ихлосини изҳор қиласи ва фалакдан норозилигини баён қиласи. Шунингдек, Навоий ғазалининг бошилаёт май образи киритилган бўлиб, ғазалнинг хулоасаси ҳам май темаси билан тугайди.

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, Навоий татаббуъ усулига ижодий муносабатда бўлган. У Ҳофиз, Жомий ва бошқа салафларининг энг яхши шеърларидан илҳомланиб, ана шу шеърларнинг баъзи бир гоявий мотивлари, вазни ва услубини сақлаган ҳолда, ўзи мустақил ғазаллар яратган ҳамда уларда ўзининг индивидуал ички кечинмаларн ва қарашларини баён қилишга интилган.

Бу Навоий ўз ижодида татаббуъ усулидан маҳорат мактаби сифатида фойдаланганлигини кўрсатади.

Навоийнинг илк лирикасини ўрганар эканмииз, унинг традицияга муносабати доим ривожланиб, ижодий тус ола борганини кўрамиз. У ижодий эволюцияси даврида ўз салафларининг поэтик меросидан, имкони борича, ўрни билан фойдаланди. Фақат уларнинг шеърларига татаббуъ қилибгина қолмади, балки кўпроқ ўзи оригинал шеърлар яратди.

Навоийнинг илк ижоди процессида традицияга бўлган муносабати бир қанча формаларда намоён бўлади. Шулардан бири биз юқорида кўриб ўтган татаббуъ формаси эди. Иккинчи хил усул қуйидагичадир:

Навоий салафларининг шеърларидаги баъзи бир радиф, қоғия бўлиб келган сўзни олади ва худди шу радифда ёки қоғияда ўзи оригинал шеър ёзди. Баъзан улар ижодидаги айrim образлар, иборалардан ўз шеърларинда фойдаланади. Бироқ бу ҳол тасодифий содир бўлган формал ҳодиса эмас. Шоир ўзининг диққатини тортган, ўзининг маълум ғоясини нфодалаш учун хизмат қила оладиган сўз ёки образнигина олади ва ундан ўз кайфияти, кечинмаларининг айrim томонларини акс эттиришда фойдаланади.

Атойининг қуйидаги шеъри билан Навоий ғазали ўртасида услугуб жиҳатидан яқинлик бор:

Бовужуди оразинг барги самандин ким десви,
Лоладин ким сўзласин ҳам настарандин ким десун...⁴⁷

Навоийда:

Жилвай қаддинг кўруб, сарви равондин ким десун,
Жавҳари лаълинг боринда нақди жондин ким десун...⁴⁸

Бу иккала шеър ҳам традицион кўтаринки услубда ёзилган бўлиб, умумий руҳи, радифи бир-бирига яқин бўлса-да, бироқ ҳар иккиси ҳам ўз-ўзича оригинал ижод маҳсулидир.

Навоий Атойи шеърида радиф бўлиб келган иборадан ижодий фойдаланиб, ҳажм жиҳатдан ҳам (Атойида VII байт, Навоийда VIII та; кейинча яна битта қўшилиб, 9 байт бўлган),

⁴⁷ Атойи, Танланган асарлар, Тошкент, Ўзбадабийншар, 1958, 135-бет.

⁴⁸ 564, 114б-в.

мазмуни жиҳатидан ҳам (Навоий лирик чекиниш сифатида еттинчн байтда замон ва замон аҳлидан шикоятни ҳам тилга олади) Атойи шеърига нисбатан анча юқори бўлган оригинал газал яратган (шу радифда кейинчалик Муқимий ҳам ёзган).

Навоий илк ижоди процессида ўз устозларининг ғарлари-даги баъзи бир сўз, образлардан, шунингдек, уларнинг услубидан фойдаланганлиги шубҳасиз. Бунга Навоийнинг илк шеърларидан етарли да-тиллар келтириш мумкин. Бироқ Навоий ва Жомий, Навоий ва Лутфий ижодий муносабатларини текширган вақтда ана шу масалага жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишга тўғри келади. Бу ҳақда конкретроқ хulosса чиқариш учун услуби ва баъзи бир образларни, иборалари жиҳатидан бир-бирига яқин турган шеърларининг ёзилган вақтини, яъни уларнинг қайсинаси олдин, қайси бири кейин ёзилганлигини аниқламоқ керак.

Чунки Навоий ёшлик пайтидаёқ Жомий ва Лутфий билан шахсан танишгани, ўзининг поэтик маҳорати билан уларни қойил қолдирганлиги ҳақиқатdir. Яъни улар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик жуда эрта бошланган. Бу ижодий процессда Навоий, ўз устозларидан кўпгина нарса ўрганиб, уларнинг шеърларидаги баъзи бир элементлардан ўз шеърларida фойдалангани каби, улар ҳам Навоийнинг баъзи бир образлари, оригинал тасвирий воситалари ҳамда ифода услубидан фойдаланган бўлишлари мумкин. Чунки Навоий ўз шеърларини доим Лутфий ва Жомийлар назаридан ўтказиб турганлигини очиқ эътироф этади. Шунинг учун Навоий билан Лутфий ва, айниқса, Жомий ўртасида ижодий муносабат масаласи жуда мураккаб бўлиб, атрофлича илмий текширишни талаб этади. Улар асарларида учрайдиган баъзи бир текстуал ўхшашликлар масаласи ана шу умумий масаланинг бир томони ҳисобланади ва тадқиқотчидан синчилкаб ўрганишни ҳамда хulosса чиқаришда катта масъулият талаб этади.

Аввало, Навоий ва Жомий шеърларида учрайдиган шу соҳага доир баъзи бир фактлар билан танишиб ўтамиш.

Жомий газалининг матлаъи:

Дўш бар ёди ту чашмам дам-бадам хун мегирист,
Сўзи ман медиҳ шамъу аз ман афзун мегирист...⁴⁹

(Тун бўйи кўзларим сенинг ёдинг билан дам-бадам қон йиғлар эди. Менинг ўртанганимни кўрган сайн шамъ мендан баттарроқ йиғлар эди).

Навоий газалининг матлаъи:

⁴⁹ А. Ҷомий, Интихоб аз асарҳо, нашр. Дав. Тоҷ., 1956, саҳифа 316.

Иүккى ёмгурдин менинг ҳолимға даврон йиғлағай,
Күргөзүп гүлгүп булат истар магар, қон йиғлагай...⁵⁰.

Бу иккала шеър ўзининг услуби, радифи, қофия системаси билан ҳамда баъзи бир бошқа образлари (иккаласида ҳам шамнинг йиғлаши — ёниши, лирик қаҳрамон ҳолатини кўриб, ёмгур кўз ёшларини тўкиши ва бошқалар) билаи бир-бирига яқин туради. Бироқ ким кимдан таъсиrlанганилиги, ана шу элементларни ким кимдан олганлиги ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун фақат ана шу ғазалларнинг ёзилниш вақтини аннеклаш зарур. Бусиз бу ҳақда объектив хулоса чиқариш асло мумкин эмас. Қуйидаги матлаъли ғазаллар ҳам ана шу типдадир.

Жомийда:

Эй туро қад хубу, абру хубу, зулфу чеҳра хуб,
Бар забони аҳли дил номи ту маҳбуб-үл қулуб...⁵¹

(Таржимаси: Эй, сенинг қоматинг гўзал, қошиниг ҳам, гажатинг ҳам, юзинг ҳам гўзал; шу сабабли қалб эгалари тилица сенинг исминг қалбларнинг севганидир.)

Навоийда:

Эй сенга юз хубу, лаб хубу лабингдин чеҳра хуб,
Ҳар неким воқеъ бўлур сендин, кўзумга осру хуб...⁵²

Бироқ Навоий ва Жомий девонларида ўзининг темаси, гоявий йўналиши ва услуби жиҳатидан бир-бирига яқин турган шундай газаллар ҳам мавжудки, булардаги ўхшашикнинг асосий хусусиятлари ҳамда сабаблари ҳақида маълум хулоса чиқариш мумкин. Жомий девонида ҳам, шунингдек, Навоийнинг илк девонида ҳам рўза ҳақида ёзилган ғазал бор. Ана шу иккала ғазални тўлиқ келтириб, улар ҳақида айрим мулоҳазалар юритамиз.

Жомий газали:

Нашояд, Эй маҳи хуршиидруҳ, туро рўза,
Ки нест бар Маҳу Хуршед ҳеч чо рўза.
Тани ту коҳаду чони ҳазор сўхта-дил,
Макун, макун, ки набошад туро раво рўза.
Басе намонд, ки созад чу моҳи нав борик
Маро фироқи чамоли туву туро рўза.
Зи рўза хурдани моҳе мадор бими гуноҳ,
Ки мо баройи ту дорем солҳо рўза.
Зи ҳар чиғайри ту-бастем роҳи дидаву дил,
Ки нест беҳтар аз ин дар тариқи мо рўза.
Чу нест бар шакараш дастрас туро, Ҷомий,
Ба оби дидаву хуни чигар кушо рўза⁵³.

⁵⁰ 564, 129а-в.

⁵¹ қлиبات جامی 82-бет.

⁵² 564, 23а-в.

⁵³ А. Ҷомий, Интихоб аз асарҳо, саҳифа 417.

(Таржимаси: Эй офтоб юэли моҳтоб, сенга рўзанинг нима ҳожати бор, чунки Қуёш билан Ойга ҳеч ерда рўза йўқ.

Сенинг баданинг коҳиши тортадиу менинг куйгани жонни ва дилим азоб чекади.

Қўй, қўй, тутма, рўза тутиш сенга раво эмас.

Мени сенинг жамолинг фироқиу сени рўза азоби янги ойдек ингичка қилди.

Сен бир ой рўза тутмасликнинг гуноҳидан қўрқма, чунки биз сенинг учун йиллар рўза тутамиз.

Сендан ўзга ҳамма нарсадан кўз ва кўнгил йўлини боғлаганимиз. Чунки бизнинг тариқатимизда бундан яхшироқ рўза йўқ.

Эй Жомий! Ернинг шакар лабларига етишинш учун қўлинг қисқалик қилар экан, кел рўзангни кўз ёшию жигар қони билан очтил.

Навоий газали:

Сарвипозим, йўқ ажаб, гар рўзадин топмиш малол.
Ким сув ичмасдин топар бар муждалиғ нозик ниҳол.
Йиллар оғзимикм қурутмишсан зилоли васл учун,
Билдинг эркин шамаким, сабъ эркантур бу ҳол.
Кун туш ўлмай рўзаю иссиғдин ул ой қилди заъф,
Не ҳароратдур қуёш, ё рабки, топқайсен завол.
Рўза заъфидинки чиқмас уйдин, ўлмиш моҳ наў,
Заъф кўргилким, тўлун ойимни айлабтур ҳилол.
Рўза муҳри соғиниб дерменки, олсам тишлабон,
Ҳар качои кўрсам онинг ширин дудоги узра хол.
Шарбатин дермен эзай жон ширасидин, қил мадад,
Зулматингдин тийралик, эй Хизру чашмангдин зулол.
Элга шом ўлмиш, Навоийга юзумигдин субҳ эрур,
Ким соғинисин рўза шомин, ёригач субҳи висол⁵⁴.

Бу икки шеър тематикаси, мотивлари жиҳатидан бир-бира га яқин туради. Ҳар икки автор ҳам лирик қаҳрамон характеристики очишда бир хил йўл тутган, битта воситадан — рўзадан фойдаланган. Ҳар иккала шоирнинг ҳам асосий мақсади ўз севгилисига нисбатан меҳринбонлигини, ғамхўрлигини изҳор қилишдир. Ана шу мақсадни рўёбга чиқаришда улар рўза воқеасига мурожаат қиладилар.

Шунга қарамай, ҳар икки газал ўз-ўзича оригинал бўлиб, бир-биридан тафовут қилувчи томонлари мавжуд. Буни биз Навоий газалиининг қўйидаги байти мисолида кўришимиз мумкин:

Кун туш ўлмай рўзаю иссиғдин ул ой қилди заъф,
Не ҳароратдур қуёш, ё рабки, топқайсен завол.

Бу байдан қўйидаги хulosаларни чиқариш мумкин: биринчидан, Навоий бу шеърни ёзган вақтда рўза ёзнинг иссиқ

⁵⁴ 564, 92 б-в.

оýларига түфри келган. Чунки шоир маъшуқа заифлашиши-
нинг асосий сабаби қилиб рўза ҳамда иссиқнинг таъсирини
кўрсатмоқда. Бу сабаб ниҳоятда реалистик асосга эга бўлиб,
ҳаёт ҳақиқатига асослангандир. Ҳатто, авторнинг ана шу фик-
ригá асосланиб, шеърнинг ёзилган вақтини тахминий аннәлаш
мумкин. Навоийнинг ёшлик йилларида рўза ёзниңг қўйидаги
оýларига түфри келади:

бошланиши охри

1456 йилда 3 август — 1 сентябрь

1457 йилда 23 июль — 21 август

1458 йилда 13 июль — 11 август

1459 йилда 2 июль — 31 июль

1460 йилда 20 июнь — 19 июль ва ҳ. к.

Ҳар ҳолда, бу ғазал рўзанинг иссиқ кунларида ёзилганли-
ги аниқ. Шоирнинг қуёш ҳароратидан беихтиёр шикоят қили-
ши ҳам (2-мисра) буни яққол кўрсатиб турибди. Иккисицдан,
автор фақат маъшуқага меҳрибонлик изҳор қилибгина қолмай,
шу билан бирга, ўзининг рўзадан шикояти, норози тигини ҳам
баён қилган. Умуман, Навоий бу газалини Жомийдан таъсир-
ланиб эмас, балки ҳаётнинг ўзидан таъсирланиб ёзган. Унинг
қалбida қарама-қарши кайфиятларни туғдирган нарса Жо-
мийнинг ғазали эмас (эҳтимол, Жомий ўз ғазалини Навоий-
дан кейин ёзгандир; эҳтимол, Навоийнинг ғазали Жомийга
таъсир этгандир), балки ҳаётнинг ўзидир. Шунинг учун ҳам
Навоийнинг ғазали турмушга анча яқин туради, бу яқинлик,
ҳаёт билан бевосита боғланиш унга маълум даражада конкретлилк ва жонлилик баҳш этган.

Навоийнинг кейинги давр лирикасида ҳам ана шундай ҳол-
ни учратиш мумкин.

Масалан, Навоийнинг «Бадоेъул-васат»га кирган «қиши»⁵⁵
радифли шеъри билан Жомийнинг «сафед» (оқ)⁵⁶ радифли
шеъри foявнй тематик жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаб кет-
са-да, буларнинг ҳар иккаласи ҳам бевосита ҳаётни ҳодиса
таъсирида ёзилган. Яъни ҳар икки шоирни ҳам илҳомлантири-
ган нарса қишининг ўзига хос манзарасидир. Бироқ Жомий
ғазалида қишига хос умумий хусусиятлар тасвирланса, Навоий
ғазалида айрим конкрет тафсилотлар ҳам мавжудки, бунда
шоир ўзи тасвирлаётган қишининг бошқа қишилардан фарқини,
ўзига хос томонини кўрсатиб ўтади:

Гарчи Ҳиндистонда қор ўлмас vale оқ рактини
Ейди Ҳиндистон киби бу тунда номақдур қиши.

⁵⁵ «Бадойиул-васат», 270-бет.

⁵⁶ А. Ҷомий, Интихоб аз асарҳо, саҳифа 355.

Демак, қишиннег одатдан ташқары келниши (ўша кечада қор жуда кўп ёқсан) Навоийни шу шеърни ёзишга илҳом таниради.

Биз Навоий билан Лутфий муносабатларини текширганин-мизда ҳам юқоридаги каби ҳолатга дуч келамиз. Чунки Навоий илк шеърларини ёзган вақтда, Лутфий ҳам ширк эди. У Навонийнинг кўпчилик шеърлари билан таниш бўлган. Шунинг учун уларнинг ғазалларида учрайдиган баъзи бир тексту-ал ўхшашликлар ҳақида у ёки бу шоир фойдасига бирор аниқ хулоса чиқариш жуда қийин. Ана шундай фактларнинг бир-иккитаси билан танишиб ўтамиш.

Лутфийда:

Ростлиқ ҳаққи, мухолиф бўлмадим ҳеч, эй ниғор,
Най бинкин бағрим тешиб ингратма менн зор-зор.

Хизматингда боғладим белимни бормоқ кўз уза
Мен қабул эттим нафас ҳар неча бўлсам хор-хор.

Чангдек қаддим неча жаврунг элидинг бўлди ҳам,
Нола йўқ, аъзам уза гар бўлса ҳар раг тор-тор.

Ул турўнжи ғабғабу бодом кўзунг ҳурмати,
Олма душман сўзину кўнглум элнга солма нор.

Ит бўлуб нокас рақибу тош бўлди ўрnumиз,
Эшикингда итча ҳам бўлмади бинзга эътибор.

Эшпикингиз тупрогиндин гард бўлуб учсун таним,
Мендин ўттургунча нозук хотирингизга губор.

Ҳар жафоким келса сендин Лутфийга миннат валие
Қилмаған ёзуқни кечруб, қилғин андин даргузор⁵⁷.

Навоийда:

Дўстлар, мен телба ақволиға йиғланг зор-зор,
Ким солодур гаҳ-гаҳ ўт кўнглумга тушган хор-хор.

Истамас бўлса сабо бир-бир кўлигул жамъ айламак,
Нега зулфунгни паришонлигдин айлар тор-тор.

Сен қуёш бирла муносибсен ўюнда, хўблар
Иккн-икки чунки киргайлар отошиб ёр-ёр.

Кўрқарамким, бўлмагай озурда нозик қоматинг,
Эгнинга хуш көлмиш жаъди анбарбор бор.

Ҳалқа-ҳалқа бўйнума солмиш таноби зулфини,
Журми ишқимга магар ҳукм айлади дилдор дор.

⁵⁷ Лутфий, Танланган геарлар, Тошкент, Ўззадабийнашр, 1958, 36-бет.

Ишқ әрүр ондоқ мураббийким, қылур стгач асар.
Бұлбұл үлгай, очса юз бир сарви гұлрухсор, сор.

Эй Навоий, бұлды ул бут кофири оташпааст,
Не ажаб, ваҳ-ваҳ, гар үрса жошинга зүннор нор⁵⁸.

Бу икки шеър қофия системаси билан бир-бирига яқин түргандай туюлади. Лутфий ғазатининг дастлабки уч байтида қофия бўлиб келган сўзлар Навоий ғазалида ҳам ишлатилган. Бироқ Навоий ғазалида қофия бошдан охирига қадар ягона бир усулда давом этиб, шеърда изчиллик сақланганки, бу Навоийнинг сўз бойлиги ва маҳоратидан далолат қиласиди. Лутфийда фақат дастлабки уч байтина бир хил қофияланган бўлиб, кейинги байтларда бу принципга риоя қилинмайди. Бироқ биз ана шу ғазал қофиясидаги баъзи ўхшаш томонларни ҳисобга олиб, Навоий шу ғазални ёзишда Лутфий ғазалидан илҳомланган деб айта оламизми? Иўқ, албатта. Чунки, аввало, бу ғазалларнинг қайси бири олдин, қайсан бири кейин ёзилганлиги аниқ эмас. Навоий ғазалининг баданий изчиллигидан шу нарса кўриниб турибидики, Навоий бу ғазални маҳорати анча ошиб, камолга етган даврларда, яъни илк ижодининг охиригى этапларида (60-йилларда) ёзган. Шунингдек, Навоий ёшлигиданоқ ҳалқ орасида бўлган, унинг ҳаёти, урф-одатларини яхши билган, ҳалқ тили бойликларини қунт билан эгаллаган, унинг ажойиб сўз ўйинларини яхши билган. Мазкур ғазалдаги «зор-зор йиғламоқ» ҳалқ орасида кенг ишлатиладиган ибора бўлса, «ёр-ёр айтиб кириш» ҳалқ орасида асрлар бўйи сақланиб келаётган маросим қўшиғига ишорадир. Бас, шундай экан, Навоий ўз ғазалини ёзишда ҳалқ қўшиқлари, ҳалқ тилининг кўп қиррали томонларидан илҳомланмадимикин? Бизнингча, шундай бўлса керак, чунки ҳақиқий шоир ижодининг асосий манбай ҳалқ ҳаёти, унинг лексик фондирир. Шунинг учун, Лутфий ва Навоий асарларидаги айрим текстуал ўхшашликларни олиб, Навоий ва Лутфийнинг ижодий муносабатлари ҳақида тўғри ва мукаммал бир хulosага келиш мумкин эмас. Албатта, бир шоир иккинчи бир шоирнинг оригинал ифода ва образларидан таъсирланиб, улардан ўз ижодида фойдаланиши мумкин. Бироқ улардан қайси бири иккинчи биридан фойдаланганлиги масаласини ҳал этишда ўхшаш томонлари мавжуд бўлган асарларнинг ёзилган вақтини, ўша ёзувчиларнинг бир-бирининг ижоди билан қай даражада танишлигини аниқламоқ зарур. Ана шундагина ижодий ҳамкорликнинг маълум бир томонини ҳал этмоқ мумкин.

⁵⁸ 564, 482-в.

Ууман, Лутфий лирикаси Навоий лирикасига жуда катта таъсир этди ва Навоий лирикасининг ривожида асосий заминлардан бири бўлиб хизмат қилди. Бу, айниқса, Навоий нинг илк лирикасида кўзга яққол ташланади.

Лутфий лирикасининг Навоий учун ўрнак бўлған асосий хусусиятларидан бири — унинг халқ жонли тилига яқинлиги, халқ мақол ва ибораларига бойлигидир. Навоий Лутфийнинг лирикада халқ оғзаки ижодиёти материалларидан фойдаланиш усуулларидан ибрат олди. Шунинг учун ҳам Навоий илк ижодида ўзининг турли ғояларини ифодалашда халқ оғзаки ижодиётининг хилма-хил элементларидан усталик билан фойдаланди. Ууман, халқ оғзаки ижоди Навоийнинг илк лирик шеърларига ижобий таъсир этиб, уларининг халқчиллиги, бадиийлигини кучайтиришга хизмат қиласди.

Навоийнинг илк девонига кирган кўпгина шеърлар ўз услугбининг равон ва енгиллиги, шўх ва жонлилиги билан халқ қўшиқлари ҳамда Лутфий шеърларига яқин туради. Ана шундай шеърларда халқ оғзаки ижоди ҳамда Лутфий поэзиясининг бевосита таъсири сезилиб туради. Қуйидаги матлаълар билан бошланадиган газаллар худди ана шу типдадир:

Кародур хоту, хатту, кўзу қошинг,
Магар борини куйдурмиш қўёшинг...⁵⁹

Эй чучук жоним сенинг ширин лабнинг,
Меван жоним турунжи ғабабинг...⁶⁰

Ер лаби акси тушуб жом аро,
Бодаға жон таъми берур ком аро...⁶¹

Ул ой қасдима тифи буррон чекиб,
Мен оллида шукронага жон чекиб...⁶²

Қўлигулнинг хонумонин берди барбод,
Ғами ишқингки, хонумони обод...⁶³

Лутфий газалларининг характерли хусусиятларидан бири — халқ мақолларининг байтларга усталик билан сингдириб, едириб юборилишидир. Бу соҳада ўзбек адабиёти тарихида Лутфий ўзига хос ўрин тутади. Навоийнинг илк шеърларидаёт Лутфий ижодига хос ана шу хусусиятнинг ижобий излари кўзга ташланади.

⁵⁹ 564, 75a-в.

⁶⁰ 564, 76a-в.

⁶¹ 564, 9a-в.

⁶² 564, 29a-в.

⁶³ 564, 40a-в.

Лутфий:

Лёгингга тушар ҳар лаңза гесу,
Масалдурким, «чироқ туби қоронғұ».

Тутарман күэ, ки күрсам оразингни,
Ки дерлар: «оққан ориққа оқар сү».

Юзунгни туттум ортуқ ою күндін,
«Кишининг күздидур, оре, тарозу»...⁶⁴

Навоий:

....Хшар ахлоқинга ҳуснунгки, эрур
Яхшилик лозимасын яхши қилем...

Ҳуспунга ұхшади жонбахш сұзунг,
Кимки бор ұзи силиғ, сұзи силиғ...⁶⁵

Бу иккала шеър услуг жиҳатидан бир-бирига жуда яқин туради. Лутфий ҳам, Навоий ҳам тасвирида бир хил йўл тутган. Яъни байтнинг биринчи мисраида баён қилинган фикр иккинчи мисрада келтирилган ҳалқ мақоллари ёки идномалари билан исботланиб, тасдиқланиб боради.

Лутфий лирик қаҳрамон характерини очиш, унинг хатти-харакатларини асослашда, умуман, бадиий тасвирида ҳалқ орасидаги урф-одатлардан ҳам тасвирий восита сифатида фойдаланади. Бу усул шеърнинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан оригинал ҳамда ҳалқчил бўлишини таъмин этади. Бу приём Навоийнинг ilk ижодидаётқенг томир ёйиб, унинг кейинги ижодий эволюцияси даврида тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб боради. Навоийнинг ilk девонидан бунга доир мисолларни истаганча топиш мумкин.

Бироқ Навоийнинг этнографик характердаги материаллардан фойдаланиш усули үз ҳажми ва ҳусусиятлари билан Лутфийнига нисбатан бирмунча юқори туради.

Биринчидан, Лутфий шеърларида этнографик материаллар сийрак учрагани ҳолда, Навоий ғазалларида бу материаллар ниҳоятда кўп; иккинчидан, Навоийнинг ilk шеърларидаги этнографик материаллар бой ва ранг-баранг бўлиб, турмушнинг турли соҳаларига тааллуқлидир. Учинчидан, Навоий ана шу материаллардан жуда усталик билан фойдаланган, уларнинг этнографик характерини биринчи қарашлаётқ сезиб олиш мумкин.

Ўмуман, Навоий Лутфий ижодининг бу ҳусусиятига ҳам ижодий ёндашиб, уни бойитган ва ривожлантирган. Навоийнинг ilk девонидан шу соҳага доир баъзи мисоллар келтирамиз:

⁶⁴ Лутфий, Танланган асарлар, 95-бет.

⁶⁵ 564, 70а-в.

Кўнгулни қон ёшу гоҳи юзум бирла овутурмен,
Сарнқ, қизил била андоқни ҳалқ тиғлип овутмнш...⁶⁶

Чун сиришким кўрди — маълум этти ишқим ҳосилин,
Дона бирла, уйлаким, эл нақднни айлар ҳисоб...⁶⁷

Жон сотармен хоки пойингга, нединким, аҳли байъ
Тутқуурлар сотқучи бирла ҳаридор илкни...⁶⁸

Лутфий ҳалқ тилининг бой ҳазинасидан унумли фойдаланиб, ўз газалларнни ажойиб ҳалқ иборалари, идиомалар билан безайди. Навоий бу соҳада ҳам Лутфий изидан бориб, ҳалқ тилининг ранг-бараанг формаларидан бадинӣ тасвирида тобора кўпроқ фойдаланишга интилган. Масалан, Лутфийда:

Кўйган кўнгулни ҳом таъма қилмас эди ёр,
Кўз учидни карашмаси гоҳ-гоҳ бўлмаса...⁶⁹

Симтек янгоқинг дедим ўпармен,
Айтур: «Ҳаёлнинг эрур бари ҳом»⁷⁰.

Навоийда:

Ким айласа соқийи гуландом тамаъ,
Илгидин оининг соғари гулфом тамаъ,

Оидин сўнг агар тақвию ислом тамаъ
Айлар эса, ул мардак эрур ҳом тамаъ⁷¹.

Лутфийда:

Лутфинни ким ҳаргади «ё раб, балоға учра» деб.
Ким сенингдек тош бағирлик дилрабога учради⁷²

Навоийда:

Чу ёр кўнглида бўлсам, бало менга ёрумас,
Бу важҳники, темурдин бўлур хисор мангага⁷³.

Лутфийда:

Бўйнунгда қоним, ки бизни, эй кўз,
Хўблар била ошна қилурсен...⁷⁴

Навоийда:

Бир гўшада май ичмаса, ўз бўйнида қони,
Гар бўлса даме кимсага дилдор мусоҳиб...⁷⁵

⁶⁶ 564, 596-в.

⁶⁷ 564, 21a-в.

⁶⁸ 564, 131б-в.

⁶⁹ Лутфий, Танланган асарлар, 20-бет.

⁷⁰ Уша китоб, 73-бет.

⁷¹ 564, 141б-в.

⁷² Лутфий, Танланган асарлар, 101-бет.

⁷³ 564, 326-в.

⁷⁴ Лутфий, Танланган асарлар, 91-бет.

⁷⁵ 564, 326-в.

Кўриниб турибдики, Лутфий ҳам, Навоий ҳам халқ тилида кенг қўлланувчи «хом тамаъ», «хом хаёл», «тош кўнгул». «бағри тош», «қоним бўйнида» каби иборалардан жуда ўринли фойдалана олган. Бироқ Лутфий ана шу ибораларни ўзгартирмай, айнан қўлласа, Навоий, кўпинча, ижодий фойдаланади. Масалан, Навоий маъшуқани тўғридан-тўғри «тош кўнгул» демай, шу маънони бошқачароқ йўл билан ифодалайди. Албатта, бу каби ибораларни Навоий Лутфий асарларидан эмас, балки халқ тилининг луғат фондидан олган. Бироқ халқ тили ва халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш соҳасида Лутфий унга катта таъсири этган ва устозлик қилган.

Лутфийнинг Навоийга таъсири, унинг ижодий эволюциясида ўйнаган роли бу билангина чекланмайди (биз бу ҳақда кейинроқ фикр юритамиз). Фақат, Навоий ва Лутфийнинг ижодий муносабати ҳақида гап борар экан, бу икки санъаткор асарларида учрайдиган текстуал ўхшашликлар ҳақида гап боргандга, уларнинг асл манбайни чуқур текширмай туриб Навоий Лутфийдан олган деган хуросага келмаслик керак.

* * *

Ҳар бир ёш ижодкорни ёзувчи сифатида шакллантирадиган, ёзувчи ижодининг бутун мундарижасини белгилайдиган асосий куч у яшаб ижод қиласиган воқеликдир. Бироқ бу воқелик, ҳаёт ёзувчининг руҳий фаолиятига бевосита ва билвосита («Қитобий манбалар» орқали) етиб бориши, сингиши мумкин.

Баъзан шахсий турмуш тажрибаси йўқ ёш ёзувчилар ўз тажрибаси чегарасидан чиқа оладиган фикрларни китобий манбалардан ўрганиб айтадилар. Жумладан, ёш Навоийнинг дастлабки форсий шеърлари ана шу типда бўлиб, бу шеърларида Навоий ўз салафлари — Саъдий, Хусрав, Ҳофиз ва Жомийлар изидан боради, уларга гоявий ва услуг жиҳатидан татаббуъ қиласи. Бироқ Навоий жуда тез шахсий турмуш тажрибасига эга бўлди (Машҳадда мусофириликда яшаши, Ҳиротга қайтиб, қийинчилик билан ҳаёт кечириши, сўнгра Самарқандга кетиши ва бошқалар). Унинг китобий билмлари шахсий тажрибалари билан қўшилиб, ёш шоирнинг маънавий дунёсини бойитди.

Навоий илк лирикасининг тематик шаклланишида, унинг шахсий турмуш тажрибалари билан бир қаторда, унга қадар мавжуд бўлган лирик традицияларнинг роли каттадир.

Биз, Навоийнинг илк лирикаси билан танишар эканмиз, у ўз салафлари Саъдий, Хусрав, Ҳофиз, Жомий, Атойи, Сак-

кокий ва Лутфий ғазаллари учун характерли бўлган етакчи темаларни ўз ғазалларида давом эттириб, уни ҳар томонла ма ривожлантирганлигини кўрамиз.

Навоий илк газалларининг асосий етакчи темаларида унинг салафлари ижодининг роли ва таъсирини очиқ кўриш мумкни. Ана шундай етакчи темалардан бири ғазал жачрининг бош темаси — ишқидир. Форс-тоҷик адабиётида X асрдан бошлаб ишланиб келинган бу тема Навоийга қадар Шарқ поэзиясининг етакчи темаси бўлиб қолган. Ана шу тема Навоий илк ғазалларининг асосини ташкил этиб, ишқ масаласини талқин этишда у ўз салафларининг традицияларини сақлайди. Умуман, ишқ масаласининг қўйилиши ва ечилиши, лирик қаҳрамон — ошиқ характеристини очиш усуслари жиҳатидан Навоий ва унинг салафлари ўртасида умумийлик мавжуд.

Навоийга қадар ижод қилған форс-тоҷик ва ўзбек шоирлари газалларида бўлганидек, Навоийда ҳам ошиқ образи — оташин севги эгасигина эмас, балки ўз севгилисига садоқатли бўлган пок қалб эгаси сифатида талқин этилади. Лирик қаҳрамон — ошиқ фақат бир кишинигина севади, шунга этишиш учун ҳаракат қиласи; бошқа бирор кишига кўнгил қўйишни қоралайди. Умуман, ишқ юксак маънавий фазилагт сифатида талқин этилади...

Хусрав:

... Ба як дилдор бас кун ҳамчу Хусрав,
Набандад ҳеч ошиқ чо ба ҷо дил⁷⁶.

(Хусрав каби фақат битта дилдор билан чеклан, чунки ҳақиқий ошиқ ҳеч қачон ҳар кимга кўнгил бермайди).

Навоий:

Ғайрдин сафҳангни қилғил нок, яъни айлама
Хотиринг лавҳини ҳар хат бирла маъюб, эй кўнгул⁷⁷.

Хоғиз:

Мабин ҳақир гадоёни ишқро, к-ин қавм
Шаҳони бекамару Хусравони бекулаҳанд⁷⁸.

(Ишқ гадсларини бунчалик тубан ҳисоблама, чунки бу гурӯҳ камар боғламаган ва тоҷ киймаган подшоҳлардир.).

Навоий:

Ошиқ эрсанг, кўрмагил, эй шоҳ, гадоларни ҳақир,
Ким балолиг ишқ фарқ этмас гадою шоҳни⁷⁹.

⁷⁶ Хусрави Деҳлавӣ, Мунтажабот, нашр. Дав. Тоҷ., 1960, саҳифа 327.

⁷⁷ 564, 886-в.

⁷⁸ Хоғизи Шерозӣ, Мунтажаби девон, саҳифа 218.

⁷⁹ 564, 1366-в.

Ғазал жанрида ишқ билан маҳкам бөглиқ ҳолда келади-
ган темалардан бири — май темасидир. Навоийнинг илк ға-
залларида ҳам ана шу иккала тема параллел келади. Май
темасини ишлашда ҳам Навоий ўз салафларининг энг муҳим
традицияларини давом эттиради.

Май темаси Хайём ва Ҳофиз ижодида ҳар томонлама
кенг ва чукур ишланган бўлиб, уларда май, асосан, реал
ҳаёт ва хурсандлик символи, диний таассубларга қарши ку-
раш воситаси сифатида талқин этилади. Май темаси Навоий-
нинг илк лирикасида ҳам ўзининг ана шу хусусиятларн билан
намоён бўлади. Навоий ўзига хитоб қилиб, шундай ёзади:

Эй Навоий, Каъба тут ё дайрким, аҳли жаҳон
Журму ғамдин бу ики манзили моман қилдилар⁸⁰.

Ҳақиқатан ҳам, Навоийнинг салафлари ана шу икки йўл-
дан бирини — майхонани танлаганлар. Буни Ҳофизнинг
қўйидаги байтларида аниқ кўриш мумкин:

Даёҳ ҳароботи мугон мо низ ҳаммаизил шавем,
Кин чуини рафтаст дар аҳди азал тақдирни мо.
Мо муридон рӯ ба сүнти Каъба чун орем, чун
Рӯ ба сўни хонаи ҳаммор дорад нири мо⁸¹.

(Биз ҳам муғлар ҳароботи (майхона) да ватан тутамиз, чун-
ки қадимда бизнинг тақдиримиз шундай битилган экан.
Бизнинг пиримиз майхонага юз тутган бир пайтда биз мурид-
лар қандай қилиб Каъба томонга юз бурамиз.).

Ёш Навоий ҳам май темасига бўлган муносабатида ўз
салафларига содиқ қолади. Масалан, қўйидаги байтлар фоя-
вий мазмуми жиҳатидан бир-бирига ҳамоҳангидир.

Хайём:

در دل نتوان نشان اندوه نشاند
همواره کتاب خرمی باید خواند
من باید حورد و کام دل باید راند
پید است که چند در جهان باید ماند

(Дилга ғам тамғасини босиш ярамайди. Муттасил хур-
сандлик китобини ўқимоқ керак. Доимо май ичиш ва кўнгул
орзусини ушатмоқ лозим. Чунки дунёда қанча вақт яшашинг
маълум эмас)⁸².

⁸⁰ 564, 456-в.

⁸¹ Ҳофизи Шерозӣ, Мунтахаби девон, саҳифа 35.

⁸² رباعیات. عمر خیام. М., Изд. вост. лит-ры, 1959, стр. 73.

Хофиз:

Дило, чому соқийн гулрух талаб күн,
Ки чун гулы замона бақое надорад⁸³.

(Эй күнгил, май жомиу гул юзли соқийни иста, чунки очил-
ган гуллар сингари, замона ҳам ўткинчидир).

Навой:

Соқиә, жом айла дойирки, гапиматдур ҳаёт.
Тутқусидур чун ажал косинн даврои оқибат⁸⁴.

Бундан ташқари, май образи ғам-ғүссадан қутулиб, хур-
сандчиликка эришиш воситаси, зоҳид шайхларга қарши ку-
раш қуороли сифатида қўлланилади.

Хофиизда:

Шодни ёри паричехра бидеқ бодан ноб.
Ки ман лаъл давон дили ғамгин омад⁸⁵.

(Пари юзли ёрнинг хурсандлиги учун тиниқ май тут, чунки
қизил май ғамгин дилнинг давосидир).

Навоийда:

Оқизғил бода селобини, эй соқийки, хижрондин
Кўнгул даштида бўлмиш корвони дарду ғам пайдо⁸⁶.

Хофиизда:

Туву тубиву мову қомати ёр.
Фикри ҳар кас ба қадри ҳиммати ўст⁸⁷.

(Сенинг истагинг — Туби дарахти, менинг матлабим эса ёр-
нинг қомати. Дарвоқе, ҳар кимнинг фикри унинг ҳимматига
боғлиқ).

Навоийда:

Мену муг дайри аро муғбача бошида ғулу,
Сену зуҳд аҳли била масжиду меҳроб тўло⁸⁸.

Хусравда:

Ало, эй соқин форигдилон, ҳам май бадин сон дех,
Ки ман бо рўзгори хештан хунхорие дорам⁸⁹.

(Эй, хушнудлар соқийси, бу тарафга ҳам май сўн; чунки оғир
шароитим мени қон ютишга мажбур этмоқда).

⁸³ Хофиизи Шерозӣ, Мунтакаби девон, саҳифа 197.

⁸⁴ 564, 35б-в.

⁸⁵ Х о ф и з и Ш е р о з ӣ, Мунтакаби девон, саҳифа 212.

⁸⁶ 564, 18а-в.

⁸⁷ Хофиизи Шерозӣ, Мунтакаби девон, саҳифа 56.

⁸⁸ 564, 17а.

⁸⁹ «Мунтакабот», саҳ. 338.

Хайёмда:

Ичавер, май ичган мангудик яшар,
Дунё лаззатининг барисин ошар.
Май деган қайгуни оловдек ўртаб,
Оби ҳаёт каби жўш уриб, тошар⁹⁰.

Жомийда:

Агар зи дарди сари хеш ранҷайи, май иўш,
Ки нест ранчи туро шарбате баробарн май⁹¹.
(Агар бош оғриғинг азоб берса, май иш; чунки сенинг
азобингга май билан тенг келадиган шарбат — даво йўқ).

Ҳофизда:

Ба ним чав нахрам тоқи хонақоҳу работ,
Маро, ки маастаба айвону пок хум танабист⁹².
(Работ ва хонақоҳ меҳробини яримта арпа донасига олмайман;
менинг айвоним майхона, меҳмонхонам эса хумнинг остидири).

Навоийда:

Навоий ғуссадин махлас тиларсан, маству бехуд бўл,
Ки даврон дарду ранжиға даво бу бўлди, то бўлди⁹³.

Ёки:

Навоий ўлди чу бу соқий илтиҳидин сархуш,
Не айб, даирга масжиддин айтаса оҳан⁹⁴.

Умуман, Навоий лирикасида ишқ ва май темаларининг ишланиши традиция билан узвий боғланган. Бироқ ана шу темадаги ғазалларда шоирнинг ўзига хос овози, услуби кўзга яққол ташланиб туради. Ишқ ва май темасидаги шеърларнинг асосий қисмида Навоийнинг индивидуал ички кечинмалари ифодаланган, унинг шахсияти кўпроқ акс этган. Авторнинг умумлашма даражасига кўтарилиган индивидуал ички кечинмалари, ҳис-туйғуларининг ифодаланиши унинг ғазалларини бошқаларницидан фарқлайди, уларнинг оригиналлигини таъминлайди.

Навоийнинг қуйидаги ғазали ана шу фикрнинг ёрқин далили бўла олади. Бу ғазалда ишқ ва май темалари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда келган бўлиб, ана шу темаларни ёритишда авторнинг тутган йўли — тасвираш услуби, фик-

⁹⁰ «Рубоийлар», 167-бет.

⁹¹ «Интихоб аз асарҳо», саҳ. 432.

⁹² «Мунтажаби девон», саҳ. 86.

⁹³ 564, 130а.

⁹⁴ 564, 82а.

рининг мантиқий изчиллiği ва ўзига хос ички кечинмаларн, хуллас, унинг орғиналлыги түлиқ намоён бўлган.

Ҳаво хуш эрдю илкимда⁹⁵ бир қадаҳ май ноб,
Ийчар эрдим валие ғамдин қадаҳ қадаҳ хуноб.

Ки ҳозир эрди ўшул сарву наргиси маҳмур,
Валек рагимма этмас эди қадаҳга шитоб.

Манга не заҳрае улким, десам қадаҳ май ич⁹⁶,
Не онисиз ишканы майни қарору тоқату тоб.

Бу ғусса бирла ичим бўлуб нечукки қадаҳ,
Қўзумга бир ғафас ашк әврулур мисоли ҳубоб.

Чу ошладики, борур ихтиёр илкимдин.
Қулуб қадаҳ киби лутф айладиши қўйди итоб.

Қадаҳни ичтию юз лоба бирла тутти манга,
Ен оининг ишканни ўз қилди мани масти хароб.

Чу соқий этти қадаҳ кўзгусида жилван ҳусен,
Не анб, ошиқи майхура қунгли бўлса кабоб.

Навоий, васл биҳишида шукр қил бу ғафас,
Ки ёна чекмагасен ҳажр дўзахинда азоб⁹⁷.

Навоийнинг традицияга ижодий ёндашиб, оригиналликка интилиши ҳамда унинг ижодида новаторлик элементлари-нинг кучая ва шакллана бориши ишқ темаси билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этишда ҳам кўзга яққол ташланади. Маълумки, классик поэзияда ишқ темаси анча кенг имкониятга эга бўлиб, улуғ сўз санъаткорлари ана шу темага боғлиқ ҳолда ўзларининг ҳаётга ва замонга бўлган муносабатларини баён қилганлар. Лирнакага (ғазалга) ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам ишқ темаси орқали кириб келган. Ғазалга ижтимоний масалаларни олиб киришда Лутфий бошқаларга қараганда анча илгари кетди. У айрим байтларда ўз даврининг баъзи томонларидан норозилигини баён қилиб ўтади:

...Айтгимки, бу Лутфийга жафо қилма, вафо қил,
Айтурки, бизнинг даврда ул расм қолибтур⁹⁸.

...Жон топти иморат қадиғига тузлукни бирла,
Маъмур бўлур адл ила ҳар қайдада вилоят...⁹⁹

⁹⁵ «Хазойинул-маоний»да: «коллимда». Қаранг: «Фаройibus-сигар», 64-бет.

⁹⁶ «Хазойинул-маоний»да: манга не заҳраи улким, десамки, бир қадаҳ ич. «Фаройibus-сигар», 64-бет.

⁹⁷ 564, 216—22a-в.

⁹⁸ Лутфий, Танланган асарлар, 33-бет.

⁹⁹ Уша асар, 27-бет.

Лутфий ўз ижодининг ана шу хусусияти билан Навоийга жуда катта таъсир кўрсатди. Навоий ёшлигиданоқ, Лутфийдан ўрнак олиб, лирикага ижтимоий ҳаёт масалаларини олаб киришга ҳаракат қилди. У ишқий темада ёзган ғазалларида, ёрдан шикоят қилиш билан боғлиқ ҳолда, ўз замонасига, ўша давр ижтимоий тузумининг айрим томонларнга нисбатан муносабатини ифодалади:

Кўнгулни зулм ила буздунг, бале, бўлур маъмур,
Шаҳеки мулкида эҳсон билан адолати бор¹⁰⁰.

Бироқ Навоий илк ижодидаёқ бу соҳада Лутфийга нисбатан анча юқори кўтарилиди: Лутфийда бу масала бошланғич ҳолда бўлиб, айрим байтлардагина (лирик чекиниш сифатида) учрайди. Навоийда эса бу масала анча кенг қўйилган бўлиб, ўзининг ҳажми ва моҳияти жиҳатидан бирмунгча кескин ва конкретдир. Ҳатто шундай ўринлар ҳам борки, ёрнинг зулмидан, ҳажридан (тор маънода) шикоят билан умуман даврдан ва ҳижрондан (кенг маънода) шикоят параллель ҳолда тасвирланади ва авторнинг ўз давридан норозилиги, ундан шикояти биринчи планга чиқиб қолади. Буни қўйида яъқол кўриш мумкин:

Гар ёршинг аҳволигадур ёр мулоҳиз,
Оз ҳам хуш эрур, бўлмаса бисёр мулоҳиз.

Бу даврда ёр уйладурур ёрга душман,
Ким тутмас ўзин ончаки ағёр мулоҳиз.

Давр аҳлига соқиӣ не мулоҳиз бўла олғай,
Невчунки эмас гупбази даввор мулоҳиз...¹⁰¹

Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо,
Ким кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо.

Бу жафо дафъин не янглиғ англагайменким, етар
Айласам кимдин жафо манъин тамаъ, ондин жафо.

Сайддекким, чиркада юзланса ҳар ён келғали,
Аҳли даврондин келур кўнглумга ҳар ёндин жаво...

Не мусулмонлиғ бўлтур ушбуки, даврон бошнма
Еткуур ҳар дам яна бир номусулмондин жафо...¹⁰²

Кимса ҳарғиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо,
Улки даврон оғатидур, не тамаъ ондин вафо...¹⁰³

¹⁰⁰ 564, 536-в.

¹⁰¹ 564, 65а6-в.

¹⁰² 564, 176—18а-в.

¹⁰³ 564, 136-в.

Мұхимн шундаки, бу газалларни автор «даврон бирла ахли даврондан» шикоят қилиш билан боштайды. Демек, авторнинг диққат марказида түрган бирнинчи масала ўз давридан норознлнгни ифодалаш, ундан шикоят қылышыдир. Ердан шикоят эса ана шу ғояни, фикрнн ифодалашда бир фон бўлиб хизмат қилади.

Навоий илк лирикасининг тематикаси аинча кенг ва хилма-хилдир. Унинг лирик қаҳрамони фақат садоқатли ошиқ ва риндгина бўлмасдан, шунинг билан бирга, ўз даврининг етук мутафаккирн сифатида ҳам гавдаланиб, борлиқнинг турли-туман масалалари устида фикр юритади. Навоийнинг ана шу темадаги ғазалларида ҳам унинг салафлари таъсирини сезиш қийин эмас. Ҳусусан, бу соҳада Хайём ва Саъдийнинг таъсири бошқаларга нисбатан каттароқдир.

Хайёмда:

Кечаги күнингни айламагил ёд,
Эртагиг келмай туриб, этма кўп фарёд.
Ҳтган келмаганга қайгурмоқни қўй.
Қувноқ бўл, умрингни қўлмаги¹⁰⁴ барбод¹⁰⁴.

Навоийда:

Олам асбоби учун гам емагил,
Арзимас мунчага олам тўё...¹⁰⁵

Саъдийда:

Фарқи шоҳию бандаги барҳост,
Чун қазон навишта омад пеш.

Гар касе хоки мурда бозканад,
Нашиносад тавонгару дарвеш¹⁰⁶.

(Улим вақти етганда, подшоҳ билан қул орасидаги тафовут йўқолади. Агарда кимки ўликнинг қабрини очиб қараса, баринир, унинг бой ёки камбағал эканлигини ажратади.)

Навоийда:

То тириктур шахга қўлпактур гадодни дарди сар,
Чун ўлум вақти етар, тенгдур гадо, гар шоҳдур¹⁰⁷.

Умуман, Навоий илк ижодида ўзига қадар форс-тоҷик ва ўзбек лирикасида ишланган асосий темаларнинг энг мұхим хусусиятларини сақлаб, давом эттириди, ана шу темалар-

¹⁰⁴ Умар Хайём, Рубоийлар, Тошкент, Уззадаблйнашр, 1958, 39-бет.

¹⁰⁵ 564, 116-в.

¹⁰⁶ گلستان سعیدی М., 1959, стр. 102.

¹⁰⁷ 564, 466-в.

ни, ўз даврининг мұхым талабларн заминида, ўзининг ҳаётін тажрибалари билан янада ривожлантирилса да кенгайтирада.

Ғазалнинг асосий тематикасини (ишқ, май) ишлашда Навоий билан унинг салафлари орасыда умумийлик мавжуд. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, ғазал пайдо бўлишиданоқ, унинг асосий темаси мұҳаббат (шунга боғлиқ ҳолда май) бўлган¹⁰⁸. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётидаги ғазалчиликда кўп асрлар мобайнида ана шу темани кўйлашда умумий бир традиция вужудга келган. Навоий ҳам ўзига қадар мавжуд бўлган ана шу традиция изидан боради. Иккинчидан, Навоий ва унинг салафлари, асосан, бир хил тарихий шароитда — феодализм даврида ижод қилдилар. Тарихий шароитнинг умумийлиги тема ва ғояларнинг умумийлигини вужудга келтириши табиийdir. Навоий ҳам, ўзининг салафлари каби, асосан, романтик шоир бўлиб, тарихни ҳаракатлантирувчи куч сифатида яхшиликни ва ёмонликни тушунар эди. Шунинг учун Хайём, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофизларнинг бальзи бир гоя ва фикрлари (лирикада, албатта) Навоий учун (умуман, Навоий даврида) ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Бироқ Навоийнинг ишқий темадаги ғазаллари янги даврнинг (умуман, феодализм бўлса-да) — феодализм гуллаган (XV асрнинг иккинчи ярмидаги Ҳирот назарда тутилади)¹⁰⁹ даврнинг маҳсул бўлиб, ижтимоий-сиёсий фикрларни ўзида қамраб олиши билан унга қадар яратилган ғазаллардан устун туради.

Умуман, юқорида баён қилинган фикрларни шундай хуносалаш мумкин:

1. Навоий ғазалчиликда (умуман, лирикада ҳам) ўзбек ва форс-тожик ёзма адабиётининг ўзига қадар тўплангандек бой традицияларига суюнди, улардан озиқланди. Ана шу традициялар Навоий газалиётининг пайдо бўлиши ва ривожида замин бўлиб хизмат қилди. Бироқ Навоий ғазалчилик традицияларини давом эттирибгина қолмай, балки ғазал жанрини муваффақият билан янги ва юқори босқичга олиб чиқишига интилди ва бунга эришди. У ўз ғазалларининг ўзига қадар яратилган бошқа ғазаллардан асосий фарқини «Бадоеъул-бидоя» девонининг дебочасида шундай кўрсатиб ўтади:

¹⁰⁸ Қаранг: عبد الغنى در عصرهای XV-XV-انکشاف و رودکی میرزا ایف تожیکдавнашр, 1957; А. Ҳайтметов, Навоий лирикаси, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961, 68-ва кейинги бетлар.

¹⁰⁹ Қаранг: Якубовский, Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои. Сб. «Алишер Навои», М.—Л., 1946, стр. 22, 23, 24...

«Яна буким, сойир давовинда расмий газал услубидинким шойиъдуур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасига намойиш ва жамолига оройиш бермайдуурлар. Вагар аҳёнан майлан махсус навъида воқеъ бўлса, ҳамул матлаъ била итмоло хильъатин ва анжом кисватин кийдурмаидуурлар, балки тугагунча агар бир байт мазму иенисоли баҳорида гулоройлик қиласа, яна бири фироқ ҳазонида хорнамойлик қилибдур. Бу сурат доги муносабатдин йироқ ва мулояматдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин саъӣ қилиндинким, ҳар мазмунда матлае воқеъ бўлса, аксар (таъкид менени — Е. И.) андоқ бўлгайким, мақтаъгача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай:

Ҳар ерда баҳор ўлса, чаман бўлса керак,
Ҳар ерда чаман-гулу саман бўлса керак.
Ҳар қайда ҳазон бўлса, тикан бўкли керак,
Ҳар қайда тикан-ранжу миқан бўлса керак.
Зоҳид хуш эрмастур ҳаробот ичра,
Фосиқ не тилар аҳли муножот ичра.
Гурбатки кетиқ бўлубтур, они боре ҳалқ,
Будурки, тушар киши сурук ёт ичра¹¹⁰.

Демак, Навоийнинг аксар газаллари, уларда ҳар бир теманинг тугал ва тадрижий равишида ифодаланиши ва байтларининг мантиқий изчилиги билан унга қадар яратилган (ўзбек ва форс-тожик адабиётидаги) газаллардан фарқ қиласи, ўзбек ғазалчилигининг энг олий нуқтаси ҳисобланади. Бу хусусият Навоийнинг илк лирикасида ёқ кенг томир отган бўлиб, унинг кўпгина ғазаллари ана шундай типдаги шеърлардир¹¹¹.

2. Навоий ғазалчиликда форс-тожик шоирларидан Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийларга, ўзбек шоирларидан эса Лутфийга (Атойи ва Саккокийларнинг ўзбек ғазалчилигини ривожлантиришда ўйнаган ролини ҳам улуғлайди) тан беради, уларни ўзининг қонуний устозлари деб ҳисоблайди. Бунинг энг муҳим сабаби — улар ижодининг ҳаётини ва ҳаличиллигидадир. Навоий форс-тожик ва ўзбек газалчилигининг барча ютуқ ва тажрибаларини ана шу шоирлар ижоди орқали қабул қилиб, ўзига сингдиради. Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийларнинг ҳар бири Навоийга ўз ижодининг ўзига

¹¹⁰ «Фавойидул-кибар», 469-бет.

¹¹¹ Саъдий, Ҳофиз, Жомий ғазаллари орасида ҳам шу типдаги айрим шеърлар учрайди. Бироқ бу хусусият улар ижоди учун типик ҳол эмас. Шунинг учун ҳам Навоий мазкур лебочада уларни тилга олмаган.

хос айрим томони билан ўрнак бўлган. Ҳофиздаги ринд образи, Ҳўёрав Деҳлавийдаги лирик самимият ва ширин тиллиник ва Жомийдаги фалсафиј руҳ Навоийга кўпроқ таъсир этган.

3. Навоий ўзбек дунёвий лирикасининг тажрибаларини Атоиї, Саккокий ва, хусусан, Лутфий ижоди орқали қабул қилиди. Лутфий ижоди ўзининг қўйндаги томонлари: ўзбек тилида бадиий асарлар яратиш, она тилининг мавқен ва тараққиёти учун кураш; ўзбек дунёвий лирикасини ривожлантириш, уни янги босқичга олиб чиқиш учун интилиш; лириканинг халқчиллиги учун кураш: лирика тилини халқ жонли тилига яқинлаштириш, бадиий тасвир воситаларининг содда ва табиийлигига эришиш, услубининг енгил ва равонлиги учун кураш; лирикага (хусусан, ғазалга) ижтимоий ҳаёт масалаларини олиб кириш ва бошқаларни билан Навоийга ўрнак бўлди.

4. Навоийнинг лирик традицияларга муносабати Навоий илк ижодининг турли босқичида турлича шактда намоён бўлади: дастлабки босқичда Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийларга татабобу ўқилган. Сўнгра ўзининг мустақил ижодида уларнинг шеърларидағи баъзи бир формалар, образлардан (кент маънода) фойдаланган; улар билан мусобақалашган.

5. Навоий илк лирикасиминг тематик шаклланиши ва ривожида, асосий воқелик билан бирга, лирик традициялар ҳам катта роль ўйнади. Хусусан, ишқ, май темаларини ишлашда Навоий ўз салафлари Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий, Атоиї, Саккокий ва Лутфийлар изидан боради. Бироқ ғазалнинг асосини ташкил этган муҳаббат темасининг имкониятларн ва мазмунини анча кенгайтириди. Ана шу тема воситаси билан у ғазалга ижтимоий масалаларни кент миқёсда олиб киришга интилди. Илк давр лирикасида ҳижрон мотивлари кучли бўлиб, замондан, даврдан шикоят даражасига кўтарилиган.

6. Навоий илк шеърларининг унинг салафлари ғазалларидан фарқ қиласидан энг муҳим ҳусусиятларидан бири шундаки, буларнинг аксариятида авторнинг ўз шахсияти акс этган; лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи бўлиб, у ўз ҳаётининг турли давридаги турлича кайфияти ҳамда воқеликка бўлган муносабатини ифодалаган. Албатта, буларнинг барчаи бадиий умумлашма даражасига кўтарила олган.

Шоирнинг шахсияти қанчалик кучли ва ёрқин акс этса, унинг асарлари шунчалик оригинал бўлади. Бу ҳақда В. Г. Белинский шундай ёзган эди: «Шоир ижодий фаолия-

тининг манбаи унинг шахсида ифодаланган руҳидадир. Бинобарин, шоир руҳининг ва уннинг асарлари характерининг дастлабки изоҳини уннинг шахсидан қидирмоқ лозим... шеър ёзувчи ҳар қандай киши ҳам ўз шахсини ифодалай бермайди: бунга фақат шоир бўлниб тугилган кишигина қодирдир. Шунинг учун ҳам, «шоирнинг шахсияти қанчалик чуқур ва кучли бўлса, у шу қадар чинакам шонрди»¹¹².

Навоийнинг илк газалларида авторнинг шахси қай даражада намоён бўлганлигини уннинг шеърларинн таҳлил қилганда очиқроқ кўрамиз.

¹¹² В. Г. Белинский, Собр. соч. в трех томах, т. III, М., 1948, стр. 374.

II БОБ

1-б ўзим

НАВОИЙ ИЛК ЛИРИКАСИННИГ АСОСИЙ МОТИВЛАРИ

Биз бундан олдинги бобда Навоий илк лирикасиннинг тематик шаклланишида традициянинг катта роль ўйнаганлигини айтиб ўтган эдик. Бу Навоийнинг илк шеърлари билан унинг салафлари асарлари ўртасида тематик яқинлик, ўхшашлик бор демакдир. Бироқ бир хил темада жуда кўп киши ишлаши мумкин ва уларнинг ҳар бири ана шу темани, ўзининг дунёқараши, гоявий позициясига боғлиқ ҳолда, ўзига хос ҳал этиши мумкин. Уларнинг асарларини бир-биридан фарқ қиласидиган ва оригиналлигини кўрсатадиган асосий белгига гоявий ва бадиий хусусиятлардир. Шунингдек, айрим бир ёзувчи ўз ижодининг турли этапларида, турмуш тажрибасининг ортишин, дунёқарашининг ўсиши, ўзгариши натижасида, маълум бир темага турли нуқтаи назардан қараб, уни ҳар хил ҳал этиши, талқин этиши мумкин. Бу, албатта, ёзувчинга ижодий эволюцияси билан боғлиқ масаладир.

Шуни айтиш керакки, бирор санъаткорнинг ижодий эволюциясни кузатиш ана шу санъаткор ижодиниг ҳамма босқичларини тадрижий равишда синчилаб ўрганиш, уларнинг энг муҳим ва етакчи хусусиятларини аниқлаш ва қиёслашни тақозо қиласи. Шу жиҳатдан Навоий илк лирикасиннинг энг муҳим гоявий ва бадиий хусусиятларини аниқлаш Навоий лирикасини ва, умуман, Навоийнинг ижодий эволюциясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Навоийнинг илк шеърлари жанр хусусиятлари жиҳатидан унчалик бой эмас. Унинг асосий қисмини ғазал ташкил қиласи (41 рубоий, 1 муҳаммас, 1 мустазод). Маълумки, ғазалнинг асосий мавзуларидан бири ишқдир. Ғазал пайдо бўлгандан тортиб Навоийга қадар (кейин ҳам) ишқ темаси ғазалнинг мундарижасини ташкил қилиб, бошқа ҳар қандай мотивлар ана шу темага боғлиқ ҳолда ифодаланган. Шунинг учун ҳам, табиий равишда, Навоий илк шеърларининг асосий қисмини ишқий ғазаллар ташкил этади.

Навоий ёшлигиданоқ ишқ масаласига объектив фалсафий

категория сифатида қарайды, уннинг энг мұхим хусусиятларни күрсатып шартлады. Навоийча, ишқ — инсондаги барча хусусияттарни тарбиялайдыган, уларни тоблаб, интижосиға етказадыган «мураббий»:

Ишқ әрүр андоқ мураббийким. қалтур етгач асар.
Булбұл үлғай, очсө юз бир сарви гултрухсор, сор¹.

Шоир «ишқ» радифли шеърида ишқнинг турли хусусиятларига тұхталиб, шундай холоса чиқарады:

Хажру дерду сабрсанылғ қелдилар қоти¹ бары,
Лек бу фан ичра бордур борчага үстед ишқ².

Шуни айтиш керакки, «ишқ»нинг радиф бүлиб келишиң шоирнинг асосий дикқати ана шу масалага қаратылғанлығини, унга катта ургу берғанлығини күрсатыб турибди.

Навоий (илк ижоди назарда тутилады) ишқнинг таъсир күчига юқори баҳо беради. Инсондаги энг олий фазилаттар — ишқ ва ақл (хирад) бир-бириңа қарама-қарши қўйилади. Бу билан у ишқнинг қуввати, таъсиринга ҳеч нарса тенг кела олмайды, деган тезисни олға суради:

Ақлким барча хирад аҳлиға әрди үстед,
Бүлди ишқ абжади таълимидә тиғли мактаб³.

Эй Навоий, ишқ аро ком истасанг, девона бўл.
Бу шарафни тоимагунг, ҳамроҳнинг үлса то хирад⁴.

Оқибатда шоир қўйидагидек содда ифодаланган, бироқ чукур ва объектив холосага келади:

Бўлмайин бегона бру ошиодан чора йўқ,
Хоҳ бўл бегонага, хоҳ ошиога мубтало⁵.

Навоийнинг ишқий газалларни орасида, реал инсоний сезги ва ҳис-түйғулар акс эттирилган шеърлар билан бирга, тасаввух руҳидаги символик газаллар ҳам учрайди. Ана шундай руҳдаги шеърларни шоирнинг дунёвий руҳдаги газалларидан фарқлаш ва ана шу икки группага доир шеърларнинг саломогини белгиламоқ лозим. Бусиз шоир ижодига объектив баҳо бериш мумкин эмас. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи ҳам «Бадоеъул-бидоя» девонининг дебочасида шундай ёзади: «Яна бир буқим, гўйиё эл ашъор таҳсилидин ва давовин тақмилидин гараз мажозий ҳусн ва тавсифи ва мақсуди зоҳири хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурлар.

¹ 564, 486-в.

² 564, 71а-в.

³ 564, 32а-в.

⁴ 564, 436-в.

⁵ 564, 12а-в.

Девон топилгайким, анда маърифатомез бир ғазал топилмайким, анда мавъизатангез бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ усру беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилғон бўлғай. Ул жиҳатдан бу девонда ҳамд ва наът ва ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангез газалдинким, истимон маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға мужиби мушаввашиқ бўлғай, бирор -иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртикоб қилиндиким, аларнинг ламъян руҳсори иффат бурқаъидин кўп ташқари ломиъ бўлмағай, то буларниң вужуди хирмани ул барқ эҳрокидин билкул зоеъ бўлмағай, йўқким, бу ғазаллар ғазолалари жилвагартик соз, балки пардадарлик оғоз қилсалар, бу байтлар насиҳатсоз вонзалири ва мавъизапардоз носиҳлари монеъ бўлғайлар»⁶.

Демак, Навоий девонларида реал ишқ тавсифидан ташқарӣ, тасаввуф руҳидаги символик шеърлар ҳам бор. Бироқ бундай шеърларни автор ўз даврининг девон тузиси традициялари изидан бориб ёзган. Иккитаидан, ана шу руҳидаги шеърлар кўп эмас, балки девонга киритилган ғазалларнинг озчилигини («бирор-иккирор») ташкил этади.

Академик Ойбек «Навоий ғазалиёти» номли мақоласида шундай ёзди: «XV асрда Эрон ва турк ҳалқлари адабиётидаги тасаввуф шу қадар маҳкам ўринашган, ҳокум синиф идеологиясининг айрилмас бир узви бўлиб қолган эдиким, ўз давридаги илмларнинг ҳаммасини яхши эгаллаган, маданият ва санъатни ўстиришда тиришган, амалий чоралар кўрган буюк мутафаккир шоир Навоий ҳам ўз ижодиётидаги ўндан қутула олган эмас»⁷.

Навоий илк ижди даврида ўз даврининг традицияларидан билан боғланганлиги шубҳасиз, шунинг учун ҳам унинг илк девонида тасаввуф руҳидаги шеърларни учратамиз. Мазкур девон қуидаги ғазал билан бошланади:

Илоҳо, подиҳоҳо, кирдикоро,
Санга очуғ инҷону ошқоро...⁸

Умуман, девоннинг бош қисмida ҳамд ва наът формасидаги бир неча газал жойлаштирилган.

Сўфиёна шеърлар девоннинг бошқа ўринларида ҳам учрайди, бироқ ҳамма ерда эмас. Ҳар бир ҳарфга мансуб шеърларнинг дастлабки бир-икки ғазали ана шундай шеърлардан иборат. Навоий кейинча ўзи тузган девонларида ҳам ўз даврида мавжуд бўлган ана шу традицияга қаттиқ амал

⁶ «Фавойидул-кибар», 769-бет.

⁷ Ойбек, Навоий ғазалиёти. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, № 5, 25-бет.

⁸ 564, 16-в.

қылганлигини «Бадоеъул-бидоя» девонининг дебочасида эътироф этади:

«Муқаррардурким, ҳар амрда бир лаҳза ҳақ субҳонаҳува таоло ҳамдинин ё расулалайҳиссалом наътидин, ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин ғофил бўлмоғлиқ ноғодурр. Агар ҳар лаҳза бу саодат мусассар бўлмаса, ҳар муттаийян амр ифтитоҳида не навъ тағоғил ва такосил раво кўрилғай... Бу навъ хаёл хотирга келган учун ҳам ҳарф ғазалиётининг аввалғи газалин ё тенгри таоло ҳамди била мувашшаҳ ё расулалайҳиссалом наъти била муфаттаҳ ё бир маъвиза билаким, бу икки иштин бирига дол бўлгай, муваззах қилниди»⁹.

Сўфиёна шеърлар дунёвий руҳдаги ғазаллардан ўз мазмуни — мундарижаси билангина эмас, балки формаси — бадиний воситалари, маҳсус терминлари ҳамда услуги билан ҳам ажралиб туради. «Поэтик ижодга мавзузъ бўлган тасаввуф натижасида поэзияда маълум мистик маънони мистик кечинмаларни ифодаловчи рамзлар, ишоралар, таъбирлар системаси яратилиди. Поэзия умуман символик характер касб этади. Сўфий поэзиясида ифода воситалари — ўхшатишлар, истиоралар, мажозлар ортиқ ишланган, шаклга кирган бўлиб, улар белгили сўфиий тушунчаларини ифода қилиши керак»¹⁰.

Навоий илк девонидан келтирилган қўйидаги ғазаллар юқоридаги фикрнинг тасдиқи бўла олади:

Равшандурурки, меҳр юзунидин олур сафо,
Пўқса, не вожҳ ила қамар ондин топар зиё.
Еарқи мухити ишқинг эди жон ила кўнгул,
Ул ламки руҳ эмас эди тан бирла ошно.
Гулда юзунг латофатиди: раиг кўрмаса,
Бўлбулга не эди бу фигон бирла бу наво.
Бир зарра оғзи рамзини ҳар кимки онглади,
Гўли адам тарқидуро зоди роҳ фано.
Ул зиннадади ҳаётি абад васлндин топар,
Ким неши гамни нўш деру дард бедаво.
Ломеки васл аёғига ётмиштур иттисол,
Ул ломдурурки, ўртага олмиш они бало.
Ўздин қутул, Навоию мақсадга етки, қуш
Етмас чаманга, бўлса қафас ичра мубтало¹¹.

Навоийнинг ёшлиқда сўфизмниг бирор мазҳабини расмий равишда қабул қилганлиги аниқ эмас. Бироқ ўз дав-

⁹ «Фавойидул-кибар», 768—769-бетлар.

¹⁰ Ой беқ, Навоий ғазалиётин. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, № 5, 19-бет.

¹¹ 564, 46-в.

юининг фарзандп бўлган ва ёшлигиданоқ ўша даврнинг тарбиясини олган ёш шоир — Навоий ўз даври традициялари изидан бориб, сўфиёна шеърлар ижод қиласланлиги шубҳасиз. Бу фикрнинг пеботи шундан иборагки, биринчидан, сўфийлик характеристидаги шеърлар, асосан, девоннинг бош қисмida ҳамда кўпинча ҳар бир ҳарфдаги газалларнинг бошланишида мавжуд (бу, албатта, девон тузиш традицияларидан келиб чиқади, гарчи девонни бошқа кишилар тузган бўлса-да). Шунингдек, сўфиёна шеърларнинг барчаси ўзига хос традицион услубда ёзилган бўлиб, уларпинг мураккаб символик характеристи ёш шоирнинг бу соҳада тайёр традиция пиздан борганлигини исботлайди. Бироқ бу, Навоий ёшлигига сўфизмга мойиллик кўрсатмаган, ундан узоқтурган деган хуносага олиб келмайди. Чунки Навоий ёшлигиданоқ, дунёвий руҳдаги асарлар билан бир қаторда, мистик шэирларнинг асарларини ҳам кўплаб ўқиган, ҳатто уларнинг кўпчилигини ёлдан билган (Атторнинг «Мантиқуттайр»и). Шунингдек, ўша давр мактабларпдаги ўқитиш системасида ҳам диний асарлар катта ўрин тутган.

Ёш Навоий дунёқарашига ана шу муҳитнинг таъсири бўлганлиги шубҳасиз. Бу эса унинг илк шеърларида анча тўлиқ акс этган. Навоийнинг илк шеърларига асосланиб, унинг дунёқарашидаги (илк даврдаги) етакчи хусусиятлар ҳамда унинг сўфизмга муносабати (гарчи бу даврда у бирор мазҳабни расмий қабул қиласланмаган бўлса-да) ҳақида баъзи бир хуносаларни чиқаришимиз мумкин.

Професор Е. Э. Бертельс ўзининг «Навоий» монографиясида Нақшбандийлик мазҳаби XV асрнинг II ярмида қандай характерда бўлганлиги ҳақида анча батафсил фикр юритган. Унинг кўрсатишича, бу мазҳаб кўпроқ практик характерда бўлиб, пайғамбар (Мұхаммад)нинг даъватларига қаттиқ риоя қиласланади, унинг асосий йўл-йўрнқларини турмушга татбиқ этишини ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Нақшбандийлар пайғамбарнинг ҳаётини ўзлари учун намуна деб биладилар ва унга амал қилишга ҳаракат қилиб, ўз эътиқодлари асосига фақр (ўз хоҳиши билан камбағал, фақир бўлиб яшаш)ни қўядилар. Бу, ишламай, бирорлар ҳисобига яшаш дегани эмас, балки ҳар ким ўз қўл кучи билан топган нарсаси ҳисобигагина яшashi керак, деган маънони билдиради.

Ана шу мазҳабга мансуб кишинлар ўзларининг бир парча ерларига бугдой, мош сингари нарсалар экиб, шунинг орқасида тирикчилик қиласланади. Уларнинг уй шароитларни ҳам ҳар қандай жиҳозлардан холи, оддий бўлган ва ҳеч қандай хизматкор тутмаганлар. Умуман, нақшбандийлик мазҳабп

дарвишлардан жамиятда ажралыш, яккаликка берилешни талғаң қылмаган.

Үнингча, дарвиш «жамиятга аралашиши, ватан ҳақида қайғуриши, зоғирда кишилар билан, ботинан худо билан бұлниши керак». Яъни киши, жамиятдан ажралмаган ҳсіла, шундай яшаши керакки, гүё у ҳар донм худо билан бирга турғандай бўлсин, ўз ватанида ўзини мусоғир ва муваққат келгинди деб ҳисобласин. Кишининг бош вазифаси бироннинг мозорига бориб, яккаликда ётиш эмас, балки ўз яқинларига хизмат қилишдир. Бу эса нақшбандийликнинг бошқа фанатик мазҳаблардан тубдан фарқ қилишини кўрсатади¹².

Навоий даврида нақшбандийлик мазҳабининг энг буюк вакилларидан бирин Абдураҳмон Жомий бўлган. Навоий 1476—1477 йилларда расмий равишда Жомийни ўзига пир деб, унга қўл беради.

Албатта, бу ҳодиса биз текшираётган илк девон кўчирилгандан (1465—66 йилда кўчиргалган) ўн йилча вақт ўтгач воқе бўлган.

Бироқ шунни айтиш керакки, Навоий Жомийнинг қарашлари, у мансуб бўлган мазҳаб билан танишиб: унга ўша заҳоти қўл берган эмас, албатта. Чунки бу ёзувчининг дунё-қарashi билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, унинг узоқ вақтлар давомида олиб борган кузатиши ҳамда турли оқим ва мазҳабларни атрофтика ўрганиб, улар борасида қилган мuloҳазаларининг бевосита якуни — хулосасидир.

Навоий, гарчи Жомий билан танишиб¹³, унга кейинроқ қўл берган бўлса-да, бироқ у ёшлиқданоқ ўз даврининг буюк сиймоси бўлмиш Жомий асарлари билан, шунингдек, нақшбандийликнинг асосий хусусиятлари билан таниш бўлан ва таниша борган. Унинг 1476—77 йилларда Жомийга қўл бериши эса ёш Алишер эътиқодидаги узоқ эволюциянинг расмий натижасидир.

Илк девон шеърлари орасидаги айрим деталлар, ҳатто, айрим тўлиқ газаллар Навоийнинг илк ижодига нақшбандийликнинг таъсири анча сезиларли бўлганлигини ҳамда шу даврда ёш шоирнинг ана шу мазҳабга мойиллиги анча қучли эканлигини кўрсатади. Қўйидаги фазал ана шу руҳда ёзилган бўлиб, биз унинг айрим байтларини келтирамиз:

¹² Е. Э. Бертельс, Навои. Опыт творческой биографии, М.—Л., 1948, стр. 142—144.

¹³ Навоийнинг Жомий билан биринчи марта қачон учрашганлиги помаълум. Проф. Е. Э. Бертельс Навоий ва Жомийнинг биринчи учрашиб, танишгани 1469 йилдан кейин, яъни Навоий Самарқанддан Ҳиротга келгач содир бўлган, деб тахмин қилади. Қараанг: Е. Э. Бертельс. Навои, стр. 148.

Ҳар гадоким, бурён фақр эрур кисват анго,
Салтанат зарбағтидин ҳожат әмас хилъат анго...

Шаҳ юриб олам очар, дарвеш оламдин қочар.
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не инсабат анго.
Ҳар не шаҳ мақсудидур, дарвешиниг мардудидур.
Қўр: не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анго.
Фақр қўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир.
Мулк курким, тенг әмас туфроғ ила қиймат анго.
Шаҳ синоҳ чекса, фақир аҳволига етмас футур.
Бу валие чеккач нафас, барбод Ҳтур ҳашмат анго...
Шоҳга шоҳлиг мусаллемдур, агар бўлгай мудом,
Шоҳлиг таркип қилиб, дарвеш улур инят анго.
Мумкин эрмас шоҳлар ичра бўйла инятлиг магар
Шоҳ гозиким, мусассар бўлди бу давлат анго.
Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики бор
Шоҳлиғ сурат анго, дарвешлик сийрат анго.
То шаҳу дарвеш бўлгай, айлаги, ё раб, аён
Шоҳдин хизмат мунга, дарвешдин ҳиммат анго...¹⁴

Бу ғазалниң ҳар бир байти ёш Навоийниң нақшбандийлик мазҳабининг (ўз давридаги, албатта) моҳиятини тушуниб етганлиги ва ўзи ҳам ана шу позицияда турлиб, унинг муҳим ғояларини шеърий йўл билан тарғиб ва ташвиқ қилганлигини яққол кўрсатиб турди.

Умуман, Навоий илк ижоди даврида (25 ёшга қадар) нақшбандийликнинг етакчи хусусиятлари билан танишиб, унга эътиқод қўйган. Навоийниң нақшбандийлик позициясини маълум даражада қабул қилганлиги унинг илк лприкасида қисқа, бироқ анча ёрқин акс этган.

Проф. А. Кримскийниң кўрсатишича, «гарб-ислом оламида «тасаввуф» сўзин остида мистицизм, шарқ-ислом оламида эса пантенестик плоҳиёт кўзда тутилади»¹⁵.

Шунинг учун Навоий дунёқарашида (илк даврда, албатта) сўфизмниң қайси томонлари асосий ўрин тутганлигини қисқача бўлса-да, ёритишга тўғри келади.

Биз юқорида Навоийниң илк шеърларида нақшбандийликнинг таъсири ва унга мойиллик мавжудлигини маълум даражада кўрсатиб ўтдик. «XV асрда темурнийлар давлатларида кенг ёйилган нақшбандия ва ҳуруфия оқимлари пантенестик қарашларга эга эдилар. Буларнинг ақидасига кўра, коинот яралмасдан илгари бор бўлган азалий вужуд-мутлақ (тангри) дир. Бу олам унинг жилвасидан пайдо бўлди (тажалли ёки эманация назарияси). Бутун ашъё ва маҳлуқлар ва шу жумладан инсонлар вужуди мутлақнинг тимсолидир. Аммо худо

¹⁴ 564. 2б, За-в.

¹⁵ Бу цитата М. Шайхзоданинг юқорида зикр этилган ишидан олинди. «Улуғ ўзбек шоири», 147-бет.

инсонни энг мүкаммал ўлароқ ва ўзига ўхшатиб яратгани учун у «ашрафул махлуқот» (яъни махлуқтарнинг энг ша-рафлиси) дир¹⁶. Илк девондаги шеърлар орасида ёш шоир-нинг пантеистик қарашларини акс эттирган байтлар анчагина учрайди. Мана бу байтларда шоир дунё ва ундаги сон-саноқ-сиз ҳамда турли-туман сифатга эга бўлган мавжудотниш пай до бўлишини тангрига боғлайди ва буларнинг барчаси ана шу вужуди мутлақнинг турли формада жилваланиши деб қарайдики, бу тажалли назариясининг айнан ўзидир:

...Асли бир зот келип чунки маротибга ўтуб.
Бениҳоят бўлуб ижеду сифат ичра адад.
Бирдурур асли адад, кимки ҳақиқатбидур.
Гар гдад, юз туман ўлса, тузатур бирга санад.
Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни билай,
Кулхуолтоҳу аҳад, сўнградур олтоҳу самад¹⁷.

Ёш Навоийча (умуман, пантеистларча), оламда ягона гў-заллик мавжуд. У ҳам бўлса вужуди мутлақ-тангрнди. Оламдаги барча гўзалликлар ана шу вужуднинг турли мавжудотлар сифатида кўриниши, жилва қилишиди. Жаҳонни ёритувчи Күёшнинг нурни ҳам, чамандаги гулларнинг латофати ҳам, инсон гўзалликлари ҳам ундан—вужуди мутлақдандур. Демак, гарчи илоҳийлашган бўлса-да, табиатни, борлиқни, демак, инсонни севини, ундан лаззатланиш мумкин. Бу эса Навоий пантеизмига оптимистик тус беради:

Равшандурурки меҳр, юзунгдин олур сафо,
Ийӯса не важҳ ила қамар ондин топар эйё...
Гулда юзунг латофатидни рагиге кўрмаса,
Булбулга не эди бу фигон бирла бу наво¹⁸.

Бироқ Навоий пантеизмидаги (илк даврда) мистик сўфизмнинг кўрннишлари ҳам мавжуд—у баъзи бир байтларида ёр васлига (бу ерда оллоҳ назарда тутилади) етишиш учун ўзлукдан қутулиб, фано (йўқлик) касб этиш лозим, ҳақиқий ва абадий ҳаёт ана шудир, деган фикрларни ҳам баён қилади:

...Ул зиндалил ҳаётни абад васлидин топар.
Ким неши ғамири нўш деру дардни даво...
Ўздин қутул, Навою мақсадга етки, қуш
Етмас чаманга, бўлса қафас ичра мубтало¹⁹.

Яна:

Эй Навоий, бергил ўзлук нақдину касб эт фано,
Ким алар суд айладнларким, бу савдо қилдилар²⁰.

¹⁶ М. Шайхзода, Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида, «Улуг ўзбек шоири», 147—148 -бетлар.

¹⁷ 564, 42а-в.

¹⁸ 564, 46-в.

¹⁹ 564, 46-в.

²⁰ 564, 46а-в.

Бироқ бу хилдаги байтлар ниҳоятда озчиликин ташкыл қилиб, традиция изидан борпб ёзилған ғазаллар таркибида учрайди.

Бу, албатта, ёш Навоий дунёқараши ва шжодига Аттор ва Румий каби файласуфлар ижоди ўтказган таъсирниң маълум пизларидир.

Навоий ана шу таъсирдан бу даврда (1465—66 йилларга қадар) тұлық қутула олган, деб айтиш нотүри бўлур эди. Лекин шуни айтиш керакки, Навоий илк ижоди даврида ёк пантейстик позицияда турган бўлиб, унинг илк шеърларида Навоий ижоди учун хос бўлган оптимистик пантейзмниң контурлари маълум даражада кўришиб қолган эди.

Бироқ Навоий илк лирикасининг муҳим хусусияти шундаки, ёш шоир ижоди ва дунёқарашининг асосий томонларини акс эттирувчи дунёвий шеърлар орасида сўфиёна шеърлар жуда озчиликтин ташкил этади. Илк девондаги ишқий шеърларнинг асосий қисми дунёвий руҳда бўлиб, уларда инсонга хос бўлган реал кечинмалар ва хусусиятлар акс этган.

Навоий дунёвий ишқ куйланган илк шеърларида севги масалаларига жиддий ёндашади, унга чуқур фалсафий мазмун бериб, ишқни объектив категория сифатида талқин этади. Шунинг учун у, ишқда шоҳу гадо баравар дейди.

Бу тезис чуқур фалсафий мазмунга эга. Чунки у ишқни инсоннинг табиий ва олий хусусияти деб билади, ишқни сунъий вужудга келтириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам у шоҳ билан гадони фарқ қиласиди. Бу фикр Навоийнинг юксак гуманизмидан келиб чиқади. У инсоний фазилатларни ҳамма нарсадан юқори қўяди. Шунингдек, автор ўз замонасидаги ҳукмрон гуруҳларнинг хотин-қизларга бўлган муносабатига усталик билан киноя қилиб ўтади.

Ишқ дайрида гадодур шоҳлар,
Киргали бизга не ёр густоҳ^{21—22}

Бу фикр унинг «Хамса»сида тантанали равишда эълон қилинган «Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш» деган тезисининг дастлабки асосидир. Бу Навоий ёшлигига ёк ишқ масаласига баҳо беришда қанчалик мустаҳкам позицияда турганлигини кўрсатади.

Навоийнинг лирик қаҳрамони — ошиқ юксак инсоний фазилатларга эга бўлган олижаноб шахс сифатида гавдаланади. Вафодорлик, соф қалблилик — унинг энг муҳим фазилатларидан бири. У ана шу фазилатларни ўзининг энг зарурий хусусияти деб билади. Унингча, ошиқнинг тили билан дили бир

^{21—22} 564, 386-в.

бўлиши керак. У жисмоний ва маънавиий гўзаллик гармониясини куйлади:

Соф қил хотирки, солғай икс у.: юз, яхшиким
Кургузур юзни, қачонким равшан ўлди кўзгу, хўб.
Эй кунгул, борсам ул ой паззораснга, зиндор
Ашк бирла қўзларингдин гайрининг нақшин ю хўб²³.

Навоий ўзининг бу фикрини қариб ўттиз йилдан кейин ёзилган «Хамса»нинг «Ҳайратул аброр» достонида яхлит ва ихчам формада қуидагича ифодалайди:

Ошиқ син билки, эрур дарднок.
Ҳам тилу, ҳам кўнглию, ҳам кузн пок²⁴.

Мухими шучдаки, Навоий бундан беш юз йил муқаддам улуг рўс ёзувчиси Чсхознинг «Қишида ҳамма нарса гўзал бўлиши керак: қоли ҳам, қийим-кечаги ҳам, қалби ҳам, фикрлари ҳам» деган фикрига айнан ҳамоҳанг бўлган фикри давдиллик билан баён қилиган. Иккى ҳалқнинг бу икки санъаткорини бир-биридан тўрт асрга яқин узоқ давр ажратиб турсада, уларнинг эстетик қарашлари мана шу нуқтада бир-бирига жуда яқин келади.

Ошиқ—шоир фақат бир кишини севиш ва у билан бoggанини тарафлори. Бу билан у ислом динининг айрим томонларига зиддан қарши туради. Чунки ислом кўп хотинлиликини расман ҳимоя қиласди. XV асрда (умуман, феодал жамиятида) феодал ҳукмдорлар, исломнинг ана шу соҳага доир қоидаларига суянган ҳолда, кўплаб хотин олар, хотин-қизларнинг ҳақ-хукуқини, уларнинг пок инсоний фазилатларини оёқ ости қиласди. Ана шундай шароитда ёш шоирнинг севги ва якка никоҳни тарғиб этиши, шубҳасиз, прогрессив ҳодиса ҳисобланади. У ошиқдан ўз севгилисига (фақат ўз севгилисига) пок, холис муносабатда бўлишнигина эмас, балки севгида ҳар икки томоннинг (oshiq ва маъшуқаннинг) ҳам садоқатини талаб этади. У шундай ёзади:

Ё раб, ул ой ҳуснин эл фаҳмиға номафҳум қил,
Буйла мавжуд этмасанг ул, мени маъдум қил.
Барча юздин, уйлаким, қўзумни маҳрум айладнинг,
Барча кўзни ул париваш юзидин маҳрум қил.
Бўлса ишқимда қусуре, кўнглини мэндин совут,
Ишқим ар пок ўлса, тошдек кўнглин онинг мум қил...
То кузум күтлуг юзидин ўзга сори тушмади,
Ҳар не кўз кўргай, менинг баҳтимга они шум қил.
То тирикмэн ишқи ҳарфидур ичимда, эй рафиқ,
Ўлсам, они-ўқ мазорим бошида марҳум қил..²⁵

²³ 564, 236-в.

²⁴ А. Нөвай, Ҳамса, Ташкент, 1940, 48-бет.

²⁵ 564, 906-в.

Навоийнинг бу фикри унинг бутун ижоди даврида ўзгармайди. Масалан, шоирнинг кейинчалик ёзган қуйидаги ғазали фикримизнинг муносиб далили бўла олади:

Кўнглум ўртансун, агар гайринингга парво айласа,
Ҳар кўнгут ҳамким, сенинг шавқнингни пайдо айласа²⁶.

Шунингдек, Навоийнинг бутун лирик асарлари бўйлаб қизил ипдек ўтган ана шу олижаноб фикр «Хамса»да Ширин тилидан қуйидагича мағурур ва самимий жаранглайди:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур²⁷.

Улуғ ҳинд классиги Рабинранат Тагорнинг «Ҳалокат» романидаги шундай сатрлар мавжуд: «Фақат муҳаббатгина нуқсон, хато ва ғалат товушлардан қувонч топа олади»²⁸. Чиндан ҳам, ҳақиқий ошиқ учун ўз севгилисининг ҳар бир ҳаракати, қилифи, ҳаттоқи нуқсони ҳам гўзал ва ёқимли туюлади, унга қувонч бағишлиади. Бу фикр севги қиссасини озгина бўлса-да, ўз бошндан кечирган ҳар бир инсон учун аксиомадир. Шу жиҳатдан, Навоийнинг ёшлигига ёзган қуйидаги байтлари ўзининг табиий ва самимиyllиги билан ишқий фалсафанинг ўзгармас формуласи бўла олади:

Толиб эрсанг қатлима, жоно, санга жоним фпдо,
Не санга матлуброқ, улдур манга матлуброқ...²⁹

Токи севдим сени, жаврингни доги севмишмен,
Ҳар не маҳбуб қилур, бордуур үл ҳам маҳбуб³⁰.

Энди Навоийнинг қуйидаги байтига назар ташлайлик:

Гар ўлса аҳли муҳаббат Навоий, эй ҳамдам,
Вафо керак аяга, қилгон соёни жафо маҳбуб³¹.

Ошиқ—шоир севгилининг ҳар бир зулмини қабул қилишга тайёр; унинг жабрларига ўз вафо ва садоқати билан жавоб беришни ўйлайди. Бошқача қилиб айтганда, бу байтда ошиқ—шоир Шарқнинг ишқий лирикасида традиция бўлган «ёр жафо қилса ҳам, сен вафо қил; унинг ҳар қандай ҳақорат ва зулмларини миннатдорлик билан қабул қил» деган фикрнинг тарғиботчиси бўлиб майдонга чиқсан. Бу ерда ёш шоирнинг традиция изидан боргандилиги равшан. Бироқ Навоий шу давр лирикасидаётк ана шу масалага бошқачароқ ёндашади: ёрнинг

²⁶ «Фаройибус-сигар», 43-бет.

²⁷ «Хамса», 153-бет.

²⁸ Р. Тагор, Ҳалокат, Тошкент, Ўззадабийнашр, 1958, 58-бет.

²⁹ 564, 726-в.

³⁰ 564, 31а-в.

³¹ 564, 332-в.

жабр-зулмп ҳам маълум чегара доирасида бўлиши керак. Поклик, вафо масаласида эса маъшуқа ҳам ошиқ билан барабар масъулията эга. Бу эса Навоий ишқий лирикасининг новаторлик белгиларидан бири бўлиб, унинг ҳаётний ва табиий-лигини белгилайди:

Бир гул ғамидин қўйяй дедим бағрима дод,
Бергайму дебон атри думогимга фароғ.
Баргин чу мулаввас айлади бүм ила зог.
Эмди они исламоққа юз хайф думоғ³².

Бу рубоининг энг муҳим томони шундаки, бунда лирик қаҳрамон фақат самимий ва оташин ошиқ сифатидагина эмас, шунингдек, ёмон ва ифлос хусусиятлардан жирканувчи жонли, табиий инсон сифатида гавдаланади. Демак, ошиқ—шоир фақат қаттиқ севнбгина қолмай, шу билан бирга, қаттиқ нафратлана олади ҳам. Ҳақиқатан, ҳақиқий табиий севги ўткир нафратни ҳам тақозо қиласи. Нафрат ва рашк — олижаноб инсоний севгининг доимий йўлдоши. Навоий илк ишқий шеърларининг муҳим фазилатларидан бири ҳам ана шунда.

Навоий ишқий шеърларининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, буларнинг баъзиларида севги, тор доирадан чиқиб, кенг маъно касб этади; лирик қаҳрамоннинг фақат севгилисигагина эмас, балки умуман ҳаётга бўлган муҳаббатини ифодалайди. Шунингдек, «ёр» ҳам кенг маънода ишлатилади.

Масалан:

Гул керакмастур манга мажлисда саҳбо бўлмаса,
Найлайн саҳбони, бир гул мажлисоро бўлмаса.
Базм аро хуштур қадаҳ-кавкаб vale эрмас тамом,
Мутриби күш лаъжою хуршид сиймо бўлмаса.
Меҳру, моҳу, муштарию Зуҳра чун қилди тулуъ,
Хеч нахс ахтар тулуъни анда қатъо бўлмаса,
Мунча бўлса ҳам мұяссар, жамъ эмас хотир ҳануз,
Токи муғ куйида бир маҳфуз маво бўлмаса.
Чун бу ерда ичкаридин рост bogланди эшик,
Одам эрмас ул кишиким, бода паймо бўлмаса.
Хуштурур бу навъ амиият vale окшомгача
Гар фалакдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса.
Хар кишига умрида бу навъ бир кун берса даст,
То абад, ғам йўқ, агар бўлса яна ё бўлмаса.
Умр базмида нишот асбоби дилкашдур, басе,
Гар ҳаводис шахнасидин онда яғмо бўлмаса.
Эй Навоий, гар насибанғудур абад умри, керак
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса³³.

Бу ғазалда шоирнинг реал ҳаётга, унинг базм-ишратларига нисбатан қарashi ва орзуси ўз ифодасини топган. У ҳаёт базмини қуруқ ўз ҳолича эмас, фақат инсон (ёр) бўлган тақдирдагина гўзал деб ҳисоблайди. Реал ҳаётнинг марказий фи-

³² 564, 141б-в.

³³ 564, 106-в.

гураси инсон ҳисобланганидек, бу шеърнинг марказида ҳам инсон ва инсон характери туради. Шоир қора муҳитнинг зулмларидан бир нафас бўлса-да, узоқда туриш ва уларни унтиши ни орзу қиласи. Шунинг учун ўзига муносаб ёр қидиради. Бу ерда «ёр» кенг маънода — дўст, улфат маъноларида келганидек, ошиқ-шоирнинг ўз севгилисига бўлган муҳаббати унинг дўстларига ва умуман ҳаётга бўлган муҳаббатининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Зотан, классик ишқий лириканинг аҳамияти ҳам унинг феодал фанатизми кучайган даврда ёрга бўлган муҳаббатни куйлаш орқали, умуман, кишиларда инсон ва реал ҳаётга бўлган муҳаббатни уйғотиши ва тарбиялашидан иборатdir. Навоийнинг илк лирикаси ҳам ўзининг ана шу фазилати билан ажralиб туради. Бироқ шу нарсани таъкидлаб ўтмоқ керакки, ошиқ-шоир ҳаёт ва унинг гўзалликларини куйлар экан, доимо унинг диққат марказида инсон образи (ёр-тор ёки кенг маънода) туради. Усиз ҳаёт гўзал ҳам эмас, усиз ошиқ-шоир ҳаётдан лаззатланмайди ҳам:

Қимки олам боғида бир сарви гулрухсори бор,
Бог сайридин фароғу сарву гулдин ори бор.

Гул била майни нетар девонаким, кўнглида
Бир париваш лаълидин май, ҳуспидин гулзори бор.

Гул насими атридин мумкин эмас топмоқ илож,
Қимки бир гулчехра хори ҳажридин озори бор...³⁴

Унингча, ёр (инсон) — ҳамма нарсадан юқори, ҳаётда севимли бўлган нарсаларнинг энг олий чўққиси, барча гўзаликни ўзида бирлаштирган нуқта. Шунинг учун у бўлмаса, гул ҳам, сарв ҳам, май ҳам — ҳеч нарса инсонга хурсандлик бағишилай олмайди.

Демак, Навоий илк ижоди давридаёқ, буюк гуманист сифатида, инсонга юксак баҳо беради, ўз шеърларида инсоний ҳис-туйғу ва фазилатларни куйлайди. Унинг ишқий шеърларининг аксарида инсон характери марказий ўринни эгаллайди.

Навоий илк лирикасидаги дунёвий руҳда ёзилган ишқий ғазаллар ўзининг икки хусусияти билан ажralиб туради:

1. Ишқий ғазалларнинг бир қисмини шоир тайёр традиция изидан бориб ёзган. Бундай шеърлар абстракт характерда бўлиб, ўзининг шаблон ифода воситалари ҳамда услуби билан ажralиб туради.

2. Аммо кўпчилик ишқий ғазаллар ҳаётий характерда бўлиб, шоирнинг реал ҳис-туйғулари ифодаланган. Бундай шеърларда авторнинг шахси ҳаммадан кўпроқ акс этиб туради.

³⁴ 564, 44a-b.

Бу ҳол шеърларнинг устуби ва тасвирий воситаларига ҳам таъсир этиб, уларнинг табний ва ҳаётий бўлиб чиқишига сабаб бўлган.

Ишқий газаллар ораснда шундайлари ҳам борки, уларда лирик қаҳрамон бевосита шоирнинг ўзи бўлиб, уларнинг кишилиги биографик характерга эгадир. Булардан баъзилариниң кўриб ўтайдик:

Чарх ойирди тез этиб ноламни ҳам, оҳимни ҳам,
Мехрибон шоҳимни ҳам, номехрибон моҳимни ҳам.

Ҳар киши дилҳоҳу дилжуйим эди, солни йироқ,
Шоҳи дилжуюмни доди моҳи дилҳоҳимни ҳам...

Ойтмон шоҳимни ё моҳимни еткур бошима.
Ҳам моҳи ғофилвашими, шоҳи огоҳимни ҳам.

Жонда шоҳим ёди — кўнглум ичра моҳим фурқати,
Денг анга қуллуг — бу барча шайаллалоҳимни ҳам.

Эй фалак, шоҳу маҳим шамъи руҳидин ғам туши
Ёрутиб уй, йўлга келтур баҳти гумроҳимни ҳам.

Эй Навоий, шоҳим айвони, маҳим ҳуснин кўруб,
Жон тарабгоҳимни топса, кўз назаргоҳимни ҳам^{35—36}.

Маълумки, Абулқосим Бобир вафотидан кейин Ҳусайн Бойқаро таҳт орзусида қўшин тўплаш учун Машҳаддан кетади. Навоий эса ёлғиз қолади. Ў 1464 йилларда Ҳиротга боргач, у ерда ҳам ёлғизликда моддий ва маънавий жиҳатдан қийинчиликлар тортади. Бу шеър ёш шоирнинг ана шу даврдаги (1457—64 йиллардаги) оғир руҳий кечинмалари ва орзуумидларининг ифодаси бўлса керак. Шу жиҳатдан ғазалдаги «шоҳ» ва «моҳ» сўзлари ҳаётий, реал кишилар бўлса керак.

Мана бу ғазал ҳам бевосита ҳаётий воқеа таъсирида ёзилгандай туолади:

Қылғон эрмиш иотавон сарви равонимини мараз,
Зор ўларменким, қилибтур зор жонимни мараз...

Садқаси айланг мени мардуудни, эй дўстлар,
Ким заиф этмиш улустин тоналгонимини мараз.

Дардлик кўнглум ҳалокин истарамким, кўйида,
Инқмиш ул овораи бехонумонимни мараз.

Юз тумон мендек гаҳи бир ўлса, онинг садқаси,
Қылмасун озурда, ё раб, навжуонимини мараз.

То мараз ўлмиш ниғорим, қон тўкар гирён кўзум,
Эй Навоий, дей олурмен: тўкти қонимни мараз³⁷

^{35—36} 564, 110б-в.

³⁷ 564, 64а-в.

Бу шеър традицион ишқий ғазаллардан тубдан фарқ қиласы:

биринчидан, традицион ғазалларда маңшуқа золим, шұх, жафокор сифатида тасвирланса, бу ерда унга нисбатан «ово-рай бехонумон», «кнавжувон» сингарі сифаттар берилмоқда;

иккинчидан, бу ғазал даблабали риторикадан узоқ бўлиб, ошиқ-шоирнинг кечинмалари мумкин қадар самимий, содла ва равон ифодаланган;

учинчидан, шеърнинг бошидан охирига қадар бетоб маңшуқанинг ҳолати ва лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини очиш авторнинг диққат марказида туради. Бу мақсад яхлит бир шеърда изчиллик билан амалга оширилади. Қуйидаги байт эса юқоридаги ғазалнинг бевоснта давоми, яъни оғир жудоликнинг ифодасидек туюлади:

Чу сенсиз тирик қолмишам, яхшироқ
Бу янглий тириклиддин ўлмоқ манга³⁸.

Бу шеърда ҳам лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари содда ва самимий ифодаланган.

Албатта, биз шоирнинг шахсий турмуши ҳақида, хусусан, унинг бирор кишини севгани ёки севмаганилиги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Бироқ Навоий асарларининг руҳини чуқур ўрганар эканмиз, уларда авторнинг шахсий кечинмалари ҳам атрофлича акс этганини пайқаймиз. В. Гюго Байроннинг ўлимни муносабати билан шундай ёзган эди: «Биз, қаламимиз ҳақиқатдан, гарчи беихтиёр равища бўлса-да, тойиб кетмаслиги учун уни (Байронни — Е. И.) шу қадар тунд ва инжиқ қилиб қўйган ўша оилавий кўнгилсизликларнинг ҳақиқий сабабини етарли даражада яхши билмасдан туриб, бу борада кўп гапирмасликни афзал кўрамиз. Биз Лорд Байронни фақат унинг поэмалари орқалигина биламиз ва шоирнинг ҳаёти ҳам унинг қалби ва ижодий даҳосидек эди, деб тассаввур қилишнинг ўзи биз учун қувончлидир»³⁹.

Навоий ҳам, фақат сўздагина эмас, балки амалда — турмушда ҳам юксак маънавий қиёфага эга эди. Унинг замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган ва шоирнинг амалий фаолияти ҳақида хабар берувчи тарихий ва мемуар асарлардан маълум бўлишича, у ўзининг идеалларини ўз асарлари орқали тарғиб этибигина қолмай, уларни амалга ошириш учун амалий кураш ҳам олиб борган.

У «Ҳамса»даги достонларида ўз орзу-умидларинигина эмас, балки даврининг баъзи бир томонларини ҳам романтик

³⁸ 564, 7а-в.

³⁹ В. Гюго, Статьи о писателях, М., ГИХЛ, 1956, стр. 19.

фонда акс эттирган. Шу жиҳатдан, ана шу достонларда шоирнинг шахсий турмуш фожиаси ҳам маълум даражада акс этган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас. Хусусан, «Саъбай-сайёр» достонидаги шахзода Фаррух образи билан шоирнинг шахсияти орасида яқинлик кўзга ташланади. Ана шу ҳикоя битан шоирнинг биз юқорида келтирган сингари газалларини аққослар эканмиз, уларнинг умумий руҳи бир-бирига ниҳоятда мос тушганлигини кўрамиз. Ана шунда шоирнинг уйланмай ўтиш сабаби ҳам маълум даражада аниқ бўлгандай туюлади. Умуман, автобиографик характердаги газаллар ўзининг мазмуни, услугуб ва тасвирий воситалари билан бошқа ишқий газаллардан ажралиб туради. Уларда шоирнинг шахси анча тўлиқ акс этган.

Навоийнинг илк шеърлари билан танишар эканмиз, уларда икки муҳим ижобий хусусиятни кўрамиз: биринчидан, автор лирик қаҳрамон характеристига хос бўлган реал инсоний кечинмаларни содда ва самимий тасвирлашга интилади; иккинчидан, у лирик қаҳрамоннинг ички дунёсини шеърий лавҳалarda тасвирлашга ҳаракат қиласи. Натижада унинг шеърлари муайян сюжетга эга бўлиб, ундаги байтлар, бир-бирига узвий боғланган ҳолда, мантиқий равишда ривожланиб боради. Қуйидаги ғазал ана шу типдаги шеърларнинг классик наунаси бўлиб, Навоийнинг илк ижоди процессида яратилган, бироқ бутун Навоий ижоди учун ҳам характерли бўлган қимматли дурдоналарнинг биридир:

Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб,
Ичар эдим вале ғамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб...⁴⁰

Бу шеър мустақил сюжетга эга бўлиб, ошиқ — қаҳрамоннинг ички оламидан бир лавҳа чизилган. Бу ерда автор лирик қаҳрамон характеристини очишида маъшуқадан ташқари май образидан ҳам фойдаланган. Ёр бўлмаса, май ошиқнинг ҳароратли қалбига таскин бера олмайди. Май ҳам, фақат ёр бўлсагина севган қалбига лаззат бағишилайди. Бу ўринда май ошиқнинг ички кечинмаларини ниҳоятда кучайтириб, кескин ва ҳалокатли ҳолда тасвирлаш учун хизмат қилган. Бу ғазал Навоийнинг илк шеърлари орасида реал ҳаётий заминга асосланган энг дунёвий шеърлардан бўлиб, авторнинг новаторлигидан далолат беради. Қуйидаги ғазал ҳам ана шу типдаги шеърлардан биридир:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

⁴⁰ 564, 216-в.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимга ул шўхи бадхў келмади...⁴¹

Инсонга хос реал ҳис-туйгулар ишонарли тасвирангган бу
ғазал муҳаббат ҳақида ёзилган ўзига хос бир шеърий новел-
ладир.

Шарқ классик лирикасида лирик қаҳрамоннинг ички дунё-
сини очиб беришнинг хилма-хил усуллари мавжуд бўлиб,
Навоий ҳам ўзининг илк ғазалларида лирик қаҳрамон—ошиқ-
нинг ички дунёсини очишда ўзбек ва форс-тожик лирикаси-
нинг бой тажрибаларидан фойдаланади. Навоийнинг илк ға-
залларида лирик қаҳрамон — ошиқ характерини очишнинг,
асосан, икки йўли мавжуд:

1. Лирик қаҳрамон ички дунёсини бевосита — тўғридан-
тўғри тасвиrlаш;

2. Лирик қаҳрамон—ошиқ кечинмаларини тасвиrlашнинг
бевосита йўли.

Лирик қаҳрамон ички дунёсини очишнинг бевосита йўли
шундан иборатки, бунда лирик қаҳрамон—ошиқ ўзининг ички
кечинмаларини — ёрга бўлган муҳаббати ва садоқати, маъ-
шуқанинг зулми ва ундан шикояти, ҳижрон азоблари ва ви-
сол орзусини — тўғридан-тўғри ўз тилидан баён қиласди, ўз
ички дунёсини бевосита ўзи очиб беради. Бундай пайтда ошиқ
кўпинча тўғридан-тўғри маъшуқанинг ўзига ёки ўзгаларга
(сұхбатдошига — ўқувчиларга, соқийга, носиҳга ва бошқалар-
га), шунингдек, ўз-ўзига мурожаат қилиб сўзлайди. Масалан:

Мен ар маству беморлиғ бирла ўлдум,
Ҳамиша жаҳон ичра сен бўлгасен сог.

Дедингким, ола олмасун дилраболар,
Ки кўнглумга қўйдунг оғир ҳажрдин топ...⁴²

Йўқ дамеким, фурқати жонимга бедод айламас,
Ғайрни шод этгали кўнглумни пошод айламас...

Улча бағримға қилур ғам нишидин ҳижрон ғами,
Тоғнинг бағрига метин бирла Фарҳод айламас...⁴³

Ҳажр ўти ул ой ҳавасида менин чун ўртади.
Ҳар тараф шабгун булатдек ҷархпаймо бўлди дуд.

Соқиё, оби хаёти май била кулбам ёрут,
Ким фироқ ўтидин онда зулматосо бўлди дуд⁴⁴.

Лирик қаҳрамон ички дунёсини очиб беришнинг иккинчи
усули шундан иборатки, бунда ошиқ—шоир ўз кечинмаларини

⁴¹ 564, 1296—130а.в.

⁴² 564, 706-в.

⁴³ 564, 586-в.

⁴⁴ 564, 406-в.

түғридан-түғри баён қылмайды, балки ўзининг ҳис-туйғуларга ва муносабатини турли воситалар ёрдамида ифодалайды.

Ишқий газалларнинг кўпчилигига, олатла, маъшуқанинг портрети чизилади: унинг лаби, қоши, кўзи, юзи, сочи ва бошқа аъзолари турли нарсаларга ўхшатилади, мубола али ташбиҳлар қилинади. Бир газалда маъшуқанинг ҳамма томони тасвириланганда, баъзан уннинг ҳар бир аъзоси тасвирига алоҳида бир газал ҳам бағишланади. Феодализм давридаги ўзбек ва форс-тожик поэзиясида бу ҳол традиция ҳолига кирган бўлиб, бунинг натижасида поэзияда қатъиши шаклга кирган бадиий тасвир воситалари вужудга келган. Бу хилдаги газалларнинг кўпчилиги услубининг дабдабалинги ва мазмунининг мавҳумлиги билан ажralиб туради. Навоий ҳам илк ижоди даврнда традиция изидан бориб, ёрнинг ташқи кўринишини тасвирашга асосланган бир қанча газаллар яратди. Масалан, қуийдаги матлаъ билан бошланган газал бошдан охирига қадар ёрнинг кўзини муболагалии ҳолда тасвирашга багишланган:

Эй санга хунрез мужгону балоангез кўз,
Бизга мужгөнинг синони заҳмидини хунрез кўз...⁴⁵

Мана шу байтларда эса маъшуқанинг юзи, лаби ва холи тасвириланади:

Оразингни бог аро чун кўрди — ҳайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди, нединким, бас паришон бўлди гул.

Бодадин гул-гул кўруб ул юзни, онинг ҳажридин
Чок-чок ўлғон кўнгулдек таҳ-батаҳ қон бўлди гул...⁴⁶

Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устидадур,
Нуқта чун остия бўлтур, ҳар қайдаким ёзилса лаб⁴⁷.

Кўриниб турибдики, маъшуқанинг ташқи гўзаллигини тасвирашга катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳол газалчиликда традиция ҳолига кириб қолган бўлиб, ёш Навоий ҳам ўз ижодида ана шу традициялар изидан боради. Шундай экан, аниа шу типдаги газалларнинг аҳамияти нимада?

Феодал жамиятида яратилган ишқий газалларнинг аҳамияти шундаки, улар диний фанатизм ҳукмрон бўлиб турган бир даврда асосий диққатни илоҳиётдан жонли инсонларга, мавҳумотдан реалликка, реал инсоний кечинмаларга жалб этади. Натижада инсон ва унинг хусусиятларини тасвираш поэзиянинг асосий предмети бўлиб қолади. Зотан, ўйғониш

⁴⁵ 564, 55a-в.

⁴⁶ 564, 22a-в.

⁴⁷ 564, 99a-в.

даври адабиётининг энг катта ютуғи ва фазилати ҳам унинг чукур гуманизмидир⁴⁸.

Умуман, ғазал феодализм мұхитидаги идеологик кураш процессида маълум роль ййнаган.

Шуни айтиш керакки, маъшуқанинг портретини чизишга бағишиланган ғазалларда, юзаки қараганда, лирик қаҳрамон ошиқ эмас, балки маъшуқа биринчи планга чиқып, асосий лирик қаҳрамон сояда қолгандай туюлади. Аслида эса буидай эмас. Маъшуқанинг барча хусусиятларини таърифлайдиган шахс лирик қаҳрамон—ошиқдир. Унинг маъшуқаси фақат ўзи учунгина ана шу қадар мақтовга сазовор. Биз маъшуқанинг мақталган фазилатларинп тасаввур қилишимиз учун унга ошиқ — шоирнинг күзи билан қарашимиз керак. Бошқача қилиб айтганда, ошиқ—шоирнинг маъшуқа ҳақидаги барча таъриф ва тавсифлари кўпроқ субъектив характерга эга. Шунинг учун ҳам бошдан-оёқ маъшуқанинг портрети чизилган ғазалларда асосий образ маъшуқа эмас, балки лирик қаҳрамон—шоир ва унинг кечинмаларидир. Маъшуқа эса ёрдамчи образ бўлиб, лирик қаҳрамон кечинмаларини очиш ва тасвирлашда восита бўлиб хизмат қиласди. Чунки лириканинг асосида образ-кечинма ётади. Энин асарнинг асосида эса воқеа ётади. Энин асарнинг ҳажми унинг асосида ётган воқеанинг ҳажми билан белгиланса, лириканинг ҳажми эса унинг асосида ётган лирик қаҳрамон кечинмаларининг мундаражасига боғлиқ. Инсон кечинмалари эса ўз-ўзидан эмас, балки ҳаётдаги у ёки бу воқелик таъсирида туғилади. Демак, лирик қаҳрамон кечинмалари — кечинма образ лирик асарнинг асосини ташкил қилиб, ана шу кечинмаларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган воқеа ёки предметлар образ-кечинмаларнинг юзага келишидаги (демак, лирик асардаги) зарурый элементлар ҳисобланади. Шарқ ғазалчилигидаги маъшуқанинг портретинин чизиш ҳодисасини эса лирик қаҳрамон—ошиқ характеристерини очиш, унинг кечинмаларини тасвирлашнинг бавосита йўли — ғазалчиликдаги махсус бир приём деб қармоқ керак.

Шундай ғазаллар ҳам учрайдики, уларда маъшуқалинг фақат ташқи портретигина эмас, балки унинг ички кечинма-

⁴⁸ Бу борода филология фанлари доктори И. Брагинский шундай ёлан эди: «Ведь факт составления газелей, воспевающих человеческие страсти, а не восхваляющих царей и вельмож, уже сам по себе являлся своеобразной формой протesta поэтов против господствующего уклада, так сказать протesta в форме умолчания. Больше того, содержание подобных газелей, их гуманистическая направленность, культ живого человека со всеми его человеческими страстями был вызовом мертвящим догмам ислама и мистической самоотрешенности суфизма». Несколько штрихов к портрету подлинного Хафиза. Хафиз, Издр. стих., Тажгосиздат, 1949, стр. 46.

лари — қайғу ва изтироби, қувонч ва азоблари ҳам тасвирла-
нади. Машуқанинг ҳолати, кайфияти қай йўсинда тасвир-
ланса, ошиқ—шоирнинг ички кечинмалари ҳам шунга муносиб
ҳолда юзага чиқа боради. Демак, бу типдаги ғазалларда ҳам
асосий образ—oshiq—шоирнинг кечинмалари бўлиб у ўз ис-
чималарини маъшуқанинг турли ҳолатини, кайфиятини тас-
вирлаш орқали ифодалаган. Масалан, қўйндаги ғазалда маъ-
шуқа қора либос кийиб мотам тутган киши сифатида тасвир-
ланиб, ошиқ — шоирнинг руҳий ҳолати шунга мос равишда
очила боради:

Қаро дастор то чирмоди моҳим,
Бошнинг чирмашитур дуди оҳим.
Еғибтур нарғис ичра жола ёхуд
Кўзинда ашқ эрур бор шитибоҳим.
Анга ҳамранг ўлай деб мотамишем,
Короргон рўзгорим бор гувоҳим..
Кўзумдур тийра, яъни, эй Навоий,
Қаро тўн кийди мотам ичра шоҳим⁴⁹.

Лирик қаҳрамон кечинмаларини ифодалаш йўлларидан
бизи **сабога** ва кўнгулга мурожаат қилишдир. Бу усул Шарқ
лирикасида кенг традиция ҳолига кириб қолган бўлиб, Фар-
бий Европа адабиётидаги **музага** мурожаат қилиш усулини,
сабо ва кўнгул образлари эса муза образини эслатади. Са-
бо—oshiq ва маъшуқа ўртасида бир воситачи ролини ўйнайди:

Мендан ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп,
Кўйига бошим ниёзин еткуруб, чавгонин ўн.
Бодпойи сайнинг хамтаклик айтай олмасанг,
Ерга мендин юз қўйнб кўрган сойи, жавлонин ўп⁵⁰.

Кўнгул эса сабога нисбатан бошқачароқ хусусиятларга эга.
У севгининг асосий сабабчиси сифатида талқин этилади.
Шунинг учун ҳам кўнгул севги орқасида келадиган барча
хутибандлик ҳамда изтиробларнинг сабабчиси ва у ошиқ би-
лан бирга ана шуларни тортишга мажбур. Шунингдек, кўн-
гул кўпинча мустақил ҳаракат қиласи, ошиқнинг насиҳат-
ларига қулоқ солмайди. Бунинг муҳим томони шундаки,
муҳаббат кишининг ўзига bogлиq бўлмаган (кўнгулга bog-
лиq) объектив ҳодиса сифатида талқин этилади:

Эй кўнгул, ёр ўзгалар домига бўлди пойбаст,
Санга мушкил ҳолату бизга қатиқ иш берди даст...⁵¹
Ҳажр ўқидин, эй кўнгул, ҳар ён қанотлар соз қил,
Ул парви васли ҳавасин истабон парвоз қил...⁵²

⁴⁹ 564, 104аb-в.

⁵⁰ 564, 35аb-в.

⁵¹ 564, 35а-в.

⁵² 564, 98б-в.

Бундан ташқару, лирик қаҳрамон кечинмаларини тасвирлашнинг ровийга, кишиларга мурожаат, насиҳат қилиш йўллари ҳам мавжуд.

Умуман, Шарқ классик ғазалчилигига лирик қаҳрамон—ошиб ички кечинмаларини тасвирлашнинг хилма-хил усуллари мавжуд бўлиб, Навоий илк ижодидаёқ ана шу усулларниг барчасини моҳирлик билан қўллаган.

* * *

Муҳаббат темаси Шарқ ғазалчилигининг етакчи темаси бўлиб, ғазалга аста-секин турли тема ва мотивларниг кириб келишида асосий фон бўлиб хизмат қилган. Классик шоирлар ўзларининг турмушга бўлган турли қарашлари ва орзуумидларини ана шу темага боғлиқ ҳолда баён қилганлар. Навоий ҳам илк ғазалларида ишқ масаласи фонида ўзининг турмуш ҳақидаги мулоҳазалари ҳамда бошқа ҳар турли масалаларга бўлган қарашларини усталик билан акс этиради.

Навоий илк лирикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳам шундаки, буларда ёш шоирнинг ўз даври, замонасининг айрим томонларидан норозилиги, шикояти ўз ифодасини топган. Умуман, Навоийнинг илк ғазалларида ёш шоирнинг дунёқарashi, ғоявий позицияси тўлиғича ифодаланган бўлиб, ҳижрон ва даврдан шикоят мотивлари анча катта ўринни эгаллади. Шуни ҳам айтиш керакки, Навоийнинг ҳижрондан шикояти ҳамда замон ва замона аҳли ҳақидаги фикрлари турли даражада бўлиб, турли ғазалларда ҳар хил формада ифодаланган. Автор ўзининг ана шу соҳага доир фикрларини ўрнига қараб ҳар хил усулда ифодалайди ва уларниг ғоявий кучи ҳам турлича даражададир.

Навоий илк лирикасида ҳижрондан, давр ва давр аҳлидан шикоят мотивлари қўйидаги хусусиятларга эга:

1. Ошиб — шоир кўпинча ишқий ғазалларда ёрнинг зулми, бевафолигини баён қилас экан, шунга боғлиқ ҳолда ўзининг замон ва замона кишиларидан норозилигини ҳам қистириб ўтади. Бундай ўринлар баъзи ғазалларда озроқ ва баъзи ғазалларда кўпроқ учрайди. Ҳатто шундай ғазаллар борки, улар ёрга қаратилиб, унинг бевафолигидан шикоят қилиш билан бошланса-да, кейинги байтларда унинг ўрнини замондан, замондошлардан шикоят эгаллади ва кейингиси биринчи планга чиқиб қолади:

Рафиқларни барин ёри мұтамад қилдинг,
Арода анинг мени мардуд әдимки, рад қилдинг.

Фалак жафоси, улус таъниу фироқинг ўти
 Бас эрмас эрдики, сен ҳам яна мадад қылдинг.
 Кечиб жаҳон ила жондин, сени дедим, жоно,
 Магарки қаттима бу журмни писанд қылдинг.
 Гараз чү ўлмаким эрди, бас эрди лутфунг ҳам,
 Газаб не эрдики, эй шўхи сарвқад, қылдинг?
 Ганингги чеккали ёлғуз кўнгул эди ожиз.
 Қи тийги фурқат ила оин юз алад қылдинг.
 Чу баҳт ахтари сайд ўлмади, не суд, эй ким,
 Сипеҳр зинчни ҳал қилгали расад қылдинг.
 Навоий, ёр не жавр этса, жонга миннат қўй.
 Азалда чунки бу даъвинн то абад қылдинг⁵³.

Бу ғазалда «фалак жафоси, улус тани» ёрга қаратилган шикоятлар таркибида келган бўлса, қўйидаги ғазалда бошқачароқ манзарани кўрамиз. Бу ерда ҳижрондан, фалақдан норозилик аввалги ғазалдагига нисбатан анча кенгроқ ўрин эгаллайди. Шунингдек, шеърнинг хуносасида авторнинг гамгуссалардан қутулиш йўлини қидирганлиги ҳам кўриниб турибди:

Эй кўнгул, душманлар опча мақр ила фан қилдилар.
 Ким вафолиг дўстни жонимга душман қилдилар.
 Дуд бошимдинчи чиқар, гўёни ҳижрон тошидин
 Еѓдурууб ҳар ён бу гунибад узра раизан қилдилар...
 Эй Навоий, Қаъба тут ё дайрким, аҳли жаҳон
 Журму гамдин бу ики манзили момон қилдилар⁵⁴.

2. Бир қатор ғазалларда ёр билан гардундан шикоят параллел қўйилади. Бу типдаги ғазалларнинг энг муҳим хусусияти шуидаки, уларда ёрнинг бевафолиги, зулми ҳамда замондан шикоят ёнма-ён, параллел келса-да, автор турли усуллар билан замондан норозилигини биринчи планга чиқарди. Бироқ автор ўзининг бу мақсадини анча пардали равишда баён қилади.

У ўз ниятини турли тасвирий восита ҳамда усуллар — ўхшатиш, қиёслаш йўли билан амалга оширади. Масалан, қўйидаги байтларни олиб кўрайлик:

Жафода бор ул ой гардунга монанд,
 Атога, уйлаким, хислатда фарзанд...
 Жаҳон аҳлида мутлақ чун вафо йўқ.
 Хуш улким бўлди бекасликка хурсанд.
 Манга даврон оғу берди — анга нўш,
 Мен этсам заҳрханд — айлар шакарханд⁵⁵.
 Манга бемеҳрсен сен ҳам, фалак ҳам,
 Бу иш бор ой ила гардунга маҳсус⁵⁶.

⁵³ 564, 80а-в.

⁵⁴ 564, 115б-в.

⁵⁵ 564, 426-в.

⁵⁶ 564, 62а-в.

Бу шеърларда ёр билан даврон ота-болага ўхшатилмоқда. Маълумки, отанинг кўпина хусусиятлари фарзандда намоён бўлади. Демак, ёр ҳам бевафолик, жабрни даврондан, фалакдан ўрганган. Шунинг учун бу ерда давроннинг жабрлари, зулми кенг тушунча бўлиб, ёрники эса ана шунинг таркибий қисми ҳисобланади. Ёрнинг зулми ҳам давроннинг зулмидан келиб чиқади. Даврон барча бевафолик ва зулмларнинг ижодкори сифатида талқин этилади. Шу йўл билан даврдан, фалакдан шиксят биринчи планга чиқиб қолади. Бу эса шоирнинг ўз фикрини, замон, муҳит талабларига кўра, пардалироқ ифодалаш усулларидан бири бўлиб, унинг чуқур мулоҳазаси ва бадиий маҳоратидан далолат қиласди.

3. Ҳижрондан шикоят мотивлари Навоий илк лирикасининг энг муҳим ва реалистик моментларидан бўлиб, шоир ана шу мотивларни ифодалашга маҳсус ғазаллар ҳам бағишлаган. Ҳижрон азоблари ва висол орзуси куйланган ғазалларда «ҳижрон» ва «висол» сўzlари кенг маънода бўлиб, бу шоирнинг ўзи туғилиб ўсган шаҳаридан узоқларда кечирган оғир турмуши ва руҳий кечинмаларининг ифодасидир. Шунинг учун ҳам ана шу руҳдаги шеърлар авторнинг биографиясига анча яқин туради. Чунки Навоий 1457—64 йилларда ўз ватанидан узоқда — Машҳадда яшади. Унинг Машҳадда оғир ва мاشаққатли ҳаёт кечириб, илм олганлиги маълум. Шунинг учун ҳижрондан шикоят мотивлари ифодаланган ғазалларнинг кўпчилиги шоир ҳаётининг ана шу даврида — 1457—64 йиллар орасида яратилган бўлиши керак. Чиндан ҳам қуидаги байтларда ҳижрон азоблари қалбини тирнаган шоирнинг юрак тепиши сезилиб туради:

Менки ҳижрон даштига кирдим қуюндеқ беқарор,
Оҳу вовайлеки, ҳам саргаштамен, ҳам беқарс.).
Сончлиб ўён таимига ҳар тараф юз минг тикан,
Ҳар тиканини кўйдуруб кўнглум ўтидии бир шарор.
Билсам эрди бир замонлиғ ҳажр дарди шиддатин,
Юз йил ўлса васл даври, қилмас эрдим ихтиёр...⁵⁷
Бузди кўнглум кишварни ҳижрон гами туғён қилиб,
Оҳу ашқимдин бирин сарсар, бирин тӯфон қилиб.
Сўрма иевчун бедил ўлдунг леб, ўзунг чун ҳажр аро
Кўздин оқиздинг кўнглумни қатра-қатра қон қилиб...⁵⁸

Ҳижрон азобларини чекаётган шоир қалбига таскин бералиган бирдан-бир нарса — висол дақиқалари ҳақидаги ширин хаёл ва орзулардир. У бир қатор байтларда, ҳатто, бутун-бутун ғазалларда ўзининг висол кунларига бўлган (висол кенг маънода бўлиб, ёр ҳамда ватанга етишиш иштиёқи қўй-

⁵⁷ 564, 526-в.

⁵⁸ 564, 33а-в.

шилиб келади, бироқ иккинчиси күпроқ бўлса керак) интилишини, у ҳақдаги оптимистик кечинмаларни конкрет ифодалайди. Ана шу типдаги ғазаллар, ўзинда инсонга хос бўлган реал ички кечинмаларни ифодалаганлигига учун ҳам, бошқа шеърлардан ўз мундарижаси ва услуби билан кескин фарқ қиласи. Лирик қаҳрамон — шоир оғир ҳижрон дақиқаларидага висол кунларининг албатта келишига қаттиқ ишонади ва ўзининг оптимистик қараашларини шундай баён қиласи:

Кезармен кўйинда йиллар, назар холимга соглай деб,
Агар ўлтурса, қоним ранги тупрогида қолгай деб,
Кўйгула юз тумон неш урса ҳижрон, айламон нола,
Висолинг нўшидин ул захмлар бир кун ўнгатгай деб...
Навоий бенаволиғ бирла доим май ичар, бир кун
Наво нақшини даврони мутриби базмнда чолгай деб⁵⁹.

Лирик қаҳрамоннинг ватанга, ёрга бўлган нитилиши яна-да кучая боради. Қуйидаги байтларда эса унинг кечинмали-ри кульминацион нуқтага чиқади:

Жаҳдим андоқдур етншкайменму деб васлнинга бот,
Ким қабул этмон, оғир деб, чиқса эгнимдин қанот.
Сабр тоги бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,
Ташла ул юкни, етишмак истасанг васлига бот...⁶⁰

Лекин шоир ҳижрон кунларида турли хил кайфиятларга тушади. У бир ўринда висол кунининг яқинлигига ишонса, бошқа бир ўринда умидсизликка тушади; баъзан висол тонгининг ёришишига ишониб, ўзини ноумид бўлмасликка унда-са, баъзан умидсизликка тушиб, ҳижронга кўнишишга чақи-ради. Хуллас, ҳижрон мотивлари ифодаланган ғазалларнинг аксарини шоир ватанидан узоқда (Машҳадда) ёзган бўлиб, уларда авторнинг барча қарама-қарши кайфиятлари тўла-лигича ифодасини топган:

... Чархдин не келса, жуз таслим йўқтур чорае,
Ким қави оллида хўб эрмас забунлардин инод.
Эй Навоий, гунчадек кўнглунг тутулса ҳажрдин,
Ноумид ўлма, насими васлднн етгай кушод⁶¹.
... Умид нахлини ашким била не тоза қилайким,
Самум(и) ҳажр ўти кул айламиш демайки, қурилмиш...⁶²

Шу типдаги байтларда «висол» ва «ҳажр» сўзлари кенг маънода — ватандан жудолик ва унга интилиш маъносида келганлиги қўйидаги байтларда яққол кўрнинади:

Васл онгла ишқ боғининг баҳоридин нишон,
Ҳажр билгил, гар тилар бўлсанг ҳазонидин мисол...

⁵⁹ 564, 28а-в.

⁶⁰ 564, 34а-в.

⁶¹ 564, 40а-в.

⁶² 564, 59б-в.

Эй Навоий, бу хазон ўлгай баҳор ила бадал,
Келса давлат гулбини шаҳзодан соҳиб жамол^{63—64}.

Бу шеър Машҳадда ёэилган бўлса керак. Чунки Абулқосим Бобир вафотидан сўнг ёш X. Бойқаро таҳтни эгаллаш учун курашга жўнаган эди. Навоий сўнгги байтда X. Бойқаро («давлат гулбини шаҳзодаи соҳиб жамол») га катта умид боғлаганилиги кўриниб турибди. Бу ердаги «висол» сўзининг заминида ватанга, дўстларига ва мактабдош дўсти X. Бойқарога етишиш нияти ётса керак.

Қуидаги байтда эса шоирнинг шахсий ҳаётига доир дебталь яшириниб ётгандек туюлади:

Дўстлар, мумкин эмас бўлмоқ мұяссар васлким,
Мен анга дилҳоҳ эмон, улким манга дилҳоҳдур⁶⁵.

Бу байт шоирнинг ўз кўнглига яқин киши (ёр) топа олмаганилигидан далолат қиласи. У кейинчалик бу фикрни ривожлантириб, алоҳида ғазалда ифодалайди:

Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сұхбатин кўнглум писанд этмас...⁶⁶

Шоир ҳижрондан қутулиш йўлини қидиради. У бу йўлни баъзан, биз юқорида кўргандек, ёш шаҳзоданинг таҳт тепасига келишида кўрса, баъзан бутунлай тасаввур қила олмайди. Шундай ўринларда у бошқа йўлга — оллога мурожаат қилиш йўлига ўтади. Бироқ бундай ўринларда лирик қаҳрамон — шоирнинг асаб торлари таранг бўлиб, ўз кечинмалари, фикрларини ниҳоятда куйиб-пишиб ифодалайди, шеърнинг ҳар байтида авторнинг норози қалби депсиб туради:

Неча бўлгай манга ҳажр ичра тазаллум, ё раб,
Айла бу зулм аро ҳолимға тараҳхум, ё раб!..
Хони васлида ўкуш неъмат ародур ағёр,
Бизга ҳам рўзи эт ул навъ танаъум, ё раб!..
Умр чун фони эмиш, гар киши олам шоҳидур,
Чун ўлар, невчун этар мунча тааззум, ё раб!.^{67—68}

Сўнгги байтда авторнинг ўз замонасидаги феодал ҳукмронларга қарата қилган кинояси ҳам мавжуд.

Умуман, Навоийнинг илк лирикасида ҳижрондан шикоят мотивлари анча кучли бўлиб, шу руҳдаги ғазалларнинг аксарида авторнинг мусофирилик, бекасликдаги оғир ва қарама-қарши ички кечинмалари ўз аксини топган.

^{63—64} 564, 926-в.

⁶⁵ 564, 466-в.

⁶⁶ «Бадойиул-васат», 242-бет.

^{67—68} 564, 23a-в.

4. Навоийнинг кўпгина ғазалларида фақат «ёр ҳижрони, ватан таркию ғурбат шиддати» куйланибгина қолмайди, балки «чарх бедодию даврон меҳнати, эл жаври ҳам» тасвирланиб, авторнинг ўз даври ва давр аҳлидан норозилиги ҳам акс этади. Ана шу типдаги ғазалларнинг айримларида ғурбат ва замон ҳамда замон аҳлидан шикоят мотивлари тараллел тасвирланади. Бундай ғазаллар, албатта, авторнинг турмуш шароити билан боғланган бўлиб, унинг ғурбатдаги ҳаёти даврида яратилган бўлиши керак.

Неча ҳижрондин бузуғ кўнглумда бўлгай дам-бадам,
Фам уза ғам, дард уза дарду алам узра алам.
Ёр ҳижрони, ватан таркию ғурбат шиддати,
Чарх бедодию даврон меҳнати, эл жаври ҳам,
Сабр озидин азоб, андуҳ кўшидин истироб,
Ашқдин сели бало, оҳ ўтидин ҳар дам алам.
Субҳу шом эмтак кўшидин кўнглума юз минг бало,
Шом то субҳ уйқу йўқтин жонима юз минг ситам...
Эй Навоий, шарҳи ҳолимни дедим ирсол этай,
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушти, ҳам куйди қалам⁶⁹.

Бу шеър реал ҳодиса заминида яратилган бўлиб, унда авторнинг ички дунёси изчиллик билан акс этган: ёр (кеңг маънода) ҳижрони, ватандан айрилиб ғурбатдаги оғир ба машаққатли ҳаёти, давр ҳам давр аҳлининг золимлиги ва бошқалар. Шунинг учун ҳам у ўзининг мундарижаси билантина эмас, шунингдек, шаблон ибораларнинг деярли йўқлиги, ифоданинг содла ва самимийлиги, хуллас, услуги билаш ҳам традицион руҳдаги ғазаллардан кескин ажralиб туради.

Навоийнинг бир қатор ғазаллари, асосан, даврдан ва ўз замондошларидан шикоят қилишга бағишлиланган. Бундай шеърлар ўзининг мазмуни ва услуги жиҳатидан шоир ғазаллари орасидаги энг реалистик характерга эга бўлган асарлардан бўлиб, авторнинг ўз даври воқелиигига бўлган қарашларини анча тўлиқ акс эттиради. Шундай шеърлардан айримларини кўриб ўтайлик:

Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул,
Ким эрурмен, кимки ондин яхши йўқ, ондип малул...
Тангри халқ этмиш менин гўё маломат чеккали,
Ким даме йўқким, эмасмен халқи нолондин малул...
Эй муғаний, тут Ироқ оҳангиз кўргиз Ҳижоз,
Ким Навоий хотири бўлмиш Хуросондин малул⁷⁰.

Бу шеър 1464—65 йилларда Ҳиротда ёзилган бўлиши керак. Чунки бунда авторнинг ўз даври кишиларидан («халқи нодондин») малуллиги, норозилиги ҳамда Хуросондан

⁶⁹ 564, 103б—104а-в.

⁷⁰ 564, 94а-в.

чиқиб кетиш нияти баён қилинган. Бу шеърни Навоийнинг Сайид Ҳасанга ёзган шеърий мактуби билан солиширсак, уларнинг ҳар иккаласи мазмунан бир-бирига ниҳоятда яқин эканлигини кўрамиз.

Маълумки, Навоий 1465—66 йилларда Ҳиротдан Самарқандга келади. У Сайид Ҳасанга ёзган мактубида ўзининг Ҳиротдан кетиш сабабларини баён қиласр экан, ана шу сабаблардан бири Ҳурносон элидан олижаноб инсоний фазилат (вафо, саҳоват, мурувват)нинг йўқолиши ва унинг ўрнини нифоқ ва ҳасад эгаллаганилиги, деб ёзади. Шу сабабли ёш шоир Ҳиротда ўзига яқин бир киши топа олмайди, ҳар қадамда «халқи нодон»нинг ифлос кирдикорларини кўради, руҳий азоб чекади:

Яна бир буқим, зоҳир ўлмиш манғо
Ки чиқмиш Ҳурносон элидин вафо.
Вафо азм айларда бўлмиш магар
Сахою мурувват анга ҳамсафар.
Бу уч феъл чиққач ародин тамом,
Яна бўлмиш уч феъл қойим мақом.
Вафо ерида зоҳир ўлмиш инifoқ,
Сахо ўрнида бухл тутмиш висоқ.
Мурувватқа бўлмиш ҳасад жойгир,
Зихи хуш элу мамлакат дилпазир...
Майга бу эл нчра не бир ҳамдаме,
Ки бир дам иковлон дейишсак каме...⁷¹

Кўриниб турибдики, ҳар иккала асарда ҳам авторнинг Ҳурносондан Самарқандга кетишининг сабабларидан бири — шоирнинг ўз даври кишиларидан — «халқи нодон»дан норозилиги айнан бир хил кўрсатилган. Демак, бу шеър Навоийнинг реалистик асарларидан бири бўлиб, 1464—65 йилларда Ҳиротда (Навоий Самарқандга кетишидан олдин) ёзилган ва унинг реал ички кечинмаларини — ўз давридан ҳамда ўз даври кишиларидан норозилигини акс эттирган. Шу жиҳатдан бу шеърда авторнинг индивидуал ички кечинмалари баддий умумлашма даражасига кўтарилган бўлиб, XV асрнинг иккинчи ярмидаги энг илгор ёшларнинг интилишини ифодалайди. Шоирнинг замона аҳлидан норозилиги фақат тор шахсий манфаати туфайлигина бўлмай, балки унинг ўз замондошлари ҳамда жамият ҳақидаги ижобий тасаввурларининг унга зид бўлган ҳаётий воқелик билан тўқнашуви натижасидир.

Шуни айтиш керакки, шоирнинг ўз замондошлари (абнои даврон) дан норозилиги анча кенг мазмунга эга бўлиб, бунга турли табақадаги кишилар, ҳаттоқи шоҳ ва унинг яқинлари ҳам киради.

⁷¹ «Фаройибус-сигар», 708—711-бетлар.

Ваҳки, савдодур думоғымда, паришионлиғ дөғи.
 Телба күйгүм ичра ўз ҳолимга ҳайронлиғ дөғи.
 Гар менин олам элни бедоди бузди, бок йўқ.
 Оламедур бу бузуг оламда вайронлиғ дөғи.
 Хонумонимки, бало тоги, гаҳи ғам даштидур,
 Буйла ким кўрди алохонлиғ, аломнолиғ дөғи...
 Даҳр элининг зулми гар будурки, етти жонима.
 Қилмайин онда ватан, биллоҳки, меҳмонлиғ дөғи
 Эй Навоий, сен худ иттиңг, кимса сейдек итмасу⁷².
 Шоҳидин фармонлиғу моҳидин армонлиғ дөғи⁷³.
 Неча бевафоларга кўпроқ вафо
 Қилурмен, етар жавр кўпроқ манго.
 Нетиб ўлмайин, эй Навоийки, зулм
 Қилур барча мирзою мирак манго⁷⁴.

Авторнинг ўз замондошлари қақидаги фикрлари қўйидаги байтда янада очиқ ва кескин ифодаланган;

Эй Навоий, олам аҳли жавр этарда тенгдурур:
 Хоҳ шоҳи чархқадару хоҳ моҳи сарвқад⁷⁵.

Навоийнинг ўз замондошларидан шикояти унинг ўз давридан, замондан норозилигининг таркибий қисмидир. Унингча, даҳр аҳлиниңг бевафо ва золимлигига сабабчи ана шу фазилатлардан маҳрум бўлган давр — замонадир:

... Ваҳки, даврон аҳлидин жуз бевафолиғ келмади.
 Ҳар нечаким кўрдилар мен зору ҳайрондин вафо.
 Чун вафо гулбарги даврон боғида очилмади,
 Бежиҳатдур, кимки истар бу гулистондин вафо..⁷⁶
 Дема булибул зулмиға гул болгамиш бел гўйё,
 Чарх зулмидин онинг ҳам боғлагон зуннори бор⁷⁷.

Демак, фақат шоир ва булбулгина эмас, ҳатто булбулга зулм қилувчи гулнинг ўзи ҳам чархдан зулм чеккан. Демак, Навоийча, барча зулмларнинг негизи, асосан, чархга боғлиқдир (юқорида ёрни чархнинг фарзандига ўхшатиши ва ёр зулмни ўз отаси — чархдан ўрганган дейиши ҳам бунга мисол бўла олади).

Умуман, Навоий ёшлик давридаёқ замонасининг зулм ва адолатсизликларини кўра олди, бироқ ана шу зулмларнинг ҳақиқий негизи ва унинг тугатиш йўлларини кўра олмади. Албатта, XV аср шароитида Навоийдан буни талаб ҳам қилиб бўлмайди. Унинг ўз даврининг жирканч томонларини кўриб, ундан шикоят қилишининг ўзи ҳам ўз даври учун иж-

⁷² 564, 1316—132a-в.

⁷³ 564, 7a-в.

⁷⁴ 564, 416-в.

⁷⁵ 564, 136—14a-в.

⁷⁶ 564, 44a-в.

тимош аҳамиятга эга бўлган прогрессив ҳодисадир. Навоий илк ижодидаёқ ўз ижодининг ана шу томонлари билан замондошларига нисбатан анича олга кетди.

* * *

Май — газал жанрининг энг қадимий ва ишқ билан ёнмаён қелувчи асосий темаларидан биридир. Шарқ газалчилигининг устозлари — Саъдий, Хусрав, Ҳофиз ва бошқалар ўзларининг кўпгина шеърларини ана шу темага багишладилар. Бироқ ҳеч қайси шоир ижодида май темаси Ҳофиздаги каби ҳар тарафлама кенг ишланган эмас. Шунинг учун ҳам сўнгги давр шоирларига, шунингдек, Навоийга ҳам, Ҳофиз ижоди ўзининг ана шу жиҳати билан бошқалардан кўра кўпроқ таъсир этган.

Навоий илк газалларидаёқ (туркий ва форсий шеърларида) майни куйлашга катта ўрин беради. Шунинг учун ҳам илк девон шеърлари орасида май темасидаги мисралар, ишқ темасидан кейин, энг кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, кўпинчча, ишқ ва май мавзулари бир-бiri билан параллел келади ва ёнма-ён тасвирланади.

Навоийнинг илк лирикасида май, ишқий шеърларда куйланган ёр образи каби, қарама-қарши хусусиятларга эгадир. Шоир баъзан бу темани куйлашда ҳам сўфизм позициясида туради. Бундай ўринларда май символик характерда бўлиб, тасаввуф тушунчасини ифодалайди. Чунки «тасаввуф поэзиясидаги ишқ, ёр, жонон, май, майхона, соқий рамз ва киноядирлар»⁷⁷.

Лекин майга сўфиёна руҳ берилган ғазаллар Навоийнинг илк шеърлари орасида ниҳоятда озчиликни ташкил этади. Борлари ҳам айрим-айрим байтлардан иборат бўлиб, тасаввуф руҳидаги ғазаллар таркибида учрайди. Навоий илк лирикасида куйланган май эса, асосан, дунёвий май бўлиб, реал хусусиятларга эгадир. Реал май ва унинг фазилатларини куйлаш эса феодал фанатизм ҳукмронлик қилган бир шароитда кишиларнинг диққат-эътиборини реал ҳаёт ва унинг латофотларига жалб қилиш жиҳатидан аҳамиятга эгадир.

Навоийнинг илк лирикасида май темасининг ишланиши икки формада амалга ошади:

1. Ишқий ва бошқа темадаги ғазаллар таркибида лирик

⁷⁷ О ўбек, Навоий ғазалиёти. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, № 5, 19-бет.

чекиниш сифатида. Яъни шоир ишқ ёки бошқа бирор масала устида сўзлаб келиб, айрим байтларда соқийга ёки майга мурожаат қилади. У ўзи сўз юритаётган воқеа-ҳодисадан олган таассуротини, унга бўлган муносабатини ана шу лирик чекиниш орқали ифодалайди. Бундай ўринларда май темаси мустақил бўлмай, лирик чекиниш формасида юзага чиқса-да, бироқ бу авторнинг ана шу темага нисбатан муносабати, гоявий позициясини очиб бёрадиган муҳим ва зарурий элементdir. Шунингдек, лирик чекиниш формасидаги айрим байтларнинг ўзида ҳам шоирнинг май образидан (образ кечг маънода) қандай гоявий мақсад билан ҳамда қандай восита сифатида фойдаланганлиги яққол кўриниб туради. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, айрим газаллар, гарчи ўзи бошқа темада ёэйланган бўлса-да, тўғридан-тўғри соқийга мурожааг қилиш билан бошланади. Бундай ўринларни лирик муқаддисма деб қараш тўғрироқ бўлади. Масалан:

Сариқ оргиқ бўлдум, эй соқиң, ҳазони ҳажр аро,
Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо⁷⁸.

Навоий ижодининг кейинги даврларида бу усул янада ривож топади. Шоир фақат лирик асарларидагина эмас, шунингдек, «Хамса»да ҳам ўзининг тасвир этилаётган воқеаларга бўлган муносабатини ифодалашда, лирик чекиниш ясаб, тўғридан-тўғри соқийга мурожаат қилади. Ҳар бобнинг охирда ана шундай парчалар мавжуд бўлиб, уларда авторнинг шу бобда тасвирланган воқеа-ҳодисадан олган таассуроти, уларга муносабати ва руҳий ҳолати яққол акс этади.

2. Май маҳсус газалларда мустақил тема сифатида тасвирланади. Бундай газалларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, булардай май темаси ҳар тарафлама батафсил очила боради. Масалан:

Дайр аро мугбачадин согари мастона керак,
Нечаким тутса они тўлдирибон, ёна керак.

Ким Наюопӣ киби бу дайрда тутса ватан,
Хушу, зухду, хираду дин ила бегона керак⁷⁹.

Шуни унутмаслик керакки, бу газалда ҳам лирик қаҳрамон ва унинг кечинмалари асосий етакчи образ бўлиб, май ва соқий, мугбача ва дайр пири эса лирик қаҳрамон кечинмаларини, унинг турли воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатини очища восита ролини бажарувчи тасвирий элементлардир.

⁷⁸ 564, 136-в.

⁷⁹ 564, 816-в.

Навоий ҳам ўз лирик қаҳрамонининг ички кечинмаларини тасвирлашда май образига (образ кенг маънода) мурожаат қилади. Навоийнинг илк лирикасида май, барча классик шоирлар ижодида бўлганидек, турли хил хусуснятлар касб этади.

Май Навоий ғазалида (илк ижоди назарда тутилади) шодлик, хурсандлик символи сифатида гавдаланади. Бунда лирик қаҳрамон ҳаётни шодлик ва хурсандчилик билан ўтказишга итигувчи, турмушда шодлик воситаларини қиди-рувчи киши сифатида ҳаракат қилади:

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт қўнглунг уйин,
Не учуким, бода келган уйга қайгу келмади⁸⁰.

То тириксен истасанг хушвақтлиг, эй майпарсат,
То тўлар паймона, муг дайрида хизматкор бўл⁸¹.

Навоийча, май—кишини ғамдан халос қилувчи асосий куч. Зотан май шодлик символи экан, у ғамнинг акси—душманидир. Шунинг учун ҳам унинг лирик қаҳрамони ғамдан қутулишнинг бирдан-бир йўли сифатида май ичишни тушунади:

Эй Навоий, қилмадинг холи кўнгулни гуссадин,
То қадаҳни, уйлаким, қўнглунг тилар, тўлдирмаднинг⁸².

Ғам сипоҳи қатлига майхонадур доруламон,
Эй Навоий, зинҳор ул уйни моман айлагил⁸³.

Айниқса, шоирнинг қуйидаги байти ўз оригиналлиги билан диққатга сазовордир:

Соқиё, қилсанг ҳимоят, голиб ўлгум, буйлаким.
Ғам била кўнглум талошурлар икавлон қормошиб⁸⁴.

Майни ғамдан халос қилувчи восита деб талқин қилиш маълум фикр бўлса-да, автор ана шу мазмунни бу байтда жуда оригинал, содда ва ҳаётий қилиб ифодалаган. Бу ерда автор қаҳрамон қалbidаги курашни жонлантириш (ғам билан кўнгул) приёми орқали очиб беради.

Май образи Навоийда ҳижрон азобларидан қутулиш воситаси сифатида ҳам талқин этилади. Унинг лирик қаҳрамони энг оғир ҳижрон (ҳижрон бу ерда кенг маънода бўлиб, ғурбат тушунчаси ҳам қўшилиб келади) дақиқаларида бирдан-бир ҳимоячи сифатида майга, соқийга мурожаат қилади:

⁸⁰ 564, 130а-в.

⁸¹ 564, 101б-в.

⁸² 564, 83б-в.

⁸³ 564, 98а-в.

⁸⁴ 564, 28а-в.

Жон олурда ғами ҳажр, эй соқий,
Чорадур бода била соғар анға⁸⁵.

Соқиё, ахбоб ҳажрн қатлым айлар, бода тут,
Ким бу қотил захр тарәки эрур саҳбо манго⁸⁶.

Навойнинг майга шундай нұқтаи назардан қараши унніг бутун ижоди давомида ўзгармайды. Уннинг ижоди камсөт босқичига күтарилиған даврларда ёзган қуйидаги байти фикримизнинг далилидир:

Ҳажр дағын чун табиби ишқдин сүрдүм, деди:
Ким эрур ё васл, ё жон тарки қылмоқ, ё қадаҳ⁸⁷.

Навойга қадар ўтган ғазалнавислар ҳам майни ҳижрон азобларидан қутулишнинг асосий воснталаридан бири сифатида талқын қиласылар. Ҳофизнинг қуйидаги байти бунга мисол бўла олади:

Моро, ки дардн ишқу балои ҳумор аст,
Е васли дўст, ё май софи даво кунад⁸⁸.

(Мени ишқ дарди ва ҳумор балоси чўлғаб олган. Бунинг давоси ё дўстнинг васли, ёки тиниқ майдир.)

Навой майга янада юқори баҳо беради. У фақат ҳижрон кунларидагина эмас, ҳатто, ўз замонаси ва замондошлигининг жабр-зулмига дуч келганда ҳам май жомини ҳимоят тутади. Даврнинг, замонанинг зулмларини, адолатсизликларини у қўлида май косаси билан қарши олади:

Даврон сангз зулм этса, қадаҳлар тўла май ич,
Қон ютсанғ аёғлар тўла, давронға не парво⁸⁹.

Эйки, айтурсен фалак бедодидин кўрмай ситам,
Давр аёғин солмагил қўлдин фалак давронида⁹⁰.

Эй Навой, қайғу етса чархдин, ич бодаким,
Кетмади даврон ғами, то жом дойир бўлмади⁹¹.

Лирик қаҳрамон — шоир чархнинг жабру зулмига таҳаммул қилиб, чидаб туришни истамайди, бу — активликка интилиш. Бироқ ундан қутулишнинг йўлини фақат бодада деб билади:

Сипеҳр зулмиға йўқ чора бодадин ўзга,
Бу ишда ақлдин эрмас таҳаммул айламагим⁹².

⁸⁵ 564, 66-в.

⁸⁶ 564, 76-в.

⁸⁷ «Бадойиул-васат», 109-бет.

⁸⁸ Ҳофизи Шерозӣ, Мунтакаби девон, саҳифа 227.

⁸⁹ 564, 186-в.

⁹⁰ 564, 156-в.

⁹¹ 564, 1296-в.

⁹² 564, 105а-в.

Шуни айтиш керакки, Навоийнинг ўз замонаси, давридан норозилиги ва шикояти прогрессив ҳодиса бўлиб, шоир лирикасиниг ижтимоий қимматини белгиловчи энг муҳим фактор ҳисобланади. Навоий илк лирикасининг ана шу хусусияти билан ўз салафларига нисбатан анча олдинга кетди. Бироқ у замона зулми ва адолатсизликларидан қутулиш йўлни қидирар экан, ўз салафлари билан қўлни қўлга бериб, ёнма-ён боради, уларнинг традицияларидан четга чиқа слмайди. Бу эса Навоий дунёқарашининг чекланган томони бўлиб, у яшаган давринг натижасидир. Шунинг учун лирик қаҳрамон — шоир замонасидаги зулм ва ҳақсизликларга қарши курашга чақирмайди, балки маст — бехуд бўлиб, ана шу зулмларни кўрмаслик, улардан чекиниш ва бепарво бўлишни тарғиб қиласди. Бунинг учун эса майни энг яхши во-сита деб билади ва соқийга ялиниб-ёлборади:

... Замона меҳнатидин бир замон десанг қутулай,
Тўла-тўла қуюбон ич замон-замон бода.

Бироркин яхши-ямон ранжидин фарог истар,
Ичарда толгама денг яхши, гар ямон бода.

Навоий айлади доруламоне майкадани,
Ки берди даҳр ғамидин анга амон бода⁹³.

... Хастамен даврон жафосидин, кетургил бодаким,
Ноғиъ эрмиш ул маразға согари саҳбо басе.

Эй Навоий, гар десанг кўп ранжимай давр аҳлидии,
Ҳар не дерлар ё қилурлар, қилмагил парво басе⁹⁴.

Навоий илк лирикасидаги майнинг моҳияти шулар билан-гина чекланмайди. Унинг ғазалларида кўйланган май диний бидъатлар ҳамда дин номидан иш кўрувчи мунофиқ руҳонийларнинг кирдикорларини фош қилишда ҳам асосий восита бўлиб хизмат қиласди. Бу борада Навоийга Хайём ва Ҳофизларнинг таъсири айниқса кагтадир.

Албатта, реал майни мақташ, уни тарғиб қилишнинг ўзи майни ҳаром деб эълон қилган дин ва унинг намояндалари фикрига қарама-қарши бўлган тезисидир.

Шоирнинг лирик қаҳрамони реал ҳаёт кишиси сифатида шодлик символи бўлган майхонани муқаддас Каъбага қарама-қарши қўяди ва Каъбани азсб-уқубат манбаи, деб таърифлайди:

Навоий, айш учун дайру риёзат чеккала Каъба,
Гар истарсен, бу икки ишга ер бири янглиң⁹⁵.

⁹³ 564, 1256-в.

⁹⁴ 564, 1336-в.

⁹⁵ 564, 686-в.

Лирик қаҳрамон — шоир, реал түйғуларга эга бўлган актив инсон сифатида, реал майни дин ва дин намояндалари тарғиб қилган мавҳум ва насия тушунчалардан устун қўяди ва уни ёқлаб чиқади. Бунинг муҳим томони шундаки, лирик қаҳрамон ҳар бир нарсаиниг моҳиятини диққат билан куз. - тувчи мулоҳазали киши сифатида ҳаракат қиласди:

... Шайх кавсар шарбати, мен талҳ май мадҳин дедим,
Оччнги келса не тонг, невчунки очнг келди ҳақ.

Истама кавсар, Навоий, топ фарогат бодадин,
Ким эрур ул мухталиф, лекни бу бирдир муттрафақ⁹⁶.

Навоий май воситасида дин намояндалари ва уларнинг айрим жирканч томонларини фош қиласди. Масжидда тоат-ибодат билан шуғулланиб, риёкорлик қилишга майхонада май ичиб, барча яхши ва ёмонни унудишни қарама-қарши қўяди:

Соқиё, бодаки, тақвию риё оғатидин
Яхшироқ, бўлса манга соғари саҳбо оғат⁹⁷.

Ғам ўлтгуур мени, гар бода ичмасам. эй шайх,
Агар пандинг эрур яхши, бу ямондии кеч⁹⁸.

Умуман, Навоий илк ижодида май темасини ишлашда ўзининг бу соҳадаги буюк салафлари Хайём, Саъдий, Ҳофиз ва Ҳусравлар изидан борди, уларнинг традицияларини давом эттиргди. Май темасини ўзининг индивидуал ички кечинмаларини акс эттирган оригинал ғазаллари билан бойитди.

Лекин шуни эсда тутмоқ керакки, Навоий, энг аввало, улуғ гуманист эди. Навоий асарларининг асосий моҳиятини унинг гуманизми ташкил қилиб, барча ғоялари ана шу мақсад атрофида уюшади. Бу ҳолатни май темасидаги шеърларда ҳам яққол сезамиз. Умуман, Навоийда май турли восига сифатида қўлланиб, лирик қаҳрамоннинг турлича кайфиятини ифода қиласа-да, бари бир, ҳаммасининг марказида инсон ва унинг кечинмалари ётади. Лирик қаҳрамон ҳижрон азоблари ва ёрнинг ёки замондошларининг жабр-зулмларидан қутулиш учун май ичади. Демак, унинг май ичишининг сабабчиси ҳам — лирик қаҳрамонни ана шундай ҳолга келтирган инсон: маъшуқа, замондошлари:

Бўлди бехудлугума бодан гулгун боис,
Они иўш айлагани соқии мавзун боис⁹⁹.

⁹⁶ 564, 73а-в.

⁹⁷ 564, 356-в.

⁹⁸ 564, 386-в.

⁹⁹ 564, 36а-в.

Навоийча, хурсандчилик символи бўлган май фақат ёру дўйстлар билан бирга бўлгандагина ҳузур ва ҳаловат баҳш этади:

Хумор дарди била ҳажр меҳнатнда манга
Илож бодадур, эй ҳамдаму даво маҳбуб¹⁰⁰.

Эйки, гул фасли; йигитсен, бир лигоринг доғи бор,
Келса илкингдин, май ичкилким, будур ишрат чоғи¹⁰¹.

Ҳар маеким онсиҳ ичтим топқали ғамдин амон,
Заҳри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим била¹⁰².

Умуман, Навоийнинг май темасидаги ғазалларида ҳам инсон образи марказий фигура бўлиб, май ҳам фақат инсон учун ва фақат инсон билангина гўзалдир, деган гоя доиме авторнинг диққат марказида туради. Бу темадаги шеърларнинг ҳам асосий образи лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари (кечинма — образ) бўлиб, май ўз-ўзича мустақил образ эмас, балки (дайр пири, соқий, маъшуқа каби) лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини очиб беришда хизмат қиласидаги тасвирий элементларнинг биридир.

* * *

Навоийнинг илк лирикасида сатира элементлари ҳам анча кенг ўрин тутади. Сатира элементлари, асосан, икки хил формада — ишқ, май темаларидағи ғазаллар таркибида айрим байтлар сифатида ҳамда маҳсус шеърлар формасида учрайди.

Илк лирикада сатира элементларининг ана шу биринчи хили кўпроқ учрайди. Бу, албатта, табиий ҳолдир. Чунки шоир ижодининг дастлабки босқичи, бошқа кўп ижобий фазилатлар каби, сатира элементларининг ҳам тугилиб, ўсиб келаётган даври эди. Шунинг учун ҳам ёш шоирнинг дидига сатира элементларида традициянинг таъсири кўпроқ сезилиб туради. Хусусан, бу ҳол сатирик формадаги байтларнинг гоявий йўналиши ва ундаги тасвирий элементларда яққол кўзга ташланади.

Навоийнинг лирик қаҳрамони, асосан, диний фанатизм вакиллари бўлган шайх, воиз, зоҳид ва фақиҳларга қарши курашади. Лирик қаҳрамон улар билан қўйидаги масалаларда келиша олмайди ва уларнинг қолоқ дунёқарашига қарши курашади:

¹⁰⁰ 564, 33а-в.

¹⁰¹ 564, 127б-в.

¹⁰² 564, 126а-в.

1. Ишк масаласида. Навоийнинг лирик қаҳрамони — реал ҳаёт кишиси. Шунинг учун ҳам у — шу ҳаётнинг марказий фигураси бўлган инсон (ёр)нинг ошиғи. Унинг қалбида хилма-хил ҳис-туйғулар уйғотадиган идеал ҳам шу реал инсон — маъшуқадир. Шунинг учун унинг ички кечинмалари ҳам таал хусусиятларга эгадир. Диний фанатикларда эса бунинг аксии кўрамиз: улар мавҳум тушунчани ифодаловчи жаннат ҳурларини ўзларининг асосни идеаллари деб биладилар ва кишилар орасида ҳам шуни тарғиб қиласидар. Уларнинг бундан кузатган асосни мақсади — кишиларнинг диққатинн реал инсон ва унинг турмушидан четга тортиш, демак, турмушнинг барча реал масалаларидан четга тортиб, уларни пассибликка етаклаш, қоронгулиқда сақлашдир. Шунинг учун Навоийнинг лирик қаҳрамони (унинг салафларида бўлгани кабин) реакцион дин намояндлари билан бу масалада келиша олмайди ва уларнинг барча абстракт тушунчаларига реал инсонни — маъшуқасини қарама-қарши қўяди ҳамда реал инсоний фазилатларни улуғлади:

Ҳур ҳуснини қизиқроқ леди ул юздин шайх.
Сўрмагай бўйла совуғлуқ била инсон алфоз¹⁰³.

Ошиқу шайдолигимни манъ этар зоҳнд, кўрунг,
Ким ҳунар ҳам бор эмиш нодон киши оллида айб¹⁰⁴.

Қўп дема, воизки, ул қадду, лабу юз оллида
Тўбию кавсар била ҳури жинондин ким десун¹⁰⁵.

2. Май масаласида. Навоийнинг лирик қаҳрамони шодлик символи бўлган майни улуғлади, май ичиб, ўз вақтини қайғу-ғамдан узоқроқда шодлик билан ўтказишга интилади. Реакцион дин вакиллари эса май ичишни ман қиласидар. Бунинг эвазига улар жаннатдаги кавсар ва бошқа нозу неъматларни ваъда қиласидар. Хуллас, реал май билан жаннатдаги мавҳум май бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Шоирнинг лирик қаҳрамони эса биринчисини ёқлайди. Бу билан у, ўз-ўзида, улар ташвиқ қиласидар жаннат ва унинг неъматларини инкор этади. Шунинг учун у ўз фикри, нуқтаи назари ва фаолиятини ёқлаб, мутаассиб руҳонийларга очиқдан-очиқ қарши чиқади:

Неча тасбиҳинг ҳисоби, зоҳидо, ич бодаким,
Сену мендекларга худ бу коргоҳда не ҳисоб¹⁰⁶.

¹⁰³ 564, 66а-в.

¹⁰⁴ 564, 24б-в.

¹⁰⁵ 564, 114б-в.

¹⁰⁶ 564, 20б-в.

Чун Навоий қисмати жоми май ўлмиш, эй фақиҳ,
Сарзаниш айлаб, анга санги маломат отма кўп¹⁰⁷.

Агарчи тавба буюрдинг манга, бил, зоҳид,
Ки сингуси яна чун тутса дилстоп бода¹⁰⁸.

Навоийнинг лирик қаҳрамони бу билан чекланмай, ўзининг ғоявий душманларига қарши кескинроқ кураш бошлайди: уни ишқ ва майдан маҳрум қилмоқчи бўлган руҳонийлар устидан қаттиқроқ кулиб, уларни ҳақорат қилиш даражаси гача етади. Бундай ўринларда шоир қаламининг сатирик кучи кескин тус олади ва очиқ-ойдин кўринади. Энди лирик қаҳрамон уларнинг фикрини инкор қилиш билангина чекланмайди, балки улар ҳақида ўз ҳукмини ҳам чиқаради:

Реву ранг аҳли муриди бўлмағилким, Хизр эмас,
Хирқасин бир аҳмоқ этса бақли ҳамқодек ёшил¹⁰⁹.

Деди зоҳид: ул паридан ҳур умиди бирла кеч,
Эй Навоий, бўлмагай бу ҳадгача нодонлигим¹¹⁰.

Шайх дер: ишқни тарқ эт, санга ақл ўргатайин,
Эй Навоий, киши бўлгайму бу нодон янглиг¹¹¹.

Воиз айтур: ҳур умиди бирла ул ой таркин эт,
Эй Навоий, кўрки, ул бир гўли беидрок эмиш¹¹².

Мангандур бир пари матлубу зоҳид ҳурға толиб,
Қаҷон сұхбат чиқишишай, чунки мепимен телба — ул абллаҳ¹¹³.

Лирик қаҳрамон билан дин намояндалари ўртасидаги конфликтнинг пайдо бўлишига сабаб фақат уларнинг ишқ ва май масаласида келиша олмасликларигина эмас. Шунингдек, дин намояндаларининг сўзи билан иши ўртасидаги номутаносиблиқ, яъни уларнинг халқ олдида ўзларини бошқача тутиб, бошқача гапириб, хонақаҳда эса бутунлай ўз ташвиқотларининг тескарисини қилишлари, ярамас ишлар билан шуғулланишлари, маккорлик ва ҳийлакорликлари лирик қаҳрамон — шоирнинг уларга нисбатан бўлган нафратини янада кўчайтиради.

Демак, лирик қаҳрамон билан дин намояндалари (шайх, зоҳид, воиз, фақиҳ ва бошқалар) ўртасидаги конфликтнинг асоси уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфалари ва эътиқодларининг турлича бўлишидадир.

¹⁰⁷ 564, 306-в.

¹⁰⁸ 564, 1256-в.

¹⁰⁹ 564, 101а-в.

¹¹⁰ 564, 1096-в.

¹¹¹ 564, 696-в.

¹¹² 564, 616-в.

¹¹³ 564, 127а-в.

**Мену мүғ дайрнинең пириға құллуқ.
Ки шайхи шаҳр иши реву риёдур.**

Сену кавсарки, дайр ичра Навоий,
Бу давлатқа мушарраф ҳолиедур¹¹⁴.

Эй Навоий, хонақаң шайхи күп этгай зарқу макр
Пүқлуқ гсбобини мүғ дайридин осон чекмагил¹¹⁵.

Навоий ўзининг реакцион дин арбоблари ҳақидаги барча фикрларини «Хамса»га кирган «Ҳайратул аброр» достонининг тўртинчи мақолотида тўлиқ якунлайди. Лекин унинг шайхлар ҳақида лирик шеърларида, жумладан, илк шеърларида баён қилган фикрлари «Хамса»даги фикрлари билан зид эмас, балки унга мутаносибdir. Демак, унинг илк лирикасида шайхлар ҳақида чиқарган хulosалари «Ҳайратул аброр»даги маҳсус бобнинг дастлабки тезисларидир.

Мана, у «Хамса»да шайхлар, умуман, реакцион руҳонийлар ҳақида қандай ҳукм чиқаради:

Бу эл эрүр барча ёмондни ёмон,
Ҳар не йўқ андин ёмон — андин ёмон!¹¹⁶

Албатта, бу мослик тасодифий ҳол эмас. Бу ўхшашлик нинг манбай шоир ўз ижодининг турли этапларида қаламга олган тасвир объективининг умумийлиги ҳамда авторнинг ана шу объектга бўлган қарashi, муносабатининг барқарор ва мустаҳкамлигидадир.

Демак, Навоий илк лирикасидаги мутаассиб руҳонийларга қарши қаратилган сатирик элементларда традициянинг таъсири (хусусан, Хайём ва Ҳофиз традицияларининг таъсири) бўлса-да, бироқ шоир реакцион дин намояндадарининг риёкорлиги, маккорлигини тасвирлар экан, ҳар доим унинг кўз олдидаги замондош бўлган ва унга анча яқин турган хонақаң шайхларининг ифлос кирдикорлари турган.

Навоий шайхларни (умуман, реакцион дин вакилларини) фош этиб, уларни танқид қиласр экан, уларга ўзининг ижобий идеалини қарама-қарши қўяди. Унинг ижобий идеали ишқдан ҳам, майдан ҳам ҳаловат кўрувчи ринд ёки ринднамо кишидир.

Умуман, Навоийининг илк ғазалларидаги сатира элементлари шоир ижодидаги катта сатирик имконият ва сатирик талантнинг бошланғич намуналари бўлиб, бу талантнинг яхлит ва юксак маҳсулини шоир ижодининг кейинги этапларида истаганча топиш мумкин.

¹¹⁴ 564, 51а-в.

¹¹⁵ 564, 96б-в.

¹¹⁶ «Ҳэмсә», 27-бет.

Навоий ёшлик пайтидан ҳаёт ҳодисалари гирдобига тортилди. Бу унинг Абулқосим Бобир саройига хизматга кириши билан бошланди. У илк йигитлик йилларнинг Машҳадда — ўз ватани ва яқинларидан узоқда ўтказди. Ҳиротга қайтиб келгандан кейин ҳам моддий жиҳатдан қийналди, руҳни ёрдамга муҳтоҷ бўлди. Ўз шаҳрида ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан қийналган ёш шоир, баъзи бир объектив сабаблар тақозоси билан, Самарқандга кетишга мажбур бўлди. Унинг илк девонига кирган шеърлар эса худди ана шу даврларда яратилган. Шунинг учун ҳам бу шеърларнинг тематикаси, ғоявий мотивлари турли-туман бўлиб, ёш шоирнинг бир неча йиллик руҳий кайфияти ва интилишларини ўзида акс эттиради.

Навоийниг илк лирикаси билан танишар эканмиз, унинг лирик қаҳрамоини фақат садоқатли ошиқ, оташин майпараст (ринд) гина эмас, балки ҳаёт қонуниятлари ва ўз даври воқеалари ҳақида атрофлича мулоҳаза юритувчи мутафаккир сифатида ҳам гавдаланганинги кўрамиз. Шуни айтиш керакки, лирик қаҳрамон — шоирнинг мутафаккир сифатида юритган мулоҳазаларида, гарчи традициянинг излари мавжуд бўлса-да, унинг хусусий овози аниқ эшитилиб туради.

Ёш мутафаккирни кўпинча ўз замонасининг йирик, актуал масалалари қизиқтиради ва у ана шу масалалар хусусида ўз фикрини айтади, ўз хулосасини чиқаради. Унинг бу соҳадаги фикрлари, асосан, фалсафий, ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий масалаларга тааллуқлидир.

Лирик қаҳрамон — шоирнинг диққатини ўзига тортадиган, уни ўйлантирадиган масалалардан бири дунё, ҳаёт масаласидир. У ҳаёт оқимини кузатар экан, унинг сирларини, кўз олдидаги доимий равишда иамоён бўлиб турган воқеаларнинг асл сабабини билишни истайди, ўз фикрини образли, баъзан символик формада ва баъзан очиқ ифодалайди:

Кесар юз нахлни ҳар дам, қилур юз сарвни хуррам,
Таажжуб кўрки, бу гулшанда бўлмас боғбон пайдо.
Ҳазар қўймоқ қазо жаллодидин бўлмаски, йиллардур
Қилур қатл, уйлаким, не тийф ўлур пайдо, не қон пайдо¹¹⁷.

У мана бу байтда ҳам дунё ва унинг сирларига таажжубланиб қарайди:

Инқомади кўк гунбазин, ёғиб ҳаводис ёмғури,
Ким сувар эркин чиқиб томинн бу кошонанинг¹¹⁸.

¹¹⁷ 564, 126-в.

¹¹⁸ 564, 776-в.

Лирик қаҳрамон — шоир дунё сирлари ҳақида ўйлаб, мулоҳаза юргизади, бироқ аниқ жавоб топа олмайди. Шундан сўнг у бу муаммоларни ечиш мүмкин эмас, деган фикрга келади ва бу ҳақда бош қотириб ўтириши беҳуда деб билади:

Ема бўлча мино рамузи ҳаллига ғам,
Май ички, топмади ҳеч ким бу сафҳага мазмун¹¹⁹.

Навоийнинг бу байти Ҳофизнинг қўйидаги байти билан мазмунан ҳамоҳангидир:

Ҳадис аз мутрибу май гўву рози даҳр камтар чў;
Ки кас накшуду накшояд ба ҳикмат ин муамморо¹²⁰.

(Созанда ва майдан гапир, дунё сирлари билан камроқ машғул бўл. Чунки бу муаммони ҳеч ким ҳикмат билан еча олган эмас ва еча олмайди.).

Лирик қаҳрамон — шоир ҳаётни, дунёни севади. У борлиқ — оламни гоҳ муаттар гулшанга, гоҳ мунаққаш иморатга ўҳшатади. Бироқ (Навоийча) ҳаётдаги мавжуд нарсаларнинг абадий эмаслиги, умуман киши ҳаётнинг ўткинчилиги уни афсуслантиради. У шундай гўзал борлиқда абадийликнинг йўқлигини дунёнинг — ҳаётнинг жиддий нуқсони деб билади ва бу ҳақда аччиқ қайфуради:

Чарх айвони мунаққашдур vale наққоши сун
Чекмади нақши вафо бу тоқи минокорда¹²¹.
Даҳр ҳуш гулшан эрур, найтайким,
Йўқ вафо гулларидин зевар анго¹²².
Афғонки, ҳазон оғатидин қолмади солим.
Ҳар сарви гуландомки бу гулшан ародур¹²³.

Навоийнинг лирик қаҳрамони ана шундай мулоҳазалардан кейин турли кайфиятга тушади ва бир-бирига зид бўлган фикрлар баён қиласди. У баъзан ҳаёт ҳодисалари, қонунлари олдида лол қолади, умидсизликка тушади ва ўзини ҳаётда ўткинчи йўловчи каби сезади. Ҳаётдаги барча нарсалардан қўй силтайди. У ҳаётга бефарқ, умидсизлик билан қаровчи шахс сифатида гавдаланади ва ўзининг маҳдуд фикрларини шундай ифодалайди:

Ҳаёт ичра бақо чун мумкин эрмас, Нух бўлспинким,
Ўлар ҳолатда тугмай ўлган ўғли бирла яксондур¹²⁴.

¹¹⁹ 564, 113б-в.

¹²⁰ Ҳофизи Шерозӣ, Мунтаҳаби девон, саҳифа 34.

¹²¹ 564, 119а-в.

¹²² 564, 66-в.

¹²³ 564, 51б-в.

¹²⁴ 564, 52б-в.

Қўйма бу манзилу масканға кўнгулким зиндор,
Онгла йўл ўтқучилик, ўзин мечмон янглиғ¹²⁵.

Бироқ бундай характердаги байтлар ва газаллар билан ёнма-ён турган шундай байтларни ҳам учратамизки, уларда лирик қаҳрамон — шоир бутунлай бошқача қиёфада намоён бўлади. У — ҳаётни севувчи, ҳаёт гўзалликларидан завқла-нувчи ва шу ҳаётни шодлик билан ўтказиш тарафдори. Бундай байтлар ва газаллардан Хайём рубонийларпининг ҳаёт-бахш ҳиди келиб туради. Қўйидагилар ана шундай байтларнинг айримлари:

Даҳр боғида неча кунким тириксен, айш қиј,
Ким яна топмоқ эмас маълум бу бўстон қиби¹²⁶.

Васлу замоне бул ажаб, соқий, қадах тут лаб-балаб,
Мутриб, тузат савти тараф, ўткар, Навоий, бир газал¹²⁷.

Навоий, сабжа ччра ич майи лаъл,
Ки солмиш тоғ аро даврон зумуррад¹²⁸.

Умуман, Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳаётни, шодликни куйловчи оптимист бўлса-да, бироқ унинг фикрлари, кечин-маларида биз юқорида кўрган сингари маълум зиддиятлар мавжуд. Бу зиддиятларнинг юзага келиши сабаби, асосан, қўйидагича:

1. Навоийнинг ҳаёт ва унинг қонуниятлари ҳақида фикр юритилган ғазал ва байтлари традицион характерга эгадир. Ёш шоир ана шундай характердаги шеърларни кўпроқ ўз салафлари ижодидан таъсирланиб, уларга эргашиб ёзган. Шунинг учун ага шу руҳдаги шеърлар ўз мундарижаси билан ҳам, услуби билан ҳам ажралиб туради.

2. Навоий ижодида мунгли, ғамгин ва пассив мисраларнинг пайдо бўлиши шоирнинг ҳаёт шароити, у ижод қилган муҳит билан боғлиқ ҳодисадир. Навоийнинг ўзи илк девонидаги газалларининг бирида ижодининг ана шу томонини се-зиб, унинг сабабини қўйидагича кўрсатади:

Гар Навоий бўлбуле эрди хушилҳон, кўрки, ҳажр
Навҳа ранги кўргузур ҳар дам онинг илҳонида¹²⁹.

Авторнинг ўз фикрига кўра, унинг ғазаллари орасида учрайдиган баъзи бир мунгли, йиғлоқи байтларнинг туғилишига сабаб ҳижрон дақиқалари ва ҳижрон азобларининг унга

¹²⁵ 564, 696-в.

¹²⁶ 564, 131а-в.

¹²⁷ 564, 976-в.

¹²⁸ 564, 43а-в.

¹²⁹ 564, 122а-в.

үтказган таъсиридир. Ҷасида эса у — хурсандлик, шодлик куйчиси (хушилхон). Шунингдек, Навоий шеърлари орасидаги айрим зиддиятли, маҳдуд фикрларни ифодалаган байтлар ҳам бир лаҳзали ҳиссият, кайфиятнинг меваси бўлиб, бу шоир яшаган муҳитнинг таъсири, унинг аксиидир. Шунинг учун ҳам юқоридағи каби байтлар, умуман, Навоийнинг икчи лирикасидаги етакчи тенденциялар қаторига кирмайди.

Лирик қаҳрамон — мутафаккир хаёлини банд қилган масалалардан бири — вафо масаласидир. Ёш шоир ўз шеърлари орасида бу масалага катта ўрин беради. Албатта, бу шоирнинг замон билан, давр воқеалари билан яқиндан боғланганлиги туфайли юзага келган. Чунки Навоий ёшлигидан ҳаётнинг турли соҳаларига яқинлашди. У оғир кунларни, руҳий тазиикларни бошидан кечирди. Турли тоифадаги кишилар билан учрашиди. Уларнинг ўзаро турли хил муносабатларининг шоҳиди бўлди. Бу эса унга кишилар орасидаги муносабатларнинг энг муҳим ва етакчи хусусиятларини пайқаб олишга имкон берди. Шунинг учун ҳам ёш шоир, зийрак мутафаккир сифатида, ўз даврининг муҳим ахлоқий-дидактик масалаларидан бири — вафо ва вафодорлик ҳақида фикр юритишга мажбур бўлади.

Навоийнинг вафо ҳақидағи фикрлари, асосан, айрим байтларда ифодаланган бўлиб, бошқа темадаги шеърлар таркибида (кўпинча ишқ, май ва ҳижрон мотивлари кўйланган ғазаллар таркибида) лирик чекиниш сифатида учрайди. Бироқ бу байтлар иккинчи даражали эмас, балки автор томонидан маълум мақсад билан атайлаб келтирилган бўлиб, унинг ўз даврига, замонасига ва ўз замондошларига бўлган муносабатини билдиради.

Лирик қаҳрамон — шоир ўз замондошлари билан доимий равиша алоқада бўлиб, улар ўртасидаги муносабатларни диққат билан кузатиб, охири шундай хуласага келади:

Ҳар неча қилдим вафо, кўргуздилар жавр, эй кўнгул,
Айб қилма, гар замон абносидин ёд айламон¹³⁰.

Давр элнда гар вафо йўқ, сен вафо қилғил валек
Кимни ҳушҳол этсанг, ондин тут ўзунгга юз малол¹³¹.

Шоир ўз даврида вафоли элнинг хору зор, бевафоларнинг эса азиз ва қўли баланд эканлигини ҳам очиқ-ойдин фош этади:

Бевафолар — ўт, вафо аҳли эрур түфроғким,
Чархдин ул саркаш ўлди, бу доғи помолдур¹³².

¹³⁰ 564, 116а-в.

¹³¹ 564, 96а-в.

¹³² 564, 48б-в.

Авторнинг фикри ўз даври учун характерли бўлган во-
қеликнинг реалистик ифодасидир. Бунинг қанчалик реал,
тўғри эканлигига ишониш учун Навоийнинг биографиясига
бир назар ташлашнинг ўзи кифоядир. Автор ўз даврининг
ана шу зилдиятли томонини қўйидаги парчада усталик билан
фош этади ва ўз истагини баён қиласди:

Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар йўқтур кўнгулга, ништар ҳам бўлмаса.¹³³

Олам аҳли базмидин гар йўқ жигаргун соғаре,
Кошки юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам бўлмаса¹³³.

Лекин лирик қаҳрамон — шоир бу билангина чекланмайди. У вафо аҳлининг оғир аҳволи, вафосиз элнинг зулмини кўрганда ўзини тута олмай, умумга қараб бор овози билап мурожаат қиласди:

Неча жафою ситам тортқай аҳлп вафо.
Даҳри жафо пешадин, чархи ситамкордин?!¹³⁴

Албатта, у ўз саволига жавоб топа олмайди. Вафосиз кишилар орасида ўзини бегонадай ҳис этади. Шунинг учун ўз замондошларининг бевафолиги ҳақида кескин хулоса чиқарди ва бу замоида вафоли кишиларни қидириб топиш анқонинг тухумини топиш билан тенг, деган қарорга келади. Ўзининг бу ҳақдаги фикрини у қўйидагича ифодалайди:

Одам ўрнига пари ошиқи бўлдумки, ул
Одамсилизиг аро бўлмагай инсон янглиғ¹³⁵.

Бевафолар рағмиға севдим парини, эй кўнгул,
Ким вафо изҳори жинси одамизод айламас¹³⁶.

Умуман, Навоийнинг вафо ҳақидаги байтлари ўз давридаги ижтимоий, ахлоқий муносабатларнинг инъикоси бўлиб, реалистик характерга эгадир. Бу хил шеърларда авторнинг ўз замонасига бўлган муносабати, ахлоқий-ижтимоий қарашлари ҳамда шахси анча тўлиқ акс этган.

Навоий мутафаккир сифатида анча кенг мулоҳаза юритган ижтимоий-сиёсий масалалардан бири шоҳлар масаласидир. Бу масала Навоийнинг бутун ҳаёти давомида уни ўзига тортган ва адабий ишида ҳам, амалий фаолиятида ҳам диққат марказида турган адолат проблемаси билан чамбарчас боғлиқдир. Зотан, Навоийни шоҳлар ҳақида фикр

¹³³ 564, 156—16а-в.

¹³⁴ 564, 111а-в.

¹³⁵ 564, 60б-в.

¹³⁶ 564, 58б-в.

юритиб, уларга нисбатан ўз баҳосини беришга мажбур қилған масала ҳам адолатдир.

Маълумки, Навоий ёшлиқдан оқ шоҳ хизматига кирди. Шу даврдан бошлаб унинг бутун ҳаёт йўли шоҳ саройи билан (турли даврларда турли даражада) боғлангандир. Узининг амалий фаолиятида доимо адолат учун курашди, шоҳларни адолатга етаклашга уринди. Узининг одил шоҳ тўгрисидаги идеалини эса «Хамса»да бутун тўлалиги билан акс эттириди.

Навоийнинг адолат, одил шоҳ ҳақидаги орзу ва идеаллари анча эрта шаклланган бўлиб, бу унинг илк лирикасида ҳам маълум даражада акс этган. Автор замонасига ўз идеаллари нуқтаи назаридан ёндашиб, ўз давридаги шоҳларнинг баъзи бир томонларини фош қилишга интилади, уларга нисбатан ўз муносабатини бндиришга ҳаракат қиласди. Муҳими шундаки, Навоийнинг шоҳлар ҳақидаги фикрлари факат айrim байтлардагина эмас, балки баъзан бир неча байтда ифодаланади. Ҳатто, айrim ғазаллар тўғридан-тўғри шонирнинг шоҳлар ҳақидаги характеристикаси билан бошланади ва ғазалдаги байтларнинг асосий кўпчилигига адолат масаласига доир фикр юритилади. Умуман, бу, шоир илк ижодидаёқ адолатли шоҳ масаласига асосий масалалардан бири сифатида қарай бошлаганлигини кўрсатади.

Навоий шоҳларнинг адолатсизлиги, золимлнгини тасвирлашда турли хил усусларни қўллайди. У баъзи ўринларда ўз мақсадини ёрдан шикоят қилиш, унинг адолатсизлигини тасвирлаш орқали ифодаласа, бошқа бир ўринда тўғридан-тўғри баён қиласди ва баъзи ўринларда фикрни имо-ишора йўли билан символик равища баён қилса, иккинчи бир ўринда параллелизм приёмини қўллайди. Бироқ ҳар қандай пайтда ҳам авторнинг асл мақсади ўқувчига тездан етиб боради. Лекин шуниси характерники, автор ўз фикри қайси шоҳга нисбатан айтилганлигига кўпинча ишора қилмайди (бу ўша вақтда мумкин ҳам эмас эди), балки умумий равища фикр юритади, яъни гап ўз эгасини топади қабилида иш тутади.

Бошима шуълаи ҳижрон туашқандин эмас оғаҳ,
Висол авжи уза бошиға олтун тсж қўйган шаҳ.

Биравким, бир пари девонавор этгай анга қуллуқ,
Не билгай ҳолин онингким, пари девона этмиш, ваҳ.

Бало ҷоҳи гирифтори ҳалокин, ваҳ, қачон билсун,
Сиёсатгоҳида тутқунларига улки қозгай чаҳ.

Не воқиф васл мисри ичра манзил айлаган шоҳе
Гадодинким, анга вайронай ҳижрон ўлди манзилгаҳ...¹³⁷

¹³⁷ 564, 127a-в.

Бу байтларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, автор буларда ҳаётий муроҳада асосида ғиқарган холосаларини умумий фалсафий тезислар сифатида баён қиласди. Навоий бошқа бир ғазалини ҳам худди шундай характерда бошлайди. Шеърнинг холосаси ҳам шоирнинг ана шу масалага доир мақсади, мурожаати билан тугайди:

Форигу озода билмас мубталолардин хабар,
Шоҳ кўнглида қачон бўлгай гадолардин хабар.

Тут Навоий ҳолидин гоҳи хабарким, айб эмас,
Гар навозиш аҳли тутса бенаволардин хабар¹³⁸.

Навоий, албатта, шоҳлик тузумига қарши эмас эди. У адолат асосига қурилган (бундай бўлиши мумкин эмас) монархия тарафдори эди. У адолатли шоҳни орзу қиласди. Шундай шоҳ бўлган тақдирда мамлакат обод, халқ турмуши фаровон бўлади деб ўйлар эди. Бироқ у феодализм шароитида, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик мавжуд бўлган бир пайтда адолат ўрнатишини орзу қилди. Навоий адолатли, маърифатли шоҳни орзу қилди. Унинг идеали ҳаётий ҳақиқат билан тўқнашиб турди. Бу эса шоирда норозиликни юзага келтирди. У эпик асарларида ўз идеали — одил шоҳ образини яратибгина қолмай, ўз давридаги шоҳлардан норозилигини ҳам ифодалайди. Ҳатто, айрим ўринларда золим шеҳларни қаттиқ танқид қилишга (албатта, умумий ҳолда) ҳам журъат қилди. Шоирнинг золим шоҳлар ҳақидаги заҳархандалари унинг илк ғазалларида ҳам анчагина ўрин тутади. У адолатсиз, золим шоҳлар ҳақидаги ўз мулоҳазаси, уларга бўлган муносабатини кўпинча ишқий шеърлар таркибида параллелизм приёми воситасида, тасвирланаётган воқеа-ҳодисага нисбатан ўхшатиш формасида баён қиласди:

Кишвари ишқ ичра золим шаҳдур ул султони ҳусн,
Ким кўнгуллар мулкидин жон нақдипи олур хирож¹³⁹.

Кўнглум олди ишқу итти ақлу, сабру дин, бу дам
Ул бузуғ мулк ичра золим шаҳга истиқлолдур¹⁴⁰.

Навоий фақат шоҳларнинг золимлигини фош қилиш билан чегараланмайди. У ана шу золимларни адолатга ташвиқ ҳам қиласди. Бу мақсадини у баъзан очиқ, баъзан эса турли имо-ишоралар воситасида амалга оширади. Масалан, у шоҳларнинг тақдирини ёниб турган шам мисолида шундай тасвирлайди:

¹³⁸ 564, 496-в.

¹³⁹ 564, 366-в.

¹⁴⁰ 564, 486-в.

Бу шабистон ичра келди фарқиға тийғ үзәр тийг,
Боши үзәр чунки қўйди тожи зар шоҳона шамъ¹⁴¹.

Бу шоир яшаган феодализм шароити учун ҳарактерли ҳодиса эди. Чунки доимий тож-тахт курашлари оқибатида деярли аксар шоҳларнинг тақдиди фожиали равишда тутаг эди. Шоир ана шу реал ҳодисани символик равишда усталик билан тасвирлаган.

Автор қўйидаги байтда шоҳга тўғридан-тўғри мурожаат қилиб, униadolatga ундайди:

Тажаммул раҳтидин, эй шаҳ, гадоға қылма истиғно,
Чу боғлар раҳт бу дайри фанодин гар гадо, гар шаҳ¹⁴².

Умуман, Навоийнииг илк лирикасида унинг лирик қаҳрамони адолат ҳақида анча кенг фикр юритади. Бу Навоийнииг одил шоҳ ҳақидаги идеали унинг илк ижодидаёқ маълум даражада шаклланиб етганлигидан далолат қиласди.

Лирик қаҳрамон — шоир хаёлини банд қилган масалалар анча кенг ва хилма-хилдир. У қатор сиёсий, фалсафий ва ижтимоий масалаларга ҳам озми-кўпми тўхтаб ўтади. Навоий газаллари орасида шундай байтлар мавжудки, уларнинг хар бирида маълум бир ижтимоий-фалсафий фикр ўртага ташланади. Ана шулардан баъзиларини кўриб ўтайлик:

Бил, Навоийки, талаб бирла топилмас мақсад,
Лек тобқандা доги бор эди албатта талаб¹⁴³.

Навоий шу бир байтда анча чуқур ва объектив бўлган фалсафий фикрни баён қиласди:

Биринчидан, фақат талаб, истажнинг ўзи билангина кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди. Демак, мақсадга эришиш учун интилиш, курашиш керак (гарчи шоир кейинги фикрини очиқ айтмаса-да, мисранинг мазмунидан шу хўлоса чиқади).

Иккинчидан, инсоннинг талаби чексиздир. Киши, бир талаби қондирнлгач, ундан юқоририоғига интилади. Бу табиий қонуниятдир.

Навоий эстетиканинг муҳим масалаларидан бири бўлган форма ва мазмун масаласида ҳам ўзининг тўғри фикрини беради. Унинг қўйидаги байти сўз, поэзия ҳақида айтилган бўлса-да, бу фикр, умуман, форма билан мазмун ва бунда мазмуннинг етакчилик роли масаласи билан бөглиқ, ана шу масаланинг бир қисмидир:

Қил, Навоий, сўз аро маъни қасд,
Истама, уйлаки, суратбин лағез¹⁴⁴.

¹⁴¹ 564, 68а-в.

¹⁴² 564, 124а-в.

¹⁴³ 564, 32а-в.

¹⁴⁴ 564, 66а-в.

Лирик қаҳрамон — шоир ахлоқий-дидактика масалалар устида ҳам мулоҳаза юритади, ўзининг кўпгина байтларида ана шу масаланинг баъзи бир томонлари ҳақида тўхталади.

Шоир кишининг энг юксак фазилатларидан бири — камтарлик, хоксорлик деб билади. Кишиларни (ўз-ўзига мурожаат қилиш орқали) камтар бўлишга, мағрурланмасликка ундаиди. У мағрур инсонларни шайтон («мардуд») деб билади.

Эй Навоий, ўзин мақбул истасанг, туфроқ бўл.
Ким эйур мардуд, улким бошида пиндори бор¹⁴⁵.

Шоир бойлик орттириб, ҳалқа заррача фойда етказмаган хасис, зиқна кишиларни ҳам қаттиқ қоралайди. Бундай кишиларга ўз молу дунёси билан ер қаърига чўкиб кетган афсонавий бой Қорун воқеасини эслатиб, уларининг фаолиятини қоралайди.

Молдин умрупгга осойиш агар етмас, не суд.
Нуҳ умрин ҳосил этсанг, ганжи қорун қозғониб¹⁴⁶.

Умуман, Навоийнинг илк лирикасида лирик қаҳрамон мутафаккир сифатида ҳаётнинг турли масалалари (фалсафий-сиёсий, ахлоқий-ижтимоий) устида фикр юритади. Ҳар бир масалага ўзининг субъектив муносабатини билдиради. Бундай характердаги шеърларда шоирнинг шахси ҳаммадан кўра тўлароқ акс этган.

Хуллас, Навоий илк ижоди билан, энг аввало, ўз даврининг гуманисти сифатида кўзга ташланади. Унинг шеърларидаги барча гоявий мотивлар унинг гуманизмига бориб қадалади ва унга бўйсунади. Чунки Навоий ўзини қизиқтирган ҳар бир масалага ўзининг гуманистик позициясида туриб ёндашган ва ҳар бир масалани шу нуқтаи назардан баҳолаган. Шунинг учун ҳам Навоийнинг илк лирикаси ўзининг ана шу хусусияти билан уйгониш лаври адабиётининг буюк титанлари ижодига яқин туради.

¹⁴⁵ 564, 446-в.

¹⁴⁶ 564, 26а-в.

НАВОИЙ ИЛҚ ЛИРИКАСИНинг БАЪЗИ БИР ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек классик лирикаси Навоий ижодида камолот босқи-
чига кўтарилиди. Шунинг учун ҳам унинг барча фазилатлари
Навоий лирикасида ўз аксини топган. Бироқ Навоий ўзига
қадар яратилган барча бадиий восита ҳамда усувлар арсе-
налини эгаллаб, ўзлаштирибгина қолмади. Балки у новатор
шоир сифатида ўзига қадар мавжуд бўлган ҳар бир поэтик
деталга танқидий ёндашди, уларнинг айримларини янада
ривожлантириб, имконият доирасини кенгайтириди, шунинг-
дек, ўзи ҳам хилма-хил адабий приёмларни вужудга келтир-
дники, бу унинг лирикаспга агадий ва ҳаққоний шухрат там-
ғасини босди.

Навоий лирикаси учун хос бўлган энг муҳим хусусият-
ларнинг кўпчилиги унинг илк ижодидаёқ ниш ура бошлаган,
ҳатто баъзилари шаклланиб ҳам етган. Буни Навоийнинг илк
лирикасидаги баъзи бир бадиий приёмлар ва воситалар ми-
солида аниқ кўришимиз мумкин.

Биз Навоий илк лирикасининг муҳим хусусиятларидан
айримларини бундан олдинги бобда ҳам кўриб ўтган эдик.
Улар ҳақида муфассал тўхтамасакда, эслатиб ўтишни зарур
деб ҳисоблаймиз. Навоий илк лирикасининг ана шу энг му-
ҳим хусусиятларидан бири — унинг сюжетлилигидир. Бу
хусусият Навоийнинг илк ижодида вужудга келган бўлиб,
унинг шеърларини ўз салафлари лирикасидан фарқ қиласиди-
ган ва ҳатто устун қўядиган фазилатлардан биридир. Бу хил
шеърларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, ҳар бир ғазал
яхлит бир организм бўлиб, унинг байтлари бир-бири билан
мантиқан bogланади. Натижада ғазалда изчил йўналишга
эга бўлган сюжет (сюжет кенг маънода) ҳосил бўлади. Шу-
нинг учун ҳам Навоийнинг ана шу типдаги кўпчилик ғазал-
лари бирор ҳаётий лавҳани ўзида акс эттирган тасвирий
санъат асарларини эслатади. Бу автордаги фикр ва ижодий
фантазиянинг яхлит ва изчиллигидан далолат қиласиди. Бунинг

учун қўйидаги матлалар билан бошланувчи иккى ғазални эслашнинг ўзи кифоя:

Кечакелгумдур дебон ул шўхи бадхў келмади,
Кўзларимга кечаке тснг отгунча уйқу келмади...¹
Ҳаво хуш эрдию олимимда бир қадаҳ май ноб.
Ичар эдим вате гамдин қадаҳ — қадаҳ хуноб...²

Навоий илк лирикаси учун энг характерли бўлган приёмлардан бири тадриж приёмиdir. Бунда газалнинг асосига битта образ қўйилади (образ кенг маънода) ва шу образ газалнинг бошидан охирига қадар тадрижий равишда очила боради, яъни ғазалдаги ҳар бир байт ўзидан олдинги байтда ифодаланган фикрни давом эттиради, ривожлантиради. Умуман, бир бутун газалда битта образ атрофида гап боради. Унинг турли хусусиятлари изчиллик билан очила боради. Шу асосда лирик қаҳрамоннинг ана шу образ — воқеага бўлган муносабати, унинг ички кечинмалари очиб берилади. Масалан, қўйидаги ғазалда гап фақат маъшуқанинг рўмоли устида боради. Ғазалнинг бошидан охирига қадар ана шу рўмолнинг хусусиятлари тасвирланади. Шу асосда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари — унинг ёриға нисбатан оташин муҳаббати, садоқати ва унга бўлган интилиши очила боради:

Ёғлигин, эйким, тикарсен, игна мужгонимни қил,
Нақш этарда тори онинг риштани жонимни қил.

Истасанг торин қизил ёхуд қаро қилмоққа ранг,
Кўз қаросин ҳал қилиб, кўздин оқар қонимни қил.

Гар десанг ҳар ён қизил гуллар қилай нусхат анго,
Кўксум очиб, тоза қонлиғи дого ҳижронимни қил.

Гунчалар гул ёнида тикмак тахайюл айласанг,
Анга нусхат кўнгугул отлиғ зори ҳайронимни қил.

Гар десанг ҳар ён пари шакли намудор айлайин,
Ваҳ, не навъ айтай вате манзур жононимни қил.

Қилсанг ул ёғлиғ аро бир шеър ҳам ёзмоқ ҳавас,
Онда бир ён нақш бу назми паришонимни қил.

¹ 564, 1296—130a·b.

² 564, 216—22a·b. Бу ғазал устида филология фанлари кандидати М. Шайхзода «Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари хақида («Фаронibus-сигар» девони бўйича)» номли мақоласида батафсил фикр юритган. Шунинг учун биз бу шеър устида тўхталмаймиз ва фақат умуман Навоий лирикасининг энг нодир намуналаридан бири бўлган ана шу ғазал шоирининг илк ижодига мансуб эканлигини таъкидлаш билал қифояланамиз. Қаранг: «Ўзбек адабиёти масалаларин» (адабий-танқидий мақолалар), Тошкент, Ўззадабийнашр, 1959.

Эй Навоий, кимки бу еглигни тикса ёр учун,
Музд жоним жавҳарию нақди имонимни қил³.

Кўриниб турибдики, шеърнинг бутун структураси ягона бир образ асосига қурпаган. Тасвир обьекти ҳисобланган образ (ёғлиғ — рўмол)нинг хусусиятлари байтма-байт таъвирланиб, шунга параллел равишда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ҳам очила боради. Газалнинг бошидаги умумий образ (рўмол)нинг хусусиятлари бирин-кетин очила бориб, хулоса ясалади. Шу билан бирга, лирик қаҳрамоннинг кечинмалари ҳам тўлиқ очилиб, хулосаланади. Шу газалнинг умумий мазмуни қўйидаги уч босқепчла намоён бўлади:

1. Тезис: ёр учун рўмол тикиш лозим.
2. Тикиладиган рўмолнинг хусусиятлари ва унга зарур бўлган материаллар.

3. Хулоса: ана шу рўмолни тиккан кишини тақдирлаш. Шу босқичда лирик қаҳрамоннинг кечинмалари кульминацион нуқтага чиқади ва ҳал бўлади — у рўмол тиккан одамга ўз жони ва имонини иш ҳақи эвазига ҳадя қилмоқчи. Умуман, бу (ва шу сингари) газалда тасвир обьекти (рўмол) битта бўлиб, ана шу обьект (тўғрироғи, тасвирий элементлар)нинг натижаси бўлмиш лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ҳам тадрижий равишда очила боради.

Қўйидаги газалда эса бошдан-охиригача маъшуқанинг бетоблиги устида гаи боради. Бетоб ётган маъшуқанинг ҳолати — кайфияти тасвирланиб, шу асосда лирик қаҳрамоннинг юрак тепиши, кечинмалари очила боради:

Заъфлиқдур дедилар ул бути маҳсиймони.
Жон фидою тан анга садқа, қўнгул қурбони.
Улки жонимдурур ул, бўлса бу янеглиг ранжур,
Қайда бўлгай мени бедилга ҳаёт имкони?!
Кўзидек ҳуллап гулранг уза ётмиш бемор,
Е эрур даврида қатъ айлаган әлнинг қони.
Дўстлар, олдода отимни тута олмасангиз,
Нақди жонимни бошига эвурунг пинҳони.
Барги тул узра дегай шаҳд ёпушмиш кўрган,
Буки тутмишдур учук ул лаби шаккархони.
Садақа чунки балоларни рад айлар, ё раб,
Жон анга садқа қиласай, манга багиша они.
Эй Навоий, ёна дам урмаки, ул ой дер эмиш,
Ким кеча уйқуга қўйимас мешн ит афгоши⁴.

Бу газалда тасвир бир текисда бормайди, балки автор икки ерда (IV, VI байтларда) лирик чекиниш ясади. Бу, албатта, лирик қаҳрамоннинг кайфияти (ёрининг бетоблиги-

³ 564, 996—100а-в.

⁴ 564, 1366-в.

ни эшитган ошиқ ташвишланади, ҳаяжонланади ва қалби нотекис тепади), ички кечинмаларининг ифодасидир.

Навоийнинг илк лирикасида биз кўрган ана шу хусусиятга жуда яқин турган, бироқ специфик хусусиятга эга бўлган яна бир усулни кўрамиз. Бу усулнинг характерли томони шундаки, автор лирик қаҳрамон кайфияти, кечинмаларини тасвирилашда асосиёт восиёта сифатида ранглардан фойдаланади. Битта газалда бошдан-охирига қалар тасвир фақет битта ранг билан бояланган ҳолда боради. Газалдаги бутун тасвирий элементлар бир хил тусда (рангда) намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, шоир бутун борлиққа рангли ойна орқали боқади, шунинг учун ҳам унинг қаршисида турган барча нарсалар унинг назарида бир хил тусда (ойнанинг рангида) намоён бўлади. Бу, албатта, лирик қаҳрамон кечинмаларини очишнинг бир усули бўлиб, пейзаж лирикасининг ўзига хос оригинал кўринишидир⁵. Чунки газалдаи тасвирий элементлар қандай рангда бўлса, бу, символик равишда, лирик қаҳрамоннинг ўша пайтдаги кайфияти, кечинмалари қандай ҳолатда эканлигини билдиради. Буни биринки фазал мисолида кўриб ўтайлик:

Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жононимдадур.

Оташин лаъледурурким, снда музмар бўлди жон,
Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур.

Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли раш,
Ё либоси лолагуи сарви хиромонимдадур.

Васл шоми куймаған парвона шояд қолмагай,
Бу шафақгун ҳуллаким шамъи шабистонимдадур.

Тутмасун гул суҳбатидин сарв ўзин кўп сарфароз,
Эй сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.

Соқнё, гулранг май солиб, кетур иаймонаким,
Зуҳд биймидин ҳалал ишқ ичра паймонимдадур.

Эй Навоий, истама жон булбулни ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур⁶.

Бу газалда барча тасвирий элементлар шоирнинг кўзига: қизил бўлиб кўринади. Натижада лирик қаҳрамоннинг кайфияти, ички кечинмалари ҳам шу асосда намоён бўлади: лирик қаҳрамон қалби ишқ ўтида ёниб, аллангаланиб турган оташин бир ошиқ сифатида гавдаланади. Зотан, авторнинг

⁵ Бу приёмни биз «ранглар символизацияси» деб атаспи муносиб топдик—Е. И.

⁶ 564, 45а-в.

қизил рангга мурожаат қилишидан мақсади ҳам ўз лирик қаҳрамонининг айрим бир ҳолатини — ишқи туғенга келиб, қалби чўғдек қизиган пайтини тасвирилашди. Шунинг учун ҳам маъшуқа қизил тўнда намоён бўлади. Буни кўрган ошиқнинг ёрга бўлган муҳаббати янада зўрайди, қалби ҳаги муҳаббат чўғлари аланга олади. Бунинг иситмаси бутун баданини чулғаб олади — унинг кўзларига «қон тўлади». Натижада унинг кўзига бутун олам қип-қизил бўлиб кўринади.

Қуйидаги газалда эса гап «савсанни» ранг атрофида боради ва лирик қаҳрамоннинг кайфияти, кечинмалари шунга мос ҳолда намоён бўлади:

Савсанни тўн бирла ул қад савсанни озод эрур,
Е бинавша баргидин зеб айлаган шамшод эрур.

Қозғоли ғам бестун тогин Навоий илқида,
Ваҳки, савсан барги эрмас, тешан Фарҳод эрур⁷.

Шунингдек, Навоий илк лирикасида қора (лирик қаҳрамон мотамли ҳолатда), сариқ (лирик қаҳрамон ҳазин, эзиған) ва бошқа рангларга доир газаллар ҳам мавжудки, булар Навоий лирикасида тасодифий ҳодиса бўлмай, балки бир система ҳолида эканлигидан далолат қиласи. Навоий фақат лирик асарларидағина эмас, балки эпик асари «Хамса»да ҳам характер яратишида ранглардан фойдаланади. «Саъбаи сайёр» достонидаги етти мусофириңнинг ҳикояси етти хил рангдаги етти қасрда баён қилинади ва ҳар бир қасрнинг ранги, символик равишда, баён қилинажак воқеанинг мазмуни, ғоявий йўналишидан дарак беради. Демак, Навоийда ранглардан фойдаланиш усули тадриж приёмига яқин бўлган бир усул бўлиб, авторнинг ўз ғоявий муддаосини символик йўлда изҳор қилиш ҳамда лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ички кечинмаларини очиб бериш воситаларидан, тўғрироғи, усулларидан биридир.

Навоийнинг илк лирикасида энг кўп учрайдиган приёмирлардан бири параллелизмдир. Бу приёмнинг хусусияти шундаки, автор уни фақат алоҳида-алоҳида байтлардагина қўйлади. Бу усулнинг асосида тасвири этилаётган воқеа-ҳодисаларнинг шаклан ёки мазмунан, ёхуд функция жиҳатидан ўҳашаликлари ётади. Бироқ ҳар икки мисра ҳам ўз-ўзича мустақил бўлиб, уларни бир-бирига яқинлаштириб, бир-бири билан боғлаб турадиган ип бу мисраларда тасвири этилаётган ҳодисаларнинг мазмун ёки шаклий ўҳашалиги, яқинлигидир. Масалан:

⁷ 564, 47-в.

Миръоти ҳуснунг тиірадур бу охи дард олуд аро,
Равшанлини мумкин эмас, чун шамъ қолди дуд аро⁸.

Шоирнинг асосий мақсади бириңчи мисрада: лирик қаҳрамон ўз маъшуқасининг күйида шунчалик дард билан ох гортганки, натижада оҳининг тутини маъшуқанинг юзини тўсиб, хиралаштириб (лирик қаҳрамоннинг назаридан) қўйган. Бу, албатта, бир оз мавҳумроқ тасвир. Бироқ автор унга ёнма-ён қилиб (ўхшатиш орқали) иккинчи мисрани — шамнинг тутун орасида қолиб хиралашини келтиради. Натижада тасвир этилаётган воқеа-ҳодиса ёки фикрни реал тасаввур қилиш имконияти туғилади. Күйидаги мисолларда ҳам ана шу ҳолни кўриш мумкин:

Гар Навоининг күюк бағрида қондур. не ажаб,
Хомсуз ўлур ёлин узра тушуб куйган кабоб⁹.

Зулфида зор кўнгул ранжи не тонг,
Ҳастага кўпроқ ўлур кеча тааб¹⁰.

Шуни айтиш керакки, ғазаллардаги параллелизмлар шоир ижодини ҳаётга анча яқинлаштиради ва авторнинг ҳаёт ҳодисаларини синчиклаб ўрганиши, унинг ҳаётий мушоҳадаси қандай даражада эканлигини намойиш қиласди.

Навоий илк лирикасида лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини очишда тазод (қарама-қарши қўйиш) санъатидан ҳам усталлик билан фойдаланган. Бу санъат Навоий лирикасида лирик қаҳрамон характеристини очиш усуllibаридан бири сифатида намоён бўлади. Бироқ бу формал бир усул — приёмгина бўлиб қолмай, шоирнинг мақсади, ғояси, лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари билан узвий болланган баддий элементлардан биридир. Бу приёмнинг моҳияти шундан иборатки, автор бир-бирига мутлақо зид бўлган тушунчаларни қарама-қарши қўйиш орқали кўзлаган мақсадига эришади.

Навоий бу приёмдан қандай мақсадларда фойдаланганинги мисолларда кўрайлилек:

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рӯзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.

Ул париваш ҳажридиким йигладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда қуялгуди¹¹.

Бу байтларда «ойдин» ва «қоронғу», «йигладим» ва «кулгугу» сўзлари қарама-қарши тушунчаларни ифодалайди. Бу

⁸ 564, 9а-в.

⁹ 564, 21а-в.

¹⁰ 564, 31б-в

¹¹ 564, 129б-в.

ларни енма-ен қупниш орқали автор шеърда қарама-қарпани канфиятни вужудга келтирган ва лирик қаҳрамоннинг ана шу пайтдаги кечинмаларини очиб берган: маъшуқа ошиғига кечаси келишга ваъда беради. Ошиқ уни интизорлик билан кутади. Тонг отади, бироқ ошиқнинг қалби, фикри эса қо ронгу. У ўз маъшуқасини кўришга инҳоятда интизор, бироқ ундан на кечаси, на кундузи хабар бор. У турли мулоҳазаларга боради. Чидамай йиглайди, бироқ унинг ҳолига бошқалар кулади. Шундай қилиб, лирик қаҳрамон — ошиқнинг интилишлари билан ҳақиқий воқеёнк бир-бирига зид. Қуйида ги байтда ҳам ана шундай ҳолни кўрамиз:

Тонгға солма ваъдан васлингни боре бу кеча,
Ким мени ўлтургуси тонг интизори бу кеча¹².

Маъшуқа ўз васлини эртага ваъда қилмоқда. Ошиқнинг эса иштиёқи зўр, у шу кечаси учрашишни илтимос қиласди. Улар орасида вақт масаласида зиддият, келиша олмовчилик мавжуд. Яъни ошиқнинг интилиши, хоҳиши билан мавжуд имконият орасида зиддият бор. Бу эса байтда бир-бирига зид тушунчаларни ифода қилувчи «тонг» ва «кеча» сўзларини қарама-қарши қўйиш орқали ифодаланган. Мана бу байт эса тазод санъатининг порлоқ намунаси ҳисобланади:

Айшу ишрат жомидин бўлсун юзи гул-гул валек
Кўнглига ғам гулбашидин хор-хоре бўлмасуни¹³.

Шоирниг маҳорати қўйида жуда очиқ намоён бўлади:

Чоклик жон қолур ўту сув аро,
Чун май олуда бўлур ул икки лаб¹⁴.

Шоир бу байтда икки мақсадни амалга оширган: маъшуқанинг лаби қип-қизил чўққа, у ичаётган май эса ўт устига қўйилаётган сувга ўхшатилади; ўт билан сув бир-бирига зиддир. Буларни бир-бирига қўшиш, тўғрироғи, алоқага киритиш эса — тазод санъатидир. Шунинг натижасида лирик қаҳрамон — ошиқ ҳам қарама-қарши кайфиятга тушади: у гоҳ ўтдай қизишади, гоҳ ўзидан кетиб, бехуд бўлади. Унинг ўз тили билан айтганда, жони «ўт билан сув орасида» бўлади. Демак, Навоий тазод санъатидан лирик қаҳрамоннинг қарама-қарши кайфияти, ички кечинмаларини тасвирлашда бир усул сифатида фойдаланган. Навоий илк лирикасида бу санъатининг имкониятларини анча кенгайтиради. У ижтимоий -сиёсий мазмунга эга бўлган тушунчаларни бир-бирига қа-

¹² 564, 119а-в.

¹³ 564, 113б-в.

¹⁴ 564, 122а-в.

рама-қарши қўйинш орқали ўз даврининг зиддиятларнни ҳам акс эттиришга катта эътибор беради. Қўйидаги байтларда буни яққол кўришимиз мумкин:

Дониш ахли китфасида келтуур һодонни чарх,
Фикри йўқким, рост келмас бу анинг мезонида¹⁵.

Бу байтда «дониш ахли» ва «нодон» сўзлари зид маънони ифодалайди. Булар воситасида автор ўз даврининг муҳим хусусиятнини — билимдон кишиларнинг хору зор, нодонларнинг эса азизлигини акс эттиради. Аслида эса, аксинча бўлиши керак эди. Бу ҳол даврининг тескарилиги, ундаги воқеа-ҳодисаларнинг юксак инсоний қонун-қоидаларга зид эканлигини кўрсатади. Навоий, ҳатто, шоҳ билан гадони бирбирига қарама-қарши қўйишга ҳам журъат қилади:

Не воқиф васл мисри ичра манзил айлагап шоҳе
Гадодинким, анга вайронан ҳижрон ўлди манзилгоҳ¹⁶.

Бунда «васл» — «ҳижрон», «шоҳ» — «гадо» сўзлари (түшунчалари) тазод ҳосил қилган. Шуниси муҳимки, Навоий ёшлигиданоқ ўз давридаги социал тенгсизликни кўра олган. Бироқ у ана шу зиддиятларнинг туб моҳияти ва уларни бартараф қилиш йўлларини кўрмади ва ўша тарихий шароитда кўра олмас ҳам эди. Ҳар ҳолда, ўз даврининг зиддиятларни лирик шеърларда кўрсатишга интилишининг ўзи ҳам унинг буюк жасорати ва хизмати ҳисобланади.

Демак, Навоий илк лирикасида тазод санъатидан новатор шоир сифатида маҳорат билан фойдалана олган, унинг имконият доирасини анча кенгайтирган.

Классик лириканинг энг характерли, энг кўп қўлланиладиган бадиий тасвир воситаларидан бири **ташбиҳ** (ўхшатиш) санъатидир. Бу автор мақсадини ифодалашдаги чексиз имкониятлари билан бошқа поэтик санъатлардан фарқ қиласди. Ташбиҳ формал санъат эмас, балки у ёзувчининг ғоявий мақсади билан маҳкам bogланган ҳодисадир. Ёзувчининг ҳаётдаги воқеа ва предметларга нисбатан муносабати, улар орасидаги боғланиш ва алоқаларни сезиб олиши унинг ташбиҳларида яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам ташбиҳ санъатини авторнинг ғоявий позицияси ҳамда тафаккури билан боғлиқ ҳодиса сифатида баҳоламоқ керак.

Навоий илк лирикасида ташбиҳ санъатини ишлатища ҳам маҳоратини намойиш қиласди. Навоийнинг ташбиҳлари ўзининг мундарижаси билангина эмас, шунингдек, поэтик

¹⁵ 564. 316-в.

¹⁶ 564. 127а-в.

етуклиги ҳамда хилма-хил формаси билан ҳам кишини ҳайратга солади.

Навоий ташбиҳларининг энг муҳим ҳусусияти уларнинг реалистик характерда бўлишидир. Навоий аксар ўринда, лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ёки кечнімаларини тасвирлар экан, бу мавҳум ҳолатни ҳаётдаги бирор реалистик ғозея ёки предметга ўхшатади. Натижада байтнинг мазмунин конкрет тусга киради:

Югурур ҳар кипригимга ортилиб бир қатра ёш,
Шўх ёшлардекки, ўйнарлар чубуқ маркаб қилиш¹⁷.

Автор ошиқнинг жиққа ёшга тўлган кўзини тасвирлаб, унинг киприкларини дараҳтнинг новдасига, киприклар устиндиаги ёш доначаларини (томчиларини) эса новдадан от қилиб миниб юрган ёш болаларга ўхшатган. Нақадар ҳаётий ва оригинал ўхшатиш!

Шоир қуийдаги байтда ёр ҳажрида лахта-лахта бўлган юрак парчаларининг кўз ёши билан араласиб оқиб кетишини (мавҳум манзара) куз пайтидаги қизғиш барглар билан тўлиб оқаётган ариқ сувинга ўхшатади (конкрет манзара):

Сувгаким тушмиш қизоргон барглар, кўрган киши
Кўз ёшим ичра бағир парголаси айлар гумон¹⁸.

Навоий кўпинча ташбиҳ яратиш учун ўз даврининг урф одатлари, характерли воқеа-ҳодисаларини танлаб олади, улардан ўрни билан фойдаланади, шуинг учун ҳам унинг ташбиҳлари сунъийлик ва тасодифийликдан узоқ. Навоийнинг ана шундай байтларини диққат билан ўрганиб чиқиши шоир яшаган даврниг ҳусусиятлари, халқнинг урф-одатларини анча тўлиқ тасаввур қилишга имкон беради. Ана шундай байтлардан баъзиларини кўриб ўтайлик:

Орзун васлдин раижур эрур мунгуг кўнгул,
Қут учун тазвир ила бемор бўлғондек гадо¹⁹.

Шоир ёр васлига етишиш орзусида азоб тортиб, хаста бўлган кўнглини емиш топиш ниятида ўзини жўрттага қасалликка солган гадойга ўхшатмоқда.

Яна:

Қўйига киргач мени мунглуғ, ҳужум этти ракиб,
Ўйлаким, итлар гадо кўрганда ғавғо қилдилар²⁰.

¹⁷ 564, 26а-в.

¹⁸ 564, 92а-в.

¹⁹ 564, 19а-в.

²⁰ 564, 46а-в.

Шоир ўз рақиблари томонидан қаршиликка · учраган ошиқ-ни итлар ҳужумига дучор бўлган гадога ўхшатади. Муҳими шундаки, бу ўхшатишда лирик қаҳрамоннинг ўз рақиблари-га муносабати ҳам очиб берилган (у рақибларини итга ўхшатади). Умуман, Навоийнинг ташбиҳлари орасида гадо обра-зи жуда ҳам кўп учрайди. Бу шоирнинг ўз давридаги ҳаёт билан яқиндан боғланганлигидан, унинг етакчи хусусиятла-рини пайқаб олганлигидан дарак беради.

Навоийнинг қўйидаги байтида эса замонасининг бошқа бир томони акс этган:

Жонда ўз додгин кўруб, ошиқлигимни онглади,
Ул кишидекким, тонигай уз қулин белгу кўруб²¹.

Бу байтдан Навоий яшаган даврда қулчилик қолдиқлари мавжудлиги ва қул эгалари ўз қулларига маълум бир белги қилиб қўйганлиги маълум бўлади.

Умуман, Навоий ташбиҳлари орасида реалистик харак-тердаги элементлар жуда кўп бўлиб, булар шоир лирикаси-нинг маърифий аҳамиятини оширади. Навоийнинг илк лири-касидаги ташбиҳлар ўз хусусиятларига кўра бир неча груп-пага бўлинади:

1. **Оддий ташбиҳ.** Бир предмет ёки воқеа-ҳодиса бошқа предмет ёки воқеага ўхшатилган тақдирда, уларнинг маълум бир ўхашаш томонигина ҳисобга олинади.

2. **Ташбиҳи том** (тўлиқ ўхшатиш) — бир нарсани иккинчи бир нарсага ҳар томонлама ўхшатиш:

Занбурининг эви киби кўнглум тешук-тешук,
Лаълинг хаёли ҳар тешук ичинда бол экан²².

Шоир қалбини ари уясига ўхшатган. Булар орасида қўйи-дагича ўхашашлик мавжуд: ишқ ошиқнинг қалбини тешик-тешик қилиб, ўзига уя қурган. Гарчи арининг ниш уриши аччиқ (ишқ азоблари) бўлса-да, бироқ унинг боли — висол кунлари (бу ерда ёрнинг лаби) ниҳоятда ширин. Демак, ари — ишқ, ари уяси — шоирнинг юраги, арининг боли — ёр-нинг лаби (умуман, висол). Кўриниб турибдики, шоир бир предметни иккинчисига ўхшатаётганда уларнинг жуда кўп ўхашаш томонларини ҳисобга олган. Шунинг учун ҳам бу тў-лиқ ўхшатиш ҳисобланади.

3. **Мусалсал (қаторлама) ташбиҳ:**

Ҳар гулки очибдур май ул орази дилжўда,
Гулларму экин суда, гул аксиму кўзгуда?

²¹ 564, 266-в.

²² 564, 1116-в

Күэгуда юзинг аксн гар яхши назар қылсанг,
Ер, уйла байниҳким, кун аксн тушар суда²³.

Автор биринчи байтда ёрнинг май ичиб қизарган юзини сув ичидаги гулларга ҳамда гулнинг күзгудаги аксига ўхшатади. Кейинги байтда эса ёр юзининг күзгуда кўринишини қўёшнинг тиниқ сувга тушган аксига ўхшатади. Демак, ёрнинг юзини кетма-кет тобора кучлироқ ўхшатиб борган. Бу эса классик поэтикада мусалсал ташбиҳ деб аталади. Алишер Навоийнинг илк лирикасида ташбиҳнинг бошқа турлари ҳам (ташбиҳи киноя, машрут, маржу, муздавиж, сариҳ) учраиди.

Ифроқ — ўта кетган муболага санъати:

Не тушки, ҳажр батосин кўрарда сессансан,
Ўкулдамок била қўшнини уйғотур юрагим²⁴.

Ухлаб ётган ошиқ юрак уришибиаг қўшнини уйготиши ҳақиқатда бўлиши мумкин бўлмаган ҳодисадир. Бу ерда лирик қаҳрамоннинг ҳолати—руҳиясини бўрттириб кўрсатиш мақсадиди ифроқ санъати ишлатилган.

Тажоҳул-ул-ориф — шоир бирор нарсанни билади, бироқ ўзини билмасликка солиб савол беради ва шу саволнинг ўзи бирор фикрининг тасдиқидир:

Май бирла юзунг тим-тим ахмарму экин, оё,
Е шуъла аро бир-бир ахкарму экан, оё?

Ҳар сори қулогингда гавҳарму экин ёхуд
Ҳар жонибida ойнинг ахтарму экин, оё?

Рухсоринг уза хўйдин юз қатраки кўргуздунг,
Гулбарг уза шабнамдин гавҳарму экин, оё?²⁵

Узор устнда кокилму бўлди ошифта.
Иўқ эрса гул юзига мушкин ноб эрур хойнл?²⁶

Талмеҳ — тасвирда бирор достон ёки афсонадан фойдаланиш ёхуд унга ишора қилиш:

Занаҳдонингда хўй эрмаски, Оби зиннагонидур,
Ки Ҳайвон ҳақидаги афсонадан фойдаланган.

Бу байтда автор ёрнинг оғзи, багбақасини тасвирлашда Оби ҳайвон ҳақидаги афсонадан фойдаланган.

Тарди акс — байтнинг биринчи мисрасидаги икки ёки ундан ортиқ сўзларни кейинги мисрада тескари қилиб келтириш (тартиби назарда тутилмоқда) санъати:

²³ 564, 124 б-в.

²⁴ 564, 107 б-в.

²⁵ 564, 186—19а-в

²⁶ 564, 98б-в.

^{27—28} 564, 124а-в.

Гул керакмастур манга, мажлисда саҳбо бўлмаса, Найлайн саҳбони, бир гул мажлисоро бўлмаса²⁹.

Биринчи мисрадаги «гүл» ва «саҳбо» кейинги мисрада тескари қилиб келтирилган (аввал «саҳбо», кейин «гүл»).

Таносуб — байтнинг иккинчи мисраида биринчи мисрада баён қилинган бирор образ билан алоқадор бўлган (муносабатда бўладиган) образни келтириш санъяти. Масалан:

Гулда юзунг латофатидин ранге күрмаса,
Булбулда не эди бу фигон бирла бу наво!!³⁰

Бу байтдаги «гул» ва «булбул» образлари (образ кенг маънода) бир-бири билан боғланишли, муносабатдошdir.

Сақли мұмтәне — күриниши ва тушунилиши осон, аммо ишланиши имкондан ташқары. Бунда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаси, айни пайтдаги ҳолати руҳияси ва тасвир объектига бўлган муносабати байтдаги маълум сўз ёки иборани такрорий келтириб қилган кучли риторик мурожаати воситасида аён бўлади:

Ул шүх Навоийни, дедикум, қиласын қатл
бир күз учы бирла.
Эй войки, бир ҳам анга күз солмади, эйвой,
қатл ушбайдур, ушбу!!¹³

Тарсе — байтнинг ҳар иккала мисраида бир-бирига вазн-дош ҳамда қофиядош бўлган сўз ёки ибораларни келтириш:

Ишқинг элига ранжу ино бирла ихтисос, Хайли ғаминга дарду бирла ихтисос³².

Талозум — лозим малзум — богланишлы. Байтда бир-бiri билан богланишлы бўлган образларни келтириш:

Дөвсийралттардин, эй гардун, мепи огритмаким.
Юз оларча огритурға ул пари рухсор бор³³.

Шоир зулм құлувчи сдамларни девга ўхшатган. Шунингдек, золим маъшуқасини эса парига ўхшатган. Натижада талозум санъатини вужудга келтирған. Чунки дев билан пари бир-бирлари билан боғланишилдиirlар.

Тажнис:

Бир ой ўтти мейи маңзунға бир ой интизоринда,
Ки не күнглум эрүр ҳүшинда, не ҳушум қароринда³⁴.

29 564, 105-B.

30 564, 46-B.

31 564, 134a-b.

32 564, 62a-9.

33 564, 576-v.

34 564, 10a-b.

Бу байтдаги биринчى «оң» календардаги ой — вақт маъносида, иккىнчисы эса гүзәл, чиройли (одам) деган маънода ишлатылган.

Навоий, берма пандим, хоса хат бош чектى ул юздин,
Чиңа олмоп **хатидин**, ҳар нечукким чекса дилбар **хат**³⁵.

Бу байтдаги биринчи «хат» мүйлов маъносини, иккىнчи «хат» — изи, чизигидан деган маънони ва учинчи хат эса ёзмоқ (бу ерда чизик тортиш) маъносини билдиради.

Навоий илк лирикасида тажниснинг турли формалари (тажниси мутлақ, тажниси зоид, тажниси хатт, тажниси муттарраф, тажниси мукаррар, тажниси мураккаб) маҳорат билан қўлланган.

Ирсол-ул масал фи-л-байти — байтда мақол, матал ёки ҳикматли сўзин ишлатиш санъати:

Тўнуб май муҳтасиб, мен йигладум, лекин ул усрукка
Сув келтурмак ҳамону кўза синдурум оқ ҳамон эрмиш^{36—37}.

Ҳусндин меҳр ғараздур, эй ишқ,
Бу масалдур: **силиғингдин илиғинг**³⁸.

Эҳом:

Эй Навоий, шарҳи ҳолимни дедим ирсол этай,
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушди, ҳам куйди қалам³⁹.

Бу ерда «сўз»ни икки хил маънода («сўз» ҳамда «куймоқ») тушуниш мумкин ва ҳар икки маънода ҳам байтнинг умумий мазмунига мос келади⁴⁰.

Навоий баъзан бир байтда бир неча санъатни қўллайди:

Ёмон аҳволима кўз солмади ул ой яхши,
Яхши огоҳ қил они бу ямондин, ё раб!⁴¹

Бу байтда тазод ҳамда тарди акс санъатлари қўлланган.

Навоий илк лирикасида умуман Навоий ижоди учун характерли бўлган бир приём мавжуд: у кўпинча маъшуқанинг портретни чизганда араб алфавитидаги ҳарфлар — шаклардан ўхшатиш сифатида фойдаланади, сўз ўйини қиласди. Масалан:

³⁵ 564, 65a-в.

^{36—37} 564, 36-в.

³⁸ 564, 78a-в.

³⁹ 564, 104a-в.

هرچه آنرا دومعني بود یابیشتر آنرا ایهام کویند و ایهام
بگمان افتادن بودکه چون آن معنی دریابند گمان برند معنی⁴⁰
Вахид Табризӣ, Джам'-ӣ Мухтасар. М., ИВЛ, 1959, 86

⁴¹ 564, 32a-в.

Сарв (سەرۋ)нинг сини (س) каби бошингда дастор

узра чин,
Наргис (نېرىڭىس) узра нүкта (•) монанды кўзунг устида хол⁴²

Бу приёмнинг характерли хусусияти шундаки, бунда автор бир вақтнинг ўзида икки мақсадни амалга оширади — қўшалоқ ёки жуфт ўхшатиш қилади: юқоридаги байтда, дастлаб қараганда, автор маъшуқа салласидаги тиришлар (1-мисра) ва унинг холини (2-мисра) тасвиirlамоқчидай бўлис кўринади, бироқ у ўхшатиш учун шундай сўз шаклини танлаганки, натижада байтда иккинчи бир ўхшатиш ҳосил бўлган, яъни маъшуқанинг бўйи сарвга, кўзи эса наргис гулига ўхшатилган.

Яна:

Кўзум ёруқ тилар эрсанг, ёшурма холингини,
Ки кўр (کور) ўлур кўз (کوز), агар нүктасин
ниҳон қилсанг⁴³.

Умуман, Навоийнинг илк ғазалларида биз, юқоридагилардан ташқари, яна ўнлаб ҳар хил приёмларни учратамиз. Бироқ ана шу приёмларлардан ёш Навоий қандай мақсадда ва қайи даражада фойдаланган?

1. Навоий у ёки бу приёмни қўлларкан, тасвирий материал учун реал воқеа ёки буюмларга, халқнинг характерли ва типик урф-одатларига мурожаат қилади. Шунинг учун ҳам Навоий лирикасида ҳар бир приём ўзининг реал ва содалиги билан авторнинг гоя — мақсадини ўқувчига жуда тез очиб беришга хизмат қилади:

Гар Навоийнинг куюк бағрида қондур, не ажаб,
Хомсўз ўлур ёлин узра тушуб куйган кабоб.

2. Автор бирор предметдан тасвирий элемент сифатида фойдаланаар экан, ана шу предметнинг фақат ўз мақсади учун хизмат қилувчи айrim бир функциясинигина назарда тутмайди, балки унинг бошқа муҳим ва характерли хусусиятларига ҳам диққат қилади ва ундан маълум бир приём сифатида фойдаланади:

Эй Навоий, шарҳи ҳолимни дедим ирсол этай,
Сўзидин ҳам сафҳаға ўт тушди, ҳам куйди қалам.

Бу байтда автор (иғроқ ва эҳомни қўллаган) қалам билан қоғозга фақат уларнинг функцияси (хат ёзиш воситаси сифатида) ни назарда тутиб мурожаат қилмаган, балки му болага ҳосил қилишда уларнинг етакчи хусусияти — қалам

⁴² 564, 96a-в.

⁴³ 564, 826-в.

ва саҳифадаги сўзларнинг қора рангда бўлишини ҳам ҳисобга олган ва уларнинг ана шу хусусиятига таяниб иш кўрган.

3. Навоий бирор бадиий приёмни қўллаганда предмет ва ҳодисаларнинг ўхшаш ёки контраст хусусияти, белгиларинингина назарда тутиб иш кўрмай, балки ана шу буюмлар саидаги ўзаро ички боғланиш ва алоқаларга ҳам катта эътибор беради.

Масалан, қўйидаги байтда автор «гул» ва «тикан» (хор) га зид хусусиятлардан тазод ҳосил қилиш учун фойдаланган, бироқ шу қарама-қарши қўйишда улар орасидаги ўзаро боғлиликни (чунки гул тикансиз бўлмайди) ҳам эътиборга олган:

Айшу ишрат жомидин бўлсун юзи гул-гул валек
Кўнглига ғам гулбнинидин **хор-хоре** бўлмасун.

Ёш Навоий бадиий приёмлардан қўйидаги мақсадларда фойдалана олган.

1. Лирик қаҳрамоннинг турли ҳолати, кайфиятини тасвирлаш, унинг ички кечинмаларини ёрқинроқ очиб бериш учун.

2. Ўз даврининг зиддиятларини (ҳатто ижтимоий зиддиятларни ҳам) тасвирлаб берган (тазод санъатининг ажойиб намунаси бўлган «Дониш аҳли кифтасида» ва «Не воқиғи васл мисри» деб бошланувчи байтларни эсланг).

3. Навоий бадиий приёмлардан ўз даври воқеалари юзасидан чиқарган фалсафий умумлашмаларини ва ҳаттоти сиёсий фикрларини ҳам баён қилишда бир фон сифатида фойдалangan:

Даҳр золи нечаким фарҳодкүшдур, турфа кўр,
Ким ҳатодур, тутса гар ондин вафо Парвез кўз⁴⁴.

Автор бу байтда Фарҳод ва Ширин ҳақидаги афсонага ишора қилиб, талмех приёмини қўллаган.

Бироқ бу шеърнинг ёэйланган вақти (Абу Саид ҳукмронлиги даврида) ва авторнинг шу пайтлардаги ҳолати (у билан Абу Саид орасидаги зиддият)ни эътиборга олсак, бунда ёш Навоийнинг ўз замонасидаги кўпгина шоҳларнинг фожиали тақдиридан чиқарган чуқур хулосасини баён қилганилиги, Абу Саид сингари золим (Фарҳодкүш) подшо (Парвез)ларнинг келажакдаги (1469 йилда, ҳақиқатан, шундай бўлди) фожиасини олдиндан каромат қилганилиги очиқ кўринади.

4. Навоий у ёки бу приёмни қўллаганда, мазмун билан бирга, шеърнинг оҳанги—интонацияси, унинг равон, таъсирили чиқишини ҳам ҳисобга олган ва шунинг учун ҳам маълум

⁴⁴ 564, 556-в.

тушунчаларни ифода этувчи сўзларни танлаганда, уларнинг фонетик уйғулигига ҳам эътибор берган.

Масалан:

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,
Бўлмасун, гар борса жононим менинг, жоним менинг.
(тарди акс.)

Манга не оғният ўлгайки, хаёл этсам, эрур,
Юзини, юз соридин жонима пайдо оғат⁴⁵.
(тажниси мутлақ)

Умуман, Алишер Навоийнинг илк лирикаси классик поэтилага хос бўлган турли усул ва санъатларга жуда бой. Ёш Навоий классик лирика ва ҳалқ оғзаки ижодиётидаги кўп санъатларни («санъат» — кенг маънода) қуент билан эгаллаб, уларнинг кўпчилигини илк ғазалларида маҳорат билан қўчлаган.

Шунингдек, у, новатор шоир сифатида, мавжуд санъатларнинг имконият доирасини кенгайтирди ва ўзи ҳам янгиликлар киритди (ранглар символизацияси, тадриж каби). Бу эса Навоий илк лирикасининг оригинал бадиий дурданалар сифатида ҳалқ орасига жуда тез ёйилиб, шуҳрат топишига сабаб бўлди.

III БОБ

ИЛК ЛИРИКА ЭВОЛЮЦИЯСИГА ДОИР

В. И. Ленин шундай ёзган эди: «Ижтимоий фан масаласында энг ишончли нарса ва бу масалага түгри қарашда чинакам малака ҳосил қилиш учун ҳамда жуда күп майды-чуйдалар ичида ёки курашаётган жуда күп фикрлар ичидачувалиб қолмаслик учун зарур нарса,— бу масалага илмий нұқтаи назардан қарамақ учун энг муҳим нарса,— асосий тарихий боғланишни унутмаслықдир, ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги, бу ҳодиса ўз ривожланишида қандай асосий этапларни ўтганлиги нұқтаи назаридан қараб, бу нарсанинг ана шу ривожланиш нұқтаи назаридан ҳозир қандай бўлиб қолганига қарашдир»¹ (таъкид меники — Ё. И.).

В. И. Лениннинг бу кўрсатмаси ўтмиш адабиётимиз ва унинг илфор намояндадари ижодини текширувчи тадқиқотчилар учун ҳам бекиёс муҳим дастак ва йўл-йўриқдир.

Бирор ёзувчи ижодини ўрганган вақтда фақат унинг етук даврини олиб текшириш билангина чекланмасдан, балки ана шу ёзувчи ижодининг балогат даражасига етиши учун замин бўлган дастлабки асосларни ва унинг ижодий эволюциясини ҳам кузатмоқ керак. Бу эса текшириш объекти бўлган ёзувчининг ижодий лабораториясига кириб бориш, унинг барча «сиirlари»ни чуқур ўрганиш, ёзувчининг шахси ва унинг муҳити билан атрофлича танишишни тақозо қиласи.

Бу ишда тадқиқотчи учун зарур бўлган энг муҳим материаллардан бири ёзувчи асарлариинг қўлёзмалари, хусусан, ана шу қўлёзмаларда акс этган ёзувчи асарлариинг вариантиларидир.

Вариантлар (ёзувчининг қўлёзмаларидаги вариантылар, албатта) ёзувчининг ижодий лабораториясини ўрганишда бирдан-бир муҳим манбадир.

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 29-том, 491-бет.

Вариантларсиз шоирнинг қийин ва мураккаб ижодий йўлини, ана шу қийин ва мураккаб йўлни босиб ўтиб, балогат даражасига эришишда қўлланган турли-туман методларини кўра олмаймиз.

Уларни чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш ёзувчи ижодий процессининг қонуниятларини аниқлашга, унинг динамикаси, ижодий методи ва индивидуаллигини очишига имконият туғдиради. Айни замонда вариантларни ўрганиш ёзувчи услубининг хилма-хил формаларини, унинг етакчи эстетик принципларини аниқлашга, қисқаси, ёзувчи дунёқарашининг эволюциясини белгилашга имкон беради.

Вариантлар ва уларни ўрганиш масаласи Навоий ижодини ўрганиш соҳасида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу Навоий ижодининг айрим томонларини аниқлашга ҳамда унинг гоявий-бадиий эволюциясини кузатишга ёрдам беради. Бироқ шуну айтиш керакки, Навоийнинг ижодий процесси ва унинг хусусиятларини очиб бериш жуда мураккаб масала. Бу қийин-чиликнинг бош сабаби шундаки, Навоий асарларининг автографлари сақланмаган. Шунинг учун, ҳозирча фақат Навоийнинг илк даврдаги лирик шеърларини «Хазоинул-маоний»га қайта таҳrir билан киритиши натижасида ҳосил бўлган вариантлар асосида иш кўриб, Навоий дунёқарашига боғлиқ ҳолда, унинг стилидаги ривожланиш ва шоирнинг стиль системасида етакчи роль ўйнаган эстетик принципларнинг баъзиларинигина аниқлашимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, стилдаги ранг-баранглик ёзувчи дунёқараши ва ижодий тематикасининг хилма-хиллигидан дарак беради. Бу ҳақда А. С. Пушкин «Ёзувчининг бир қолипда ёзиши унинг, эҳтимол, чуқур мулоҳазали бўлса ҳам, аммо ақл-идроқи бир ёқлама эканлигини кўрсатади»,— деган эди².

Шунинг учун ёзувчи ижодидаги ҳар бир ҳодисани унинг гоявий мақсади билан боғлиқ ҳолда баҳоламоқ керак. Чунки ёзувчи ижодининг асосида турган асосий принциплар ҳам, унинг асари заминида турган гоявий вазифасига боғлиқ равища, турли-туман бўлади.

Навоийнинг ижодий приёмлари ҳам, асарларининг тематикаси ва гоявий йўналишига боғлиқ ҳолда, хилма-хил бўлиб, буларни ягона бир қолипга солиш мумкин эмас. Акс ҳолда, шоир ижодининг ранг-баранг хусусиятларини камситишга бориб етиш мумкин. Шунинг учун Навоий шеърларнадаги образ ёки формаларнинг баъзи бирлари қандай асос-

² Пушкин, Полн. собр. соч. в X томах, т. VII, М., изд. АН ССР, 1958, стр. 33.

ларга биноан рад этнлганлиги ҳамда бошқа формалар билан алмаштирилганлигини аниқлашга ҳаракат қилиб, биз унинг баъзи бир эстетик принциплари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Шуни айтиш керакки, илк девон тузилган вақтда Навоийнинг ижодий услуби тоғайиши ва бадиий жиҳатдан хийла шаклланган ва унинг етук шеърлари халқ орасида кенг шүҳрат қозонган эди.

1465—66 йилларда Навоий ижодининг муҳлислари томонидан унинг туркий шеърларини ўз ичига олган илк девоннинг тузилиши ҳам ёш Алишернинг ижодий савиаси қандай поғонага кўтарила олганлигидан далолат қиласади.

Иккинчидан, ёш Алишер билан Лутфий орасида унинг «оразин ёпқоч» деб бошланадиган байти муносабати билан бўлиб ўтган воқеа ҳам Навоийнинг илк ижоди ҳақида анча тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Шунингдек, Навоий «Холоти Сайд Ҳасан Ардашер» номли асарида йигитлик вақтларида Сайд Ҳасан билан бўлган муносабати ҳақида сўзлаб, «Чун ул авқотда фақирнинг назмлари Хурсонда шуҳрат тутиб эрди, алар доғи илтифот қиласади, баъзи абётни кўп ўқурлар эди ва мажолисда хушвақт бўлурлар эрди»³, — деб ёзади.

«Мажолисун-нафоис»нинг II мажлисида эса йигитлик даврида бўлиб ўтган шундай ҳодисани ҳикоя қиласади:

«Мавлоно Риёзий — Самарқандлигдур. Мутакаббир ва муъжиб киши эрди. Фазални бағоят хўп айтур эрди. Бу фурро матлаъ анингдур:

Ситоранист дурри гўши он ҳилол абрару,
Зи рўи ҳусн ба ҳуршинд мезанад паҳлу.

Иккиси мисра орасида рабт жиҳатидин бир «ки» лафзи кепрак. Фақир анга дедимки, бу навъ яхшироқ бўлғайким:

Зи рўи ҳусн дурни гўши он ҳилол абрару,
Ситоранистки, бо моҳ мезанад паҳлу.

Инсоф юзидин керакки, мусаллам тутса эрди. Жадл бунёд қиласди. Фақир сокит бўлдим. Ўз ёронлари талоштилар ҳам, қабул қилмади...»⁴

Бу факт, Навоийнинг илк ижоди давридаёқ ўз услубинга эга бўлган санъаткор даражасига кўтарилганлигининг ёрқин далили бўлишдан ташқари, унинг шеъриятда ҳар бир деталга қанчалик зўр эътибор берганлигини ҳам намойиш қиласади.

³ «Ўзбек адабиёти», II том, 566-бет.

⁴ 69—70-бетлар. مجالیس النفایس علیشیر نوایی

Бу тенденция Навоий ижодида умрининг охирига қадар тобора ривожланиб борди. Илк девон шеърларининг сўнгги вариантилари ана шу фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

* * *

Вариантларнинг катта бир группаси стилистик характерда бўлиб, бир хил грамматик формаларни бошқа формалар билан алмаштириш, шунингдек, сўз ва ибораларнинг тартибини ўзгарттириш орқали ифода қилинаётган фикрнинг умумий ҳолатлари конкретлаштирилади, байзи ўринлар бўртирилади, логик ургу бир ўриндан бошқа ўринга кўчирилади ёхуд стилистик жиҳатдан чалкаш бўлган фикр — мазмуннинг аниқлигига эришилади. Ана шу группага доир вариантларнинг айримлари билан танишиб ўтамиз.

Кўзлар била ул юз қиласур қат. не бўлгай,
Гайр аҳли била ўлди чу куффор мусоҳиб!⁵

Сўнгги вариант:

Кўзлар била ул юз қиласур қат. не бўлгай,
Дин аҳли била бўлди чу куффор мусоҳиб!⁶

Бу мисолда, ўгуз элементи «ўлди»ни халқ тилига яқин бўлган «бўлди» билан алмаштиришдан ташқари, яна бошқа муҳим ўзгаришлар ҳам мавжуд. Дастраси варианта «кўзлар» сўзига нисбатан эпитет сифатида «Гайр аҳли» ибораси қўлланган. «Гайр аҳли» кенг тушунчани билдириб, бегона, бошқа деган маънени англатади. «Юз» эса бирор нарсага ўхшатилган эмас; сўнгги варианта эса «юз»га нисбатан ўхшатиши сифатида «дин аҳли» деган образни қўллайди. Кўзлар «куффор» (кофирнинг кўплиги)га ўхшатилади. Натижада:

1. Умумий тушнучани ифодаловчи мавҳум образ («Гайр аҳли») тор ва анча реал мазмунга эга бўлган «дин аҳли» ва «кофир» каби образлар билан алмаштирилган; пиравардидаги байтнинг мисралари ҳам мазмунан, ҳам форма жиҳатидан бир-бирига мутаносиб ҳолга келтирилган.

2. Байтнинг мазмуни ёрқин ва тугал бир формада намоён бўлади.

3. Маъшуқанинг ташқи портрети ўқувчининг кўз олдида анча жонли бўлиб гавдаланади.

⁵ 564, 326-в.

⁶ Ленинград, С.-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонаси, қўл-еэзма № 55, 206а-варақ.

4. Бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган икки образ («дин аҳли» билан «кофир»)ни битта масала устида уйғунлаштириш орқали, шеърдаги мазмун чуқурлаштирилади, лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари кескин тус олади.

5. Шоирнинг тасвир этиладиган воқеликка бўлган эмоционал муносабати бўрттирилади.

Яна:

Ул кўзумга чун етиб, таскин топар гирёнигим,
Кўздин олғач, ёна ашкимни равона айларам⁷.

«Хазоинул-маоний»да:

Ул кўзумга чун етиб, таскин топиб гирёниги.
Кўздин олғач, ёна ашкимни равона айларам⁸.

Дастлабки вариантда иккала мисрада ҳам грамматик, ҳам маъно жиҳатидан мустақиллик мавжуд. Сўнгги вариантда эса, биринчи мисра кейинги мисрага грамматик жиҳатдан бўйсунади, эргашади. Натижада фикрнинг, ҳаракатнинг зичлиги, давомийлиги таъминланади. Шунинг оқибатида бу байтда аввалги байтда ифодаланган ҳаракат, мазмун динамик равиша давом эттирилади. Лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ва руҳий ҳолати изчиллик билан очила боради:


Ёглигинг илкимда, ашкимни равон айларам.
Кўзга суртиб, ашк ортмогни баҳона айларам.

Ул кўзумга чун етиб, таскин топиб гирёниги,
Кўздин олғач, ёна ашкимни равона айларам.

Ана шу икки вариантдаги гапларнинг грамматик (демак, мазмунан) муносабатини схема орқали қўйишдагича кўрсатиш мумкин:


1-вариант:

1 ул кўзумга чун етиб, 3 кўздан олғач,	2 таскин топар гирёнигим, 4 ёна ашкимни равона айларам.
-------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------



2-вариант:

1 ул кўзумга чун етиб, 3 кўздин олғач,	2 таскин топиб гирёниги, 4 ёна ашкимни равона айларам.
-------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------



⁷ 564, 1056-в.

⁸ 55, 2356-в.

Яна:

То тириксең истасанг ҳушвақтлыг, эй майнараст.
То тұлар мүғ дайрида паймона, хизматкор бұл⁹.

«Хазоннул-маоний»да:

То тириксең истасанг ҳушвақтлыг, эй майнараст.
То тұлар паймона, мүғ дайрида хизматкор бұл¹⁰.

Биринчи ҳолатда бош гапдаги иш-харакатнинг ўрнини билдирувчи «муғ дайрида» ибораси әргаш гапнинг ичиде келген. Шунинг учун ҳам мисранинг мазмуни чалкаш, хира бўлиб қолган. Кейинги вариантда «муғ дайрида» ўз ўрнига кўчирилган. Натижада маъно ойдинлашган, стилдаги чалкашлик йўқолган.

Солиширинг:

Паймона мүғ дайрида тўлгунча, хизматкор бўл
(кимга? қаерда?)
Паймона тўлгунча, мүғ дайрида хизматкор бўл.

Яна:

Чун сириншким кўрди — маълум этти ишқим ҳосилин,
Дона бирла, уйлакнм, нақдини айларлар ҳисоб¹¹.

«Хазоннул-маоний»да:

Ким сириншким кўрди — маълум этти ишқим ҳосилин,
Дона бирла, уйлакнм, эл нақдини айлар ҳисоб¹².

Бу вариантлар орасида кўзга ташланадиган биринчи фарқ «чун»нинг нисбий олмош «ким» билан алмаштирилишидир. Дастрлабки ҳолда иш-харакатнинг бажарувчиси, яъни гапнинг эгаси номаълум эди. «чун» ўрнига «ким»ни қўйиш натижасида эга ҳам мазмунан, ҳам грамматик жиҳатдан аниқ бўлган.

Иккинчи фарқ — кейинги мисрадаги «нақдини айларлар» ибораси сўнгги вариантда «эл нақдини айлар» шаклида берилган.

Биринчи ҳолатда мисра бир составли шахси номаълум гап бўлиб, фикр бир оз хирароқ ифодаланган: кимнинг нақди ва ким ҳисоблаши номаълум. Сўнгги вариантда эса ана шу мисра икки составли гапга айланган, шунингдек, гапнинг эгаси грамматик жиҳатдан ҳам маълум. Натижада шоирнинг ўз лирик қаҳрамонининг характеристи, ҳолатини тасвиrlашда ҳалқ орасида мавжуд бўлган турли урф-одатлардан бадиий восита сифатида усталик билан фойдаланганлиги аниқ кў-

⁹ 564, 101б-в.

¹⁰ 55, 233а-в.

¹¹ 564, 21а-в.

¹² 55, 30а-в.

ринган. Дастлабки вариантда мавжуд бўлган стилистик нуқсонга барҳам берилган.

Яна:

Гул узра хатти мушкин бирла чун қиёлдинг рақам пайдо,
Манга жон сафҳасида бўлди юз ранжу алам пайдо¹³.

«Хазониул-маоний»да:

Гул узра хатти мушкин бирла то қиёлдинг рақам пайдо,
Манга жон сафҳасида бўлди юз хатти алам пайдо¹⁴.

Биринчи фарқ — «чун» «то» билан алмаштирилган. «Чун» нинг маъноси кенг бўлиб, пайт, сабаб каби бир қанча маъноларни англатади. «То» фақат пайт маъносини билдиради. Демак, шоир «чун»ни «то» билан алмаштириш орқали мисранинг маъносини конкретлаштирган ва бўрттириб берган. Иккинчи фарқ — «ранжу алам пайдо» ва «хатти алам пайдо».

«Ранжу алам» ибораси, юзаки қараганда, байтнинг мазмунига мос тушгандай бўлади. Зотан, бу ибора ёзма адабиётда жуда кўп қўлланилади. Бироқ байтнинг мазмуни ва шоирнинг тасвирлаш услубини синчиклаб ўргансак, бу ибора байтнинг умумий услубига номутаносиб эканлиги кўзга ташланади. Биринчи мисрада фикр ўхшатиш ва метафоралар воситасида ифодаланган. «Рақам қилмоқ» метафора сифатида ишлатилган. Шоир иккинчи мисрада ҳам ана шу услубни сақлаб, иккала мисра ўртасида уйғунлик ҳосил қилмоқчи бўлади. Шу мақсадда «жон сафҳасида» деган метафорик иборани қўллайди. Мантиқан бу ибора «ёзмоқ» маъносини билдирувчи сўзни тақозо қиласди. Бироқ ана шу принципга амал қилинмайди ва «ранжу алам пайдо» деган биримкмани келтиради; натижада мисранинг мантиқий йўналиши бузилади.

Кейинчалик автор услубдаги бу камчиликни тузатишига ҳаракат қиласди ва «ранжу алам» ўрнига «хатти алам» биримкмасини қўяди. Натижада мисрадаги мазмуннинг мантиқий бирлиги тикланади. Умуман, байтнинг услубида изчиллик сақланади.

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, Навоий баёнда умумий, мавҳум фикрлардан конкретликка интилган, асоснӣ мақсадни бўрттириб беришга, шеърнинг мазмуни билан унинг формаси орасида гармонияни таъминлашга ҳаракат этган; булар эса унинг услубида ижобий ўзгаришларни ҳосил қилган. Бундай ўзгаришлар, албатта, унинг дунёқарashi ва

¹³ 564, 18а-в.

¹⁴ 55, 29а-в.

тафаккурининг ривожи билан маҳкам бөллиқдир. Чунки «тилнинг аниқлиги — түғри тафаккур натижасидир; аниқ фикр эса, ёрқин формани тақоғозо этади»¹⁵.

* * *

Вариантларнинг бошқа бир группасида Навоийнинг бадий тасвирда, фикрни ифодалашда реалликка қараб интилишини кўрамиз. Ана шу вариантларнинг баъзи бирлари билан танишиб ўтайлик:

Маркабининг наълидин ҳар дам чоқилгон ўт эмас,
Ким кўнгул отлиғ заифу хору зоримур менинг¹⁶.

Сўнгги мисрада «кўнгул»га нисбатан эпитет сифатида «заифу хору зор» ишлатилган. Ваҳолонки, «хору зор» жуда қўй предметларга нисбатан қўлланиб келинган шаблон эпитетидир. Буни автор «гул узорим, шаҳсуворим, хоксорим, интизорим, абри баҳорим, орим» кабиларга қофия қилиш учун қўллаган. Бу эса тасвирнинг хира ва сийқароқ чиқишига сабаб бўлган, ҳаракат эса статик бўлиб қолган. Кейинча автор буни пайқайди ва мазкур иборани сифатланмиш предмет (кўнгул)нинг хусусиятига ниҳоятда мос тушадиган оригинал эпитет билан алмаштиради. Натижада бадий тасвирда сийқалик ва мавҳумликдан қутулиб, реалликка эришади; шеърнинг асосида ётган ҳаракат — мазмун динамик тус олади:

Маркабининг наълидин ҳар дам чоқилгон ўт эмас,
Ким кўнгул отлиғ заифи бекароримур менинг¹⁷.

Худди шу типдаги мана бу вариантни кўздан кечирайлик:

Дайр туфрогида бутмиш сабза дер кўрган киши
Ранглик юз нуги пайкон бу дили афордада¹⁸.

«Хазоинул-маоний»да:

Дайр туфрогида бутмиш сабза дер кўрган киши
Ранглик юз нуги пайкон бу тани нокорда¹⁹.

Бу ерда ҳам шоирнинг абстракциядан реалликка интилиши кўзга яққол ташланади: биринчи вариантдаги «дил» — мавҳум, абстракт образ. Бу эса байтнинг умумий мазмунига

¹⁵ К. Либкнехт («Вопросы литературы» журналининг 1960 йил 6-сонидан олинди, 68-бет).

¹⁶ 564, 77а-в.

¹⁷ 55, 546-в.

¹⁸ 564, 1186-в.

¹⁹ 55, 1876-в.

таъсир этган. Шоир ажойиб ташбиҳ воситасида яратган лав-ҳа анча хиралашган. Сўнгги вариантида у мазкур образни «тани нокор» (яроқсиз, жонсиз гавда) деган реал образ билан алмаштирган. Натижада байтнинг мазмуни ҳам маълум даражада реаллашган. Яъни «дили афкор» эмас, балки қониа бўйлган мажруҳ тана майхона туфрогига ўхшатилади. Уму-ман, бир деталнинг ўзгариши натижасида анча абстракт характерда бўлган лавҳа кўз олдимиизда реал картина сифатида намоён бўлади.

Яна:

Неча жаврин тортамен ул сарви ҳуризоднинг,
Иўқмудур поёни, ёраб, зулм ила бедоднинг²⁰.

Кўриниб турибдики, шоир зулм ва адолатсизликдан қий-налади, норози бўлади; бу зулмдан қутулиш йўлини ахтариб, оллоҳга — мавҳумотга мурожаат қиласиди. Албатта, бу байтда шоир фақат маъшуқанинг зулмидан шикоят қиласиде деб тушуниш учча тўғри бўлмайди. Чунки муҳаббат темаси анча кенг мазмунга эга бўлиб, классик адабиёт намояндлари шу мавзуга боғлиқ ҳолда ўзларининг турли қарашларини, жумладан, ижтимоий масалаларга бўлган қарашларини ҳам пардали равишда баён қилганлар. Навоий ҳам илк ижодидаёқ маъшуқанинг зулми, раҳмсизлигидан шикоят қилиш орқали, ўз замонасисининг айрим томонларини фош қилишга интилган. Бундай ҳолни шоирнинг илк девонидан олинган қўйидаги байтдан ҳам кўрамиз:

Қўнгуни зулм ила буздунг, бале, бўлур маъмур,
Шаҳеки, мулкида эҳсон билан адолати бор²¹.

Бундай тенденция Навоий лирикасида кейинча янада ку-чаяди. Мазкур вариантида шоирнинг ўз замонасидаги зулм ва адолатсизликдан норозилиги ҳам маълум даражада акс этган. Бироқ шоир ана шу зулмлардан қутулишнинг йўлини ҳаётдан эмас, балки самодан қидиради, оллоҳга мурожаат қиласиди. Бу ҳол, албатта, шоирнинг ўша давр дунёқарашиб билан боғлиқ ҳодисадир. Бироқ автор кейинчалик ана шу детални қўйидагича ўзгартиради:

Неча жаврин тортамен ул сарви ҳуризоднинг,
Иўқмудур поёни, оғ, зулм ила бедоднинг²².

Шу кичик ўзгариш оркали шоир нимага эришган? Биринчидан, автор традицион мавҳум образ (ёраб)дан қутулиб,

²⁰ 564, 79а-в.

²¹ 564, 536-в.

²² 55, 55а-в.

реалликка интилган. Иккинчидан, лирик қаҳрамон мурожаат ҳилаётган объект кенгайтирилган. Яъни ундалма «оё» ёрга ҳам, оллоҳга ҳам, шоҳга ҳам, золимга ҳам тегишилиди. Учинчидан, риторик мурожаат анча кескин ва активлашган, байтдаги дастлабки пассивлик руҳи йўқолган.

Бу ҳодисани Навоий дунёқарашининг кейинги тараққиёти билан изоҳламоқ керак. Чунки Навоий мамлакатда зулм ёки адолат ўрнатилиши ҳукмдорларнинг фаолиятига боғлиқ деб билар эди. Бу ҳақда Восифий ўз асарида ажойиб воқеи ҳикояни келтиради²³.

Навоининг бу борадаги қарашлари унинг буюқ асари «Хамса»да ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Биз кўриб ўтган сўнгги вариант ҳам шоир ижодий фаолиятининг ана шу кейинги даврларига тўғри келади.

* * *

Вариантларнинг бошқа бир группаси билан танишамиз.
Илк девонда:

Эй Навоий, каъбан мақсад васлини истасанг,
Шоҳ қасрининг мудом айвони олийшонин ўп²⁴.

Бизнингча, бу шеър Навоий Абулқосим Бобир хизматига кирган даврларда ёзилган бўлса керак. Чунки ўша даврнинг барча аристократия ёшлари каби, ёш Алишер ҳам ўз келажагини бирорта ҳукмдорнинг саройи тарбияси билан боғлиқ ҳолда тасаввур қиласар, шунинг учун ҳам ёш Ҳусайн билан бирга Абулқосим Бобир хизматига кирган эди. Абулқосим Бобир Ҳусайн Бойқаро ва Алишерни Машҳадга ҳам ўзи билан бирга олиб борган эди. Мазкур байт эса ёш Алишернинг шоҳ саройига бўлган умид ва ишончини ифода қилган. Бироқ бу байтдаги образ (шоҳ) конкрет эмас, натижада байтнинг мазмуни ҳам умумий бўлиб қолган. Яъни айрим бир шоҳ қасрининг эмас, балки умуман шоҳ қасрининг (ҳар қандай шоҳ бўлиши мумкин) айвони олийшонин ўп деган хуносага келинган. Бу байтни, гарчи Навоий А. Бобирни кўзда тутган бўлса-да, Абу Сандга ҳам татбиқ этиш мумкин. Ваҳолонки, Навоий унинг золимлигидан нафратланган ва улар орасидаги муносабат анча кескин бўлган. Бу ҳақда Хондамир кўпгина

²³ Қаранг: С. Айнӣ, Восифӣ ва хуносан «Бадоев-ул-вақоев», нашр. Дав. Тоҷ., 1956, 47-бет.

²⁴ 564, 30а-в.

маълумотлар келтиради²⁵. Шунингдек, шоирнинг ўзи ҳам Сайд Ҳасанга ёзган мактубида ана шу ҳақда сўзлайди²⁶.

Шунинг учун Навоий кейнинчалик бу байтдаги образни конкретлаштириш лозимлигин пайқайди ва уни қуйидагича ўзгартиради:

Эй Навонӣ, қаъбан мақсад васлин истасанг,
Шоҳ Фозий қасриминг айвони олийшонин ўп²⁷.

Навоий шоҳ Фозий деганда Ҳ. Бойқарони назарда тутганилиги шубҳасиз. Чунки «Хазоинул-маоний»ни тузган вақтда шоҳ — Султон Ҳусайн эди.

Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг мактабдош дўсти бўлиб, Навоий унинг сиймосида ўзининг идеал шоҳини кўришни истар, шу мақсад йўлида садоқат билаи курашар эди.

Бу вариантнинг аҳамияти шундаки, бунда авторнинг шоҳларга бўлган муносабати конкрет ифодаланган. Бу эса унинг шоҳлар ҳақидаги қарашларининг ўзгариши ва конкретлашганилиги билан bogliqdirki, бу шеърнинг стилида ҳам ўзгариш ясаган.

Яна:

Кесар юз нахлни ҳар дам, қилур юз сарвни хуррам,
Таажжуб кўрки, бу гулшанда бўлмас боғбон пайдо²⁸.

«Хазоинул-маоний»да:

Кесар юз нахлни ҳар дам, қилур юз сарвни хуррам,
Таажжуб кўрки, бу гулшанда эрмас боғбон пайдо²⁹.

Бу ерда феълнинг бир формаси бошқа формаси билан алмаштирилган. Бунинг натижасида автор нимага эришган? Аввало, шуни айтиш керакки, бу байтда Навоийнинг ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаси реал ўхшатиш воситасида баён қилинган. Дастребки вариантда унинг ҳаёт фалсафаси устидаги кузатишлари тугалланмаган, давом эттаётган бир ҳолда тасвирланса, сўнгги вариантда ана шу процессининг айрим томонлари ҳақида ўз холосасини чиқаради. Бошқача қилинбайтганда, биринчи вариантда шоирнинг ҳаёт ҳодисаларини кузатиш жараёни ва ана шулардан олган таассуротлари акс этган бўлса, сўнгги вариантда ҳаёт ҳодисаларининг айрим хусусиятларн ҳақидаги холосаси қатъий ҳукм формасида ифода этилган. Қўйидаги вариантлар ҳам худди шу типададир:

²⁵ „Мәқарішм—эхлақ“, Т., 1941, 43-бет

²⁶ Филология фанлари кандидати А. Ҳайитметов Навоийнинг ана шу мактубини атрофлича таҳлил қилган. Қарант: А. Ҳайитметов, Навоий лирнкаси, 270—292-бетлар.

²⁷ 55, в.

²⁸ 564, 126-в.

²⁹ 55, 2046-в.

Май ичсам беҳиссоб эскармайин кавсар сүйин, не айб,
Фано касбида бу оллимда чун маҳсуб эмас онча³⁰.

Сүнгги вариант:

Май ичсам беҳиссоб эскармайин кавсар сүйин, йўқ айб, ..
Фано касбида бу оллимда чун маҳсуб эмас онча³¹.. .

Шоир дастлабки вариантда ўз фикрини риторик суроқ йўли билан ифодалаган. Сүнгги вариантда эса аксинча — ўз муносабатини очиқ баён қиласди. Натижада авторнинг фикри конкрет ҳукм тусини олган.

Қўйидаги вариантларда эса автор фақат образлар ва дегтларнинг конкретлилигига эришибина қолмай, балки мисралардаги стилистик гализликларга ҳам барҳам берган ҳамда байтнинг минералари орасида синтетик бояланишни таъминлаган:

Илк девонда:

Гар навоийдур Навоий лабларининг зикридин,
Тонг эмастур, чун мудом афзун бўлур майдин тараб³².

«Хазоинул маоний»да:

Гар наво топса Навоий лабларингниң зикридин,
Тонг эмастур, чун мудом афзун бўлур майдин тараб³³.

Илк девонда:

Мен гадо ким — васл ким, чун кўрдилар бу тифи ҳажр,
Шоҳлар ониким хаёл ичра таманно қиздилар³⁴.

«Хазоинул маоний»да:

Мен гадо ким — васл ким. чун кўрдилар юз тифи қатл,
Шаҳлар ониким хаёл ичра таманно қиздилар³⁵.

Илк девонда:

Ваҳ, не қотилдур келиб ойнни зулму кин солиб,
Ошиқ ўлтурмак учун ҳар қошига юз чин солиб³⁶.

«Хазоинул маоний»да:

Ваҳ, не қотилдур, келур ойинни қатлу кин солиб,
Ошиқ ўлтурмак учун ҳар қошига юз чин солиб³⁷.

³⁰ 564, 11а-в.

³¹ 55, 204а-в.

³² 564, 226-в.

³³ 55, 30а-в.

³⁴ 564, 46а-в.

³⁵ 55, 214б-в.

³⁶ 564, 28а-в.

³⁷ 55, 31а-в.

Вариантларнинг катта бир группаси ўз хусусиятлари билан бошқа вариантлардан тубдан фарқ қилиб, шоирнинг ижодий эволюциясини ўрганиш нуқтаи назаридан мұхит ақамиятга әгадир. Буларда Навоий ижодининг муҳим хусиятларнан бири — воқелик ҳақидағи фикрларни фалсафий умумлашмалар даражасига күтариш ва фалсафий хуласаларга сиёсий руҳ беришга интилиши күзга яққол ташланади.

Бу типдаги вариантлар авторнинг ўз ижодининг турли этапларыда ўз даври воқеаларига нисбатан турлича муносабатини күрсатувчи муҳим факторлардир.

Масалан, илк девонда:

Қымса ҳаргиз күрмади чун навъи инсондин вафо,
Улки даврон оғатидур, не тамаъ ондин вафо³⁸.

Бу байтда күзга ташланадиган нуқсон, биринчидан, образнинг (навъи инсон) умумийлиги бўлса, иккинчидан, икката мисра орасида мантиқий изчиллик ва болганишнинг йўқлигидир. Натижада авторнинг фикри умумий, шеърнинг стили эса ғализ бўлиб қолган. Сўнгги даврда автор ана шу байтни қўйидагича таҳрир қиласди:

Қымса ҳаргиз күрмади чун аҳли даврондин вафо,
Улки даврон оғатидур, не тамаъ ондин вафо!³⁹

Ана шу таҳрир оқибатида биринчи мисрадаги умумий образ конкретлашган (чунки «навъи инсон» кенг ва умумий тушунча, «аҳли даврон» эса унга нисбатан тор тушунчани ифодалайди). Авторнинг ўз замонасига нисбатан субъектив муносабати аниқ акс этган; байтдаги мисралар орасида изчиллик юзага келган. Бир-бирига зид бўлган тушунчаларни ифода қилиувчи иккى образни («аҳли даврон» ва «даврон оғати») изчиллик билан қарама-карши қўйиш орқали, байтнинг асосий мазмуни янада кучайтирилган ҳамда конкрет тус олган. Лирик қаҳрамоннинг субъектив муносабати риторик сўроқ воситаси билан берилishi байтнинг эмоционал кучини янада оширган. Байтнинг мисралари услугуб жиҳатидан ҳам бир-бирига мутаносиб бўлган.

Навоийнинг қўйидаги машҳур рубойиси ҳам унинг ёшлик даврларида ёзилган бўлиб, илк девонга қўйидаги ҳолатда киритилган:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эъянга рафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

³⁸ 564, 13а-в.

³⁹ 55, 205а-в.

Олтун қадаң ичра гар қызил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш⁴⁰.

Аввало, бу робоийнинг ёзилган вақти ва жойипи аниқла-
моқ керак. Ўз-ўзидан маълумки, бу робоий 1465 йилга қадар,
яъни илк девон тузилгунга қадар ёзилган. Навонй 1465—66
йилларга қадар, асосан, Ҳирот ва Машҳадда яшаган. Шеър-
даги «ғурбат» сўзидан кўриниб турибдики, бу шеърни у ўз
ватани Ҳиротда эмас, балки ғурбатда—мусофириликда, демак,
Машҳадда ёзган бўлиши керак.

Навоийнинг ўзи ҳам Машҳадда Абулқосим Бобир вафо-
тидан кейин ёлғизлиқда моддий жиҳатдан ниҳоятда қийнал-
ганилиги ҳақида «Мажолисун-нафоис» асарида сўзлаб ўтади.
У Шайх Қамол Турбатий билан биринчи марта танишишини
ҳикоя қилиш вақтида: «Султон Абу Сайд мирзо замонида
Машҳадда ғарип ва хаста бир буқъада йиқилиб эрдим»⁴¹,—
деб ёзади.

Бизнингча, бу робоийнинг ёзилиш вақти шоир ҳаётининг
ана шу даврига, яъни 1457—64 йилларга тўғри келади. Бу
робоийда шоирнинг ғурбатдаги оғир руҳий кечинмалари ва
ҳаётий мушоҳадалари ҳамда ўз ватанига бўлган муҳаббат
ва иштиёқи лаконик равишда ифодаланган. Ана шу робоий
«Ҳазоинул-маоний»га қўйидагича ўзгаришлар билан кири-
тилган:

Ғурбатда ғарип шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шағиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қызил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш⁴².

Бу иккала вариант орасидаги принципиал фарқ қўйидаги-
лардан иборат:

Биринчидан, дастлабки варианта «рафиқ» ва «меҳрибон»
сўзлари уюшиқ бўлак бўлиб келган. Ваҳлонки, бу икки сўз
икки хил тушунчани билдиради, уюшиқ бўлак бўла олмайди,
балки «рафиқи меҳрибон» (меҳрибон ўртоқ) тарзида изоғза

⁴⁰ 564, 1406—141a-в. Бу робоий Асака диния назоратининг ходими
Аҳмадали Маҳдум қўлида сақланалётган ва XIX асрнинг II ярмида кўчи-
рилган Навоийнинг бир терма девонида ҳам худди шу ҳолатда учрайди.
Бу, мазкур робоий илк девонга киритилган нусхаси ҳолида ҳам тарқал-
ган деган хulosага келишга имкон беради.

⁴¹ مجازیں اللفافیں 45-бет.

⁴² 55, 83б-в. Бу робоийдаги фарқлар «Ҳазоинул-маоний» тузилмас-
дан анча бурун юзага келган. Чунончи, у Навоийнинг ўзи томонидан туз-
илган Биринчи девони «Бадоевл-Бидоя»га ҳам киритилган бўлиб, унда
ҳам ана шу кейинги формада учрайди. Қаранг: Боку, Оз. ФЛ қўлләзмаси,
инв. №3010, 1786-в.

бўлиши мумкин. Шунингдек, рафиқ (ўртоқ, дўст) бўлмаган одамнинг меҳрибон бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум ва бу таажжубланаарли ҳол эмас. Шунинг учун автор кейинчалик услубдаги ана шу чалкашликни тузатиб, бир-бирига мос ту-шунчаларни ифода қилувчи сўзларни уюшиқ бўлак қиласди («шафиқу меҳрибон»). Бу билан автор мазмун ва услубнинг чуқур ва равон чиқишига эришган.

Иккинчидан, шоир, ўзининг гарифликдаги оғир ҳаёти, ўз ватанига бўлган иштиёки ва интилишини кучайтириб бериш мақсадида, қиёслаш сифатида, кейинги байтни келтиради: ватандан жудоликни булбулнинг гулзордан ажралишига ўхшатади. Ана шу байтдаги «олтин қадаҳ» ичра қизил гул бутмөқ» мисраи муболага сифатида қўлланилган бўлиб, биринчи байтдаги мазмунни кучайтириш, бўрттиришга хизмат қиласди: гул «олтин қадаҳ» («тувак, коса»)да ўстирилса ҳам, бари бир булбулга гулзордаги тиканлар каби азиз ва қадрдан бўлмайди. Демак, гурбатдаги инсон учун ўз ватанининг бир сиқим турироғи ҳар қандай бойликдан азиз ва қадрлиди. Хуллас, биринчи вариантда жой тушунчаси, яъни ватан ва гурбат образларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ватанини улуглаш авторнинг диққат марказинда турган. Бу ҳақда ўзинишиг ҳаётни тажрибаси ва мушоҳадалари асосида умумлаштиган фалсафий хулоса чиқарган. Бироқ дастлабки варианта ҳали тутқунлик тушунчаси йўқ эди. Кейинчалик «қадаҳ» сўзини «қафас» билан алмаштириш натижасида, шеърга тутқунлик тушунчаси ҳам қўшилган. Албатта, бу авторнинг Самарқанддаги мазмунан тутқунликка яқин бўлган оғир ҳаётининг символик ифодаси бўлиши керак.

Автор, шеърдаги кичик бир детални усталик билан ўзгартириш орқали, ўзининг фурбатдаги тутқун ҳаёти ва ўз ватанинига бўлган интилишини зўр реалистик куч билан ифода қиласган, чуқур фалсафий мазмунга сиёсий тус берган.

Бу робоий шоирнинг интим кечинмаларини акс эттирувчи оддий лирик шеъргина бўлиб қолмай, балки чуқур сиёсий руҳ билан сугорилган фалсафий фикрларни ўзида мужасамлаштирган ихчам фалсафий тезис ҳамдир.

Навоийнинг ижодий услубига хос бўлган ана шу типдаги вариантларни унинг турли темадаги жуда кўп шеърларида кўриши мумкин.

«Девон»да:

Иўлунг тоши бўлуб ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра, гарди мушкоро⁴³.

⁴³ 564, 16-в.

«Хазоинул-маоний»да:

Иўлунг мухлик — тоши ёқутн аҳмар,
Эшигинг тийра — гарди мушксоро⁴⁴.

«Девон»да:

Учарга ишқ бир чора қил дединг, зоҳид
Бўлурму қисматим ўлғон балони чора қилиб⁴⁵.

«Хазоинул-маоний»да:

Учарга ишқ ўти бир чора қил дединг, эй шайх,
Бўлурму қисматим ўлғон балоға чора қилиб⁴⁶.

Умуман, юқорида баён қилинган фикрлардан қўйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Навоий услубдаги баъзи мавҳум ва ҷалкашликлардан қўгула бориб, шакл билан мазмун орасида гармония ҳосил қўлишга интилган. Бу эса шонр дунёқарашиниң ривожи ва шаклланishi билан узвий bogлангандир. Чунки «ёзувчининги стили — ёзувчи ички дунёсининг ёрқин ифодасидир. Кимдаким ёрқин стилга эга бўлмоқни истаса, у, аввало, ўз қалбida ёрқинликка эришмоги лозим; кимда-ким олижаноб стилда ёзишни истаса, унинг қалбida олижаноб туйғулар бўлмоғи лозим» (Гёте).

2. Навоий бадиий тасвирда, поэтик образ ва деталларда тобора конкретликка қараб борган.

3. У ўз тезисларини конкретлаштиришга интилади; ўз худосаларини ихчам ва қатъий ҳукм сифатида баён қилишга ҳаракат қиласди. Бундай ҳол ҳаёт ҳодисалари ҳақида фикр юритилган фалсафий руҳдаги шеърларда кўпроқ учрайди.

4. Навоий илк шеърларида баён қилган фалсафий фикрларини кейинги даврларда янада чуқурлаштириб, кенгайтира борган; фалсафий руҳдаги тезисларга сиёсий тус беришга интилган.

Навоий лирикасида бу вариантларнинг ҳосил бўлиш сабаби эса, бизнингча, қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, маълумки, Навоий ўз ижодини форс тилида бошлаган. Дастлабки вақтларда форс тилида кўпроқ машқ қилган. Кейинроқ икки тилда ёза бошлаган. Бу ҳақда унинг ўзи «Муҳокаматул-луғатайн»да сўзлаб ўтади. Форс тилини жуда яхши билган, ҳатто, илк ижодини форс тилида бошлаган ёш шоирнинг дастлабки ўзбекча шеърлари услуби аана шу ҳолнинг таъсир қилган бўлиши мумкин. Девон шеър-

⁴⁴ 55, 266-в.

⁴⁵ 564, 29а-в.

⁴⁶ 55, 31б-в.

ларида учрайдиган баъзи бир стилистик ғализликларнинг сабабларидан бири ҳам, балки, ана шунда.

Биз юқорида илк девон тузилган вақтларда Навоий ижоди юксак камолот касб этган бўлиб, унинг ўзига хос стили: ҳам шаклланган эди деган фикрни баён қилган эдик. Броқ бу Навоий ижоди умрининг охирига қадар бир жойда тўккаб қолди, деган хулосага олиб келмаслиги керак. У ижодда доимо олдинга, юксакликка қараб интилади. Унинг ҳаётини тажрибаси, дунёқарашн тобора ривожланиб боради. Шунга боғлиқ ҳолда, унинг ижодий услуби ҳам янада бойиб, тараққий этади. Шунинг учун ҳам Навоий лирикасидаги вариантлар авторнинг кейинча ўзининг илк шеъларига танқидий нуқтаи назардан қараб, жиддий таҳрир қилиши натижасида ҳосил бўлган десак, янглишмаган бўламиз.

Бизнингча, юқоридаги вариантларнинг ҳосил бўлишидаги иккинчи сабаб ана шундан иборат.

ХУЛОСА

Алишер Навоийнинг лирик меросини илмий жиҳатдан текшириш соҳасида сўнгги йилларда сезиларли ишлар қилинди. Шоирнинг ижодий эволюциясини унинг жонли динамикасида олиб текшириш ҳозирги пайтда адабиётшуослик олдида турган энг актуал вазифалардандир. Бу эса, ўз навбатида, Навоий ижодий фаолиятининг барча этапларини бирма-бир синчиклаб текшириш ва уларнинг ўзаро боғланиши ҳамда ривожини изчиллик билаи ўрганишни тақозо этади.

Навоий илк лирикасининг гоявий-бадиий хусусиятларини таҳлил этиш эса ана шу катта ҳажмдаги ишниг бир бўлагидир.

Навоий ижоди ўз даврининг лирик традициялари заминида тарбияланиб вояга етди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг ўз даври лирик традицияларига бўлган муносабатини аниқлаш шоир илк ижодининг туб моҳиятини белгилашга имкон беради. Бу масалани ҳал этишда биз учун энг муҳим манба— Навоийнинг адабий-илмий асарларида ўз салафлари ҳақида айтган фикрлари ҳамда унинг илк лирик шеърлариdir.

Навоий ижоди ўзбек ва форс-тоҷик поэзияси ҳамда ҳалқ оғзаки ижодининг бой традициялари заминида юзага келиб ривожланди ва ўзига ана шулардаги энг яхши хусусиятларни сингдирган ҳолда, бутунлай янги ва юқори поғонага кўтарила олди.

Навоийнинг ўз даври лирик традицияларига муносабати шоир ижодининг турли этапларида турлича даражада на-моён бўлади.

Навоий ўзбек ёзма адабиётининг барча тажрибаларини Атойи, Саккокий ва, хусусан, ана шу адабиётининг Навоийга қадар олий чўққиси ҳисобланган Лутфий, форс-тоҷик поэзиясининг ютуқларини эса Саъдий, Ҳусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийлар ижоди воситасида қабул қилиб, ўзига синглирди. Шунинг учун ҳам Навоий уларни ўзининг қоиуний салафлари деб ҳисоблайди.

Хусрав, Ҳофиз, Жомий ва Лутфийларнинг ҳар бири Навоийга ўз ижодининг маълум томони билан ўрнак бўлган. Ҷунончи, Хусрав Деҳлавийдаги нозик ва чуқур лиризм. Ҳофиз ғазалларнинг исёнкор руҳи ва риндана кайфияти. Жомий поэзиясининг фалсафий баркамоллиги ҳар доим Навоининг диққатини ўзига тортган бўлса, Лутфий поэзияни ўзининг чуқур халқчиллигига ижтимоий салмоғи билан Навоий учун ўрнак бўлган ва уни ҳар доим илҳомлантирган. Умуман, Навоий илк лирикасининг тематик шаклланишида традициянинг роли каттадир. Бироқ Навоининг илк лирикаси ўзининг кўпгина ижобий фазилатлари билан (ғазалдаги байтларнинг мантиқий изчилиги, автор шахсининг айча кенгакс этиши, ғазалларда ижтимоий-сиёсий масалаларниң кенг кўламда ифодаланиши ва бошқалар) унга қадар яратилган ўзбек ва форс-тожик поэзиясидан (лирик поэзия, албатта) устун туради.

Навоий илк лирикасининг тематик шаклланишида, традиция билан бир қаторда, шонр яшаб ижод қилган давр, муҳитнинг ҳам таъсири каттадир. Бу эса ана шу шеърларнинг гоявий пўналишига ўз таъсирини кўрсатган. Навоий ишқ, май темалари воситасида ўз ғазалларида ҳижрон ва даврдан норозилиги, шикоятини анча кенг ва чуқур ифодалаган.

Навоининг илк лирикасида, ўша даврнинг ҳукмрон пдеологияси ҳисобланган сўфизмнинг маълум даражада излари бўлган ҳолда, асосан, реал борлиқ ва унинг марказий фигураси инсон ҳамда инсоний фазилатлар, ҳис-туйғулар кўйлашади. Бу эса бутун Навоий ижоди учун хос бўлган гуманизмнинг дастлабки ёрқин кўринишларидир.

Навоининг илк лирикаси ўзининг поэтик хусусиятлари билан ҳам диққатга сазовордир. Навоий илк ижоди давридаёқ, Шарқ классик лирикасининг бой воситалари ҳамда усулларидан ижодий равишда фойдаланиш билан бирга, бу соҳада ҳам новатор сифатида ҳаракат қилган, поэтик воситаларнинг имкониятини янада кенгайтирган ва уларни бойитган.

Навоий ижоди ҳар доим ўсишда, ривожланишда бўлган. Шоир ижоди, дунёқарашининг эволюцияси ва бу эволюцион йўлнинг баъзи бир хусусиятлари илк лирикадаги автор вариантларида ўз аксини топган.

Навоий ижодий фаолиятининг кейинги даврларида ҳам ўзининг илк шеърларини назардан қочирмаган, уларни талабчанлик билан кўздан кечириб, жиддий таҳрир қилган. У лириканинг халқчиллиги, фалсафий чуқурлиги учун курашган ва лирикага ижтимоий масалаларни кўпроқ олиб кириш ҳамда фалсафий хуносаларга сиёсий тус беришга ҳаракат қилган. Бу эса Навоий илк шеърларининг ижтимоий-сиёсий салмоғи ва қимматини янада оширган.

МУНДАРИЖА

К и р и ш	3
I боб — Алишер Навоийнинг ўз даври лирик традицияларига муносабати	9
II боб	
<i>1-бўлим — Навоий илк лирикасининг асосий мотивлари</i>	<i>57</i>
<i>2-бўлим — Навоий илк лирикасининг баъзи бир поэтик хусусийтлари</i>	<i>104</i>
III боб — Илк лирика эволюциясига доир	120
Х у л о с а	137

Исақов Ёкубжон.

Алишер Навоининг илк лирикаси. Масъул
муҳаррир. Ҳ. Сулаймон. Т., «Фан», 1965.
140 бет. (ЎзССР ФА А. С. Пушкин номи-
даги Тил ва адабиёт ин-ти). Тиражи 1000.

Исақов Я. Ранняя лирика Алишера Навои.
I. Загл.

8Уз

На узбекском языке

Якуб Исақов

РАННЯЯ ЛИРИКА АЛИШЕРА НАВОИ

Издательство «Наука» УзССР
Ташкент — 1965

Редактор *Д. Мұминова*
Рассом *П. Д. Воронкин*
Бадний редактор *Э. У. Валиев*
Техредактор *З. П. Гарькован*
Корректор *Х. Саъдулаева, Н. Раҳимова.*

P01825. Теришга берилди 19/IV-65 й. Босишга рухсат этилди 11 VI-65 й. Формати 60×90/16=
4,37. қоғоз л. 8,75. босма л. 8,0. Нашриёт № 1370. Тираж 1000. Баҳоси 58 т.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, 2-Високоволът кўчаси, 21. Заказ 622.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

Баҳоси 58 т.